R-496.
1980/7-12



R-496
1980/7-12

Гулистон

7
1980

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1980 ЙИЛ 23 ИЮНДА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРИ

КПССнинг НАВБАТДАГИ XXVI СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVI съезди 1981 йил 23 февралда чақирилсин.

2. Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1) КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ҳамда партиянинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги навбатдаги вазифалари — докладчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев.

2) КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи — докладчи КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Г. Ф. Сизов.

3) 1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари — докладчи СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин.

4) Партиянинг марказий органларини сайлаш.

3. КПСС XXVI съездига вакиллик нормаси партиянинг 3350 аъзосидан бир делегат қилиб белгилансин.

4. КПСС XXVI съездига делегатлар партия Уставига мувофиқ область, ўлка партия конференцияларида ҳамда иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланади. Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва Қозоғистон Компартияларидан КПСС XXVI съездига делегатлар область партия конференцияларида сайланади.

Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотлари ҳисобида турувчи коммунистлар КПСС XXVI съездига делегатларни тегишли территориал партия ташкилотлари билан биргаликда область, ўлка партия конференцияларида ёки иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида сайлайдилар.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг чет элларда турган қисмлари партия ташкилотлари ҳисобидаги коммунистлар КПСС XXVI съездига делегатларни тегишли қўшин қўшилмаларининг партия конференцияларида сайлайдилар.

ОЛМАЛИҚ ОДИМЛАРИ

ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛИБ

Чўққилари оппоқ Қурама тизмалари оралиғида Олмалиқ шаҳри ястаниб ётади. Унинг бунёд этилганига энди ўттиз йил бўляпти. Бир вақтлар боғроғлари, хушбўй олмалари билан шуҳрат топган жой эди. Бугун у — замонавий, қудратли саноат маркази. Унда мис, молибден, рух, қўрғошин, рўзғор эҳтиёжи учун ўнлаб буюмлар, қимёвий доривор ва минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Бу бойликларни она табиат серҳосил боғлар қулоч ёзган замин қаърида асраб келган.

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Вали Муҳамедов гапни худди шундан бошлади:

— Бизнинг бурчимиз — табиатнинг ноёб туҳфасини эҳтиётлаб тасарруф қилиш... Қадимдан таърифи оламга кетган олмазорларни кўпайтириш ҳақида ҳам ўйлаяпмиз. Заводлар кенгайиб, атроф боғларга бурканмоқда, йил сайин янги кўркам шаҳарчалар қад ростлаётир.

Мана, рух заводи В. И. Ленин номидаги Конметаллургия комбинатининг ёш корхоналаридан. Завод директори Геннадий Евсеевич Бобко телефон кнопкасини босиб, цех бошлиқларидан аниқлай бошлади:

— Бондоренкомисиз?.. Сиз керак эдингиз. Бу ерда ўртоқлар сизларнинг қандай қилиб 81 процент рухни сифат белгиси билан ишлаб чиқараётганларингиз, бунинг устига планни ошириб бажараётганларингиз билан қизиқмоқдалар.

— Жуда яхши, лекин буни фақат цехда кўриш мумкин. Марҳамат, келишсин, кутамиз,— Бондоренконинг товуши тетик эди.— Ҳозир худди Владимир Каменский сменаси ишни тугатаётир...

— Рухни тобора кўпроқ етказиб бериш талаб қилинаётир. Лекин табиатда руда ўзидан ўзи кўпаймайди,— деди телефондаги гапга изоҳ бериб директор.

— Сиз «тандем» деб атаган учинчи босим кучи-чи?

— Бондоренко тоифасидаги мастерлар учун — биринчи! У бари бир жиловланаётган экан, бунда илғорларнинг катта ҳиссаси бор. Ўнлаб илмий-тадқиқот институтларини чиқиндилардан хом ашё ресурсларини қидиришга даъват этган ҳам — шулар.

...Электр токида қуюш цехининг эритиш бўлинмаси фақат уч томондан девор билан ўралган. Тўртинчи томони айвон, таги кенг майдон. Бу ердан тайёр маҳсулотлар машиналарга юкланади.

Соф рух. Қарийб одам бўйи келадиган ялтираган қўрғошин кесмалари ғарами юпқа зар қоғозларга ўралган улкан шоколад плиткаларига ўхшарди.

— Буларни рангли жилдларга ўралса борми, яна ҳам...— дея ҳазиломуз илова қилди Каменский сменасидаги йигитлардан бири.

— Устига «Гаргантюанинг нонуштаси!» деб ёзиб ҳам қўйса,— дея гапни илиб кетди иккинчиси.

— Биз тайёрлаган рухни ишлатаётган улкан заводларга қиёсласа, Гаргантюа лилипутга айланиб қолади,— деди Каменский суҳбатга жиддий тус бериб.— Бундай корхонанинг эҳтиёжини қондириш осонми?

— Демак, бор имкониятдан омилкорлик билан фойдаланишимиз керак. Албатта, эртани ҳам ўйлаб иш тутамиз,— деди цех бошлиғи майдондаги товар маҳсулотларга ишора қилиб.— Тошлоқ чиқиндилардан фойдаланмаганимизда бу товарлар қаерда эди дейсиз. Чиқиндилардан 10 процентгача металл оляпмиз...— Унинг кўпчилик олдида айтган бу гапидан ўз ишининг моҳир усталари бўлган елкадошлари эритувчилар, электролизчилар, слесарлар, автоюкчилар билан фахрланаётгани яққол сезилиб турар эди.

Виктор Васильевич ўқувчилик вақтидаёқ кимёга ҳавас қўйди. 1970 йили Шимолий Кавказ металлургия институтини тамомлаб, Олмалиқ истиқболини эшитгач, шу ерга йўлланма олди, рух заводини ишга туширишда фаол қатнашди. Дастлаб печкачи бўлиб ишлади.

Владимир Иванович Каменский ҳам шундай

Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг ҳал қилувчи йилида республикамиз саноат корхоналарининг коллективлари юксак меҳнат натижаларини қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Партиямизнинг XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишда ҳар бир ишчи, техник ходим ва инженер зарбдорликни қўлдан бермаётир. Тошкент Тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси, СССР Олий Совети депутати Дилбар Қулматова ана шундай зарбдорлардан. Олтин қўлли пахтакорлар етиштирган пахта Дилбар Қулматова каби юзлаб минглаб тўқувчилар меҳнати туфайли чиройли газламага айланади.

А. ЖДАНОВ фотоси

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

Гулистон

№ 7 (365)
Июль
1980

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти.

©«Тошкент» 1980.

ният билан Красноярскдан келган. У махсус техника маълумотини ҳам шу ерда олди. Гарчи ёш бўлсалар-да, уларни, яна Владимир Федосеев, Виталий Чубаров, Андрей Шипуваловни завод ветеранлари сифатида ҳурмат қиладилар.

Бу йигитлар бошда рух ишлаб чиқариш цехига унча кўнгил қўйиша олмади. Турар жой танқислиги ва бошқа маиший ноқулайликка тез кўникиб кетиш қийин эди. Лекин дастлабки ютуқлар уларнинг ўзларига бўлган ишончини мустаҳкамлади. Устозлар далда берди. Масалан, қуювчи Ёқуб Раҳимов моҳир устагина эмас, яхши мураббий ҳам эди. У тўрт йигитга устозлик қилди. Улардан бири Рафқат Тешабоев. У ҳарбий хизматни ўтаб шу цехга келган эди. Касблар бўйича ўтказилган конкурсда ўз устозига тенглашишига сал қолди. «Ғолиблик учун!» деган махсус совринга сазовор бўлди. Унинг тенгдошлари Валерий Ким, Николай Эшбеков, Вадим Шутов ҳам яхши касб эгаси бўлиб етишдилар.

Йигитлар шаҳардаги ўрта мактаблардан бирига оталиқ ҳам қилаётганликларини айтдилар. Улар буни расмият учун эмас, амалда, намунали қилиб бажармоқдалар. Тўртинчи синфлардан бирига то ўнинчи синфгача оталиқ қилишга аҳд қилишган. Ишчи йигитлар болалар билан дўстлашиб, мактабдаги тўгарак машғулотларини ўтказадилар, завод ва фабрикаларга экскурсиялар уюштирадилар.

— Улар мактабни тугатгач, бизнинг ўрнимизни эгаллашади,— дейди Владимир Каменский оталарга хос меҳр билан.— Бошқа касбни танласалар ҳам, бари бир, ишчи акаларига ҳурматлари ортади.

ХАМИР УЧИДАН...

ОЗОДА, кенг ва ёруғ цехлар замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Дастгоҳларга ўрнатилган электрон механизмлар гиламларга нақш ва гулларни бир текис туширади. Бу ердаги жараён одатдаги гилам тўқишдан мутлақо фарқ қилади.

— Ҳамма гап хом ашёнинг ўзгачалигида,— деди фабрика директори Мирзабек Сиддиқов ғалтакдаги ялтироқ ипларга ишора қилиб.— Бундай ипни боболаримиз хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Сунъий тола. Жилоланишини қаранг! Кўзни қамаштиради.

Тебранма йўлаклар бўйлаб цехдан цехга ўтамиз. Оқ иплар айланиб ўралиб, ускунадан ускунага кўчади ва зичлашиб, кўз олдингизда чиройли гиламга айланганини сезмай қоласиз. Унда қадимги ўзбек тўқима нақшлари, туркманча саккиз қиррали «гул» ва қирғизча қия ғунчалар ҳамда «Олимпиада-80» деган энг янги рамзий белгилар жилоси ҳосил бўлади.

Цехдаёқ бу жилодор буюмлар харидорларга жуда манзур бўлади, деган фикрга келасиз.

— Маҳсулотни икки баравар оширишимиз мумкин эди,— деб таъкидлайди мастер ёдамчиси Владимир Марченко.— Лекин ҳамма иш бизга боғлиқ эмас-да,— дея гапига изоҳ берди у.

— Асосий нарса етишмайди,— дея гапга аралашди иккинчи мастер ёрдамчиси Муҳаммад Турматов.— Хом ашё етишмасдан, дам-бадам бекор туриб қоламиз.

— Афсуски, шундай,— деди оғир ютиниб директор.— Белоруссиянинг Гродно шаҳрида кимёвий толалар заводини қуриш чўзилиб кетди... Қатъий белгиланган хом ашё лимити ҳисобига қимирлаб турибмиз... Ўтган йили бир ярим миллион квадрат метр гилам-мато ишлаб чиқардик. Хом ашё етарли бўлганда бу рақамни 3 миллион 600 мингга етказардик. Дастгоҳлар бекор туриб, ишчиларимизнинг чўнтагига ҳам зиён етмоқда. Мана, хўжалик механизмлари учма-уч келганда шундай танглик юз беради. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Планлаштиришни яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга хўжалик механизмининг таъсирини кўчайтириш тўғрисида» деб чиқарган қарорида худди шу проблеманинг таъкидланиши бежиз эмас.

Биз дастгоҳлардан бирини бошқараётган Шоира Турдиқулова ёнига бордик.

— Шоирахон, дастгоҳингизнинг гоҳида бекор туриши иш ҳақингизга таъсир кўрсатаётган бўлса керак?— деб сўрадик.

— Ишкал бўлмаганда ҳақни 40 процент ортиқ олардим,— дея жавоб қилди у.

— Енгил саноат учун хом ашё тайёрлаш Ittифоқ Бош бошқармасининг Марказий фонд тўплаш бўлими маҳсулотимиз сифатини инобатга олиб, хом ашё проблемасини ҳал қилишга кўмаклашар, деган умиддамиз,— деди директор.

Ҳа, Олмалиқ гилам фабрикаси маҳсулотларининг сифати таърифласа арзигулик. Ўтган йили унинг олти маҳсулотига сифат белгиси босилди.

В. ҚОСИМОВ

ТАБАРРУК ПАХТА

«ҚЎРИҚ» деган соф деҳқончилик тушунчаси бизнинг кунларда кенг ижтимоий маъно касб этди. Леонид Ильич Брежневнинг айтишича, бу сўзда юксак гражданлик ва чуқур совет ватанпарварлиги мужассамлашган. Чўлқувар — тарихий фигура, у қаҳрамонона давр белгиси. Уни тилга олганда кўз ўнгимизда 5 миллион 850 минг тонналик улуғ хирмонни тиклаётган азамат пахтакорларимиз гавдаланади.

ОТА ЎҒЛИ

Алантой Канибеков чопиқ кезлари кетмонини эгатда қолдириб, тўппа-тўғри ҳарбий комиссарликка борди. Жангга кирди. Кўп марта яраланди. Учинчи даражали Шуҳрат орденига сазовор бўлди.

Қишлоғига қайтиб, иккинчи группа инвалидлигига қарамай, яна ўзини пахтага урди. Пахта фронтида ҳам қандай «жанг» қилганлиги кўксидаги медаллардан кўриниб турибди. Ирашхон билан қўшалоқ кабутардай кечган умрлари бадалига ажойиб пахтакорлар сулоласи — Қобилжон, Элбек, Ойсара, Қосимбек, Мирзабек, Эркинбек, Омонгелдилар дунёга келди. Ўғиллари учирма бўлиши биланоқ ота ёнига кирдилар. Элбек — тракторчи, Қосимбек — сувчи, Мирза, Эркин ва Омонгелдилар эса бири ўт юлган, бири тўкилган пахтани терган, бири отасига саратонда муздеккина гўжа билан яхна чой ташиган... Қўйнидан тўкилса қўнжига-да. 66 гектарнинг ҳар гектаридан 40 центнерга етказиб ҳосил олган кезлари бўлди. Оиланинг тўнғичи Қобилжон асли муаллим эди. Математикадан дарс берарди. Бешинчи бўлим бўйича устоз пахтакор Алантой Канибеков билан улоқ талашадиган бригада бошлиғи топилмагач, отасига қўшқўл бўлиш ниятида даврага тушиб кетганича ҳали қайтиб чиққани йўқ. Ёши ҳали ўттизнинг бу ёғида. Келажакда қанча марди майдонлар билан беллашади у. Ҳосилдорликни муттасил ошириб, 35 центнерга етказиб олди.

Энди Қобилжон Алантоевни бўлим бошқарувчиси қилиб тайинладилар. Ўтган йили бўлим бўйича 1 минг 142 тонна ўрнига 1 минг 300 тонна пахта етиштирилди. Бу йилги довон эса яна ҳам баланд...

Алантой Канибеков оқшомлари ўйнаб оқаётган сувни ёқалаб, ана шулар тўғрисида ўйлайди, кўнгли қувончларга тўлади.

БИРИНЧИ ҚАДАМ

Синдорқул Бойбеков бу чўлларга Бахмалнинг Байтак қишлоғидан келган эди. Аввалига ҳали у бўлимда, ҳали бу бўлимда беш йил чўт қоқиб юрди.

Директор бундан беш йил аввал совхоз идорасига бақувват бир йигит кириб келганини эслайди.

— Бухгалтер бўласиз,— деди директор.

— Жон ака, шу гавдам билан, кирим дафтари қаёқда, чиқим дафтари қаёқда, деб ивирсиб юраманми? Бухгалтерлик бўлса, ўша ерда ҳам қилаверардим. Ўрмон хўжалигида бош бухгалтер эдим...

— Ўғлим, чўлда одам кам. Бори ҳам... Сен уларни ўзингга эргаштира оласанми?

— Ўн йилликни тугатган синфдошларим ҳужжатини қўлтиқлаб институтма-институт кетган. Қилич акам бу дунёдаги ҳеч қайси ҳунарни муаллимликка алишмайди. Норбўта акам ўрмон хўжалигида бўлим бошқарувчиси. «Арчанинг тагидан саксовулнинг ёнига бораманми, булбулнинг қўшиғини чигиртканинг чириллашига алишаманми?», дейди. Аёлим билан келавердим. Улуғбек деган ўғлим бор.

— Ўша аканг бу чўлларга уч тўрт йилдан кейин бир келсин, айтиб қўй,— деди директор сал хўмрайиб.

Хуллас, гапнинг қисқаси, Синдорқул Бойбеков Асад Ёрматов, Эргашвой Жўраевлардан ҳеч қайси муаллим тўлиқ айтолмаган, ҳеч қайси китобда мукаммал битилмаган ишларни, ерга, пахтага, инсонга эътиқод илмини ўрганиб борди.

У икки йилдан бери бўлимни бошқаради. Биринчи қадамлари дадил бўлди. 456 гектарнинг ҳар гектаридан пландаги 30 ўрнига 38 центнердан хирмон кўтариб, ҳосилдорлик жиҳатидан совхоз бўйича иккинчи ўринга чиқди. Асл касби иқтисодчи бўлганидан, натижаларни ҳар замонда хомчўт қилиб турибди. Ҳосилдорликни оширишда бўлим ишчилари унинг тадбиркорлигига ишонадилар.

ЁЛҒИЗ ОТНИНГ...

1974 йили тўлиқсиз ўрта мактаб директори Жўрақўл Тўхтаев маориф бўлимидагиларнинг розилигини олиб, чўлга отланди.

У олий маълумотли педагог — ўзбек тили, адабиёти бўйича мутахассис эди. Қишлоқ хўжалик институтида сиртдан ўқирди-ю, таҳсили мукаммал эмас — эндигина иккинчи курсга ўтган эди. Бу дунёда йигит кишининг аввало кўзи пишисин экан. Жўрақулнинг отаси Тўхта ака Қўшназаров уруш йилларидаёқ гектаридан 40 центнердан ошириб пахта олган, Меҳнат Қизил байроқ орденли бригада бошлиғи эди. Жўрақул онаси Бибинорнинг қанорини тош-тарозига ташиб юриб меҳнатга ўрганди.

Ҳосилдорликни поғонама-поғона ошириб келган бригада бошлиғини совхоз маъмурияти 5-бўлим бошқарувчилигига тайинлади. Мана икки йилдирки, Жўрақул Тўхтаев бошлиқ бўлим маррага биринчилар қаторида келмоқда. 418 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтарган бўлимнинг бошқарувчиси «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медалини олишга муяссар бўлди.

Ёлғизнинг донғи чиқмас, дейдилар. Бўлимнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Баҳриддин Тожиев, Холйигит Раҳимбердиев, Равшан Тожиев, Оллоберди Эсонбеков, Мамарасул Отабоев, Эшмон Бегимов каби ўнлаб заршуносларни бўлмаса, Жўрақул Тўхтаевнинг довруғи чиқармиди?

ШАҲД

Ворошилов номидаги совхоз бригада бошлиғи Равшан Тожиев шахсий варақасидаги «Ҳукуматнинг қандай мукофотларини олгансиз?» саволи ёнига пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматларим учун «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланганман, деб ёзиб қўйди.

Бундан етти йилча аввал тақдири чўл тақдирига, пахта тақдирига бирикиб кетишини хаёлига ҳам келтирмас эди. Ёш авлодни ҳаётга коммунистик назар билан қарашга ўргатиб келаётган муаллим Уйлиқмадан бу чўлларга кўнгил деб келди. Гап шундаки, суянганда суянчиғи, таянганда таянчиғи Лаълиойга Уйлиқманинг ҳавоси ёқмай қолган эди. «Ҳаво алмаштиринг», деди врачлар. Одамни эндигина узилган тандир сомсадай қарсиллатиб, баданидаги ортиқча сувни қочириб, ерга урсанг кўкка сапчийдиган қилиб юборадиган ҳаво — чўл ҳавоси-да.

Ўшанда — 1973 йил кўкламида Равшан Тожиев директорга ариза кўтариб кирди.

— Адабиёт муаллими эмассиз-ку!— деди директор зарда билан.— Адабиётчилар романтикроқ бўлади. Сизга нима бўлди? Математиксиз, йигирма етти йилдан бери ўқитувчилик қиласиз...

— Тўғри-ю,— деди Равшан ака,— аммо...

— Нима «аммо»?

— Чўлга ҳам олий маълумотли кадрлар керак. Қолаверса, қариндош-уруғларим чўлда.

...Равшан Тожиев бир йилдаёқ совхоз аҳлига танилди. У бошлиқ бригада 1973 йилдаёқ пландаги 15 центнер ўрнига 30 центнерга етказиб хирмон кўтарди.

Ўша-ўша тилдан тушгани йўқ. Тушмайди ҳам. Бунинг устига, тўнғич ўғли — Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Баҳриддин Тожиев: «Ота, бўш келмайсиз!», деб ёнида далда бериб, қарашиб турибди.

Унча-мунча деҳқоннинг юраги бетламайдиган ерлардан ҳам 45 центнерга етказиб ҳосил олгани учун ўн уч марта партия ва совет органларининг фахрий ёрлиғига сазовор бўлган орденли деҳқон улоқни бировга олдирмайди!

Равшан ака чўл табиатини ўзида мужассамлаштирган минглаб замондошларимизнинг бири.

Унга ўхшаган пахта қаҳрамонлари ҳақида ўйлаганда, устоз адиблардан бирининг қуйидаги сўзларини эслайман: «Сирдарё пахтаси — алоҳида табаррук пахта. Ленин даҳоси билан, партия ва халқимиз иродаси билан Мирзачўлдан юлиб олинган ерларда, ажойиб истиқболли янги воҳада етилган пахта. Пахтачиликда халқаро тажриба лабораторияси, деб бутун жаҳон кўз тикиб турган Мирзачўл пахтаси қувончимизга қувонч қўшади».

Анвар ЭШОНОВ

Оқолтин райони

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ-ДЎСТЛИК ОРБИТАСИДА

Космосдан ерга қувончли муждалар келиб турибди. Космонавтлар Леонид Попов билан Валерий Рюмин «Салют-6»—«Союз-35» илмий тадқиқот комплексида парвозни муваффақиятли давом эттираётган кунларда яна бир хушхабар янгради: «Союз-36» космик кемаси дўстлик орбитасига чиқарилди. Фазо кемасини халқаро экипаж — кема командири, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Валерий Николаевич Кубасов билан тадқиқотчи космонавт, Венгрия Халқ Республикаси граждани Берталан Фаркаш бошқармоқдалар.

Орадан бир кун ўтгач, «Союз-36» фазо кемаси «Салют-6»—«Союз-35» орбитал комплекси билан туташтирилди. Космонавтлар Валерий Кубасов ва Берталан Фаркаш «Салют-6» станциясига кўчиб ўтдилар. Л. И. Брежнев ва Я. Кадар ўртоқларнинг халқаро экипаж — космонавтлар Попов, Рюмин, Кубасов ва Фаркашга йўллаган табрик телеграммасида бундай дейилади: «Сизлар орбитал лабораторияда ёнма-ён ишлаб, космосда қардошларча ҳамкорлик соҳасида қимматли тажриба орттирмоқдасиз. Социалистик мамлакатлар бу ҳамкорликни ташкил этиш пионерлари бўлдилар. Сизларнинг космик парвозингиз амалдаги интернационализмнинг ёрқин намунасидир». Бу галги халқаро экипаж аъзолари зиммасидаги вазифа «Салют-6»—«Союз-35»—«Союз-36» илмий-тадқиқот комплексида илм-фан, қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги манфаатлари йўлида ер юзасини кузатиш ва суратга олишдан, шунингдек, парвоз программасига мувофиқ, медицина-биология тадқиқот ва экспериментларини бажаришдан иборат.



Кема командири — икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Венгрия Халқ Республикаси Қаҳрамони, СССР Космонавт-учувчиси В. Кубасов ва тадқиқотчи космонавт — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Венгрия Халқ Республикаси Қаҳрамони Б. Фаркаш.

В. КУЗЬМИН ва А. ПУШКАРЕВ фотоси

ВАТАН—МЕҲРИБОН ОНА

Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ



Чексизлик

Ирина Роднинага

Чексизлик тимсоли — денгизгинамас,
Бесарҳад эмасдир ёлғиз коинот...
Оламга теранроқ назар солсанг бас,
Чексиз нарсаларга тўладир ҳаёт!
У ўн йил ҳайратга солди дунёни!
Ўйладим: вақт етди, ҳориди, толди...
Бас, чексиз эканки инсон имкони,
Йўқса, у қудратни қаердан олди?
Шуҳрат осмонида мисоли офтоб,
Довруғи таралди бутун жаҳонга —
Яна у майдонга йўл олди шитоб,
Яна у буркади Ватанни шонга!
...Нелар чексиз эмас бу олам аро,
Ўчармі бор бўлса юракда олов?
Ким кўрган меҳрнинг бўлганин адо,
Муҳаббат сўнганин биларми биров?
Онага хат келди,
ногоҳ, фасли куз:
«Ўғлинг Ватан учун фидо қилди, жон...
У кутар эдими фарзандин ҳануз,
Агарда умидга бўлганда поён?
Не-не жафоларни чекмади одам,
Нималар кечмади ахир дунёда...
Бугун у юрибди бақувват, бардам,
Демак, ҳадсиз экан бардош, ирода!
Тун...
Кимдир қўймоқда шеърига нуқта,
Мен эса ўйлайман энди илк байтим.
Интиҳо — ибтидо экан омухта,
Борми шеъриятга ниҳоя, айтинг?
Дунёда эзгулик яшар экан бас,
Собит турар экан токи одамзод —
Чексизлик тимсоли денгизлар эмас,
Бесарҳад эмасдир ёлғиз коинот...

* * *

Куз — тиниқ фаслдир,
беғубор,
бегард,
Мавжудот сукунат бағрига чўккан...
Бошингни кўтарсанг,
юлдузларга тегар,
Йўл олмоқ мумкиндай кўринар
кўкка!

Пўртанали ўйлар
заминдай
оғир,
Хаёлни банд этмас
икир-чикирлар...
Куз — баркамол фасл,
етуклик чоғи,
Анҳор суви каби
тиниқ фикрлар!.

Ватан

Ватан — аждодлардан мерос ошиён,
Авлодларга қолган хоки муқаддас.
У — номус мисоли асралган макон,
Осмон гумбазини жаранглатган сас!
Ватан — Муқимийнинг хору зор ўтган
Аламларга гувоҳ ғариб ҳужраси.
Бенаво Фурқатнинг ҳижронда кутган,
Аммо етолмаган висол муждаси.
Муса Жалил учун кўз қораси ул,
Боиси — бардошдир,
Боиси — шони.
Дунё чаманида Ватан битта гул,
Жамоли лол этган ҳатто самони!

Ватан — фазогирга олисда,
пастда
Интизор кўз тиккан бепоён диёр.
Ҳайрат йўқ, ажнабий боқса ҳавасда,
Тополмай у каби меҳри пойидор!
Ватан— фарзандларга меҳрибон она,
Оналар наздида гўдакдек ширин.
Зоҳиран бўлса ҳам танҳо, ягона,
Ҳар қалбда ўзга бир сеҳри яширин!
Гарчи у курранинг бир қисми,
Аммо
Мен учун дунёдан улкан дунёдир.
Мен-ку шу Ватаннинг қучоғида жо,
Лекин у ҳам мангу қалбимга жодир!..

Уй

Мўъжаз ҳовли,
Бақамти хона,
Шунда кечар йилнинг тўрт фасли...
У — мен учун маскан ягона,
У — мен учун оламдир асли!
Қасрларнинг қаҳкашонлиги
У бўлмаса, мен учун бекор!
У бўлмаса, мен учун бекор
Бу оламнинг бепоёнлиги...

* * *

Кимлардир тикармиш ҳасадли нигоҳ,
Кимлардир сен ҳақда тарқатармиш гап.
Билмайсан, нимадир сендаги гуноҳ,
Нимадир уларда қўзғаган ғазаб?
Арзимас, бу ҳақда ўртасанг бағир,
Не даркор азобда чангалламоқ бош?
Бундан мағрурланмоқ лозимдир,
Ахир,
Мевасиз дарахтга отмайдилар тош.

Наманган



Шомурод СИДДИҚОВ

ФАН АРБОБИ

Шу ЙИЛНИНГ 15 январида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Ғани Мавлоновни Октябрь революцияси ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг фармони эълон қилинди. Ғани Орифхонович номига кўп қутловлар келди. Шогирдлари, ҳамкасблари устозга қучоқ-қучоқ гуллар тақдим қилдилар. Олим хонадонига қирчиллама қишда гўё баҳор кириб келгандек эди.

Гурунг узоқ давом этди. Ғани ака меҳмонларни кузатиб ярим кечада иш кабинетига кирди. Қувонч ва ташвишлар билан бўлиб, ҳали газеталарни ҳам ўқиёлмагани эсига тушди. Лекин газета хабарлари уни ўйга толдирди. «Хизматлари учун... етмиш йил...» деган сўзларни такрор ўқиди. Сатрлардан кўз узиб атрофга қаради: ташқарида — дераза ортида қиш. Ерга оппоқ қор тўшалган. Ичкарида эса турфа гуллар бўй таратиб турибди.

Олим шу топда ўзи билан табиат ўртасида қандайдир боғлиқлик, рамзий ўхшашликни ҳис этди. Шу тўртки бўлдию хаёл уни ўтмишга етаклади.

Қизил Армия қисмининг таъминот бўлинмасида хизмат қилаётган отасини Андижоннинг Қоракалтак қишлоғида босмачилар ўлдириб кетганда Ғани саккиз яшар бола эди. Онаси Карометхон беш нораста гўдаги билан бева қолди. Бобоси Орифхон уни ўзлари яшаётган Сарчопон маҳалласидаги (Самарқанд дарвозасида) эски мактабга берди. Шу орада инсониятга бахт қуёши кулиб боқди. «Аврора»нинг янгроқ садоси узоқ Нева қирғоғидан Тошкентга ҳам етиб келди. Қуролли қўзғолон ғалаба қилди, ҳокимият Ишчи-солдатлар Совети қўлига ўтди...

Карометхон умид билан ўғлини эски мактабдан олиб, Арпапоя кўчасидаги Форобий номли янги мактабга элтиб топширди.

Ғани ака кабинетида ёлғиз ўтириб ўша кезларни эсларкан, ўйларди: «Таажжуб... Нақадар катта, шонли йўл! Умр ўтганини эса билмабмиз!»

Форобий номидаги мактабда уч йил ўқигач, муаллими Илҳом ака Бадирбой маҳалласида яна янги мактаб қурдирди ва унга бир гуруҳ зийрак талабаларини ўзи билан бирга олиб келди. Улар орасида зеҳни ўткир Ғани ака ҳам бор эди. Мактабга янги замоннинг рамзи сифатида «Учқун» деб ном берилди. У шу ерда тўла бошланғич таълим олди. Шундан сўнг Хадрадаги Навоий номли иккинчи босқич мактабга ўтди. Лекин турмуш шароити, тирикчилик оғирлигидан ўқишни давом эттиролмади.

Амакиларининг кўмаги билан Эркин қишлоғи этагидан бир оз ер олиб деҳқончилик қила бошладилар. Орадан кўп вақт ўтмай майда деҳқон хўжаликлари колхозларга уюшди. 1929 йилнинг охирида «Янги қизил ҳаёт» колхози тузилди. Ғани ёш бўлса ҳам, ўша даврнинг саводхон киши сифатида коллектив хўжаликлар ташкил этишда фаол қатнашди. Бирмунча вақт колхоз котиби бўлиб ишлади. Коллектив хўжаликка уюшиш, кишилар билан мулоқот унинг учун бир мактаб бўлди.

Бир куни шаҳарга тушганида Карим исмли ўртоғини учратиб қолди. У Ўрта Осиё Давлат университети қошидаги ишчи ёшлар курсида ўқиётганини айтди. Дўстининг гапи туртки бўлиб, у эртасигаёқ ўша курсга ҳужжатларини топшириш учун келди.

Курс раҳбарининг қабулхонасида қошлари қуюқ, пешанаси кенг, хушбичим бир қишлоқ йигити билан танишди. У Қирғизистоннинг Ўш областидан комсомол йўлланмаси билан ўқишга келган, исми Ҳабиб экан. Бу ўспирин орадан анча йиллар ўтгач машҳур геолог сифатида жаҳонга ном таратган академик Ҳабиб Абдуллаев эди.

Заковатли икки ёшнинг кейинчалик фанимиз тараққиётида сўнмас из қолдирган дўстлиги ана шу кундан бошланди.

Тайёрлов курсини тамомлагач, Ғани университет геология-қидирув факультетининг ер ости сувларини ўрганиш бўлимига, Ҳабиб эса фойдали қазилмалар бўлимига қабул қилинди. Улар 1935 йил ёзида университетни муваффақиятли тамомлаб, ҳаётга йўлланма олдилар. Ғани Мавлонов Ўрта Осиё Пахтачилик иншоотларини лойиҳалаш институтига инженер, Ҳабиб Абдуллаев эса Ингичка конига инженер-геолог этиб тайинланди.

Маълумки, ўша вақт республикамизда етук кадрлар кам эди. Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, республика Халқ Комиссарлари Советининг раиси Файзулла Хўжаев бу масала билан астойдил шуғулланди. Унинг ташаббуси билан 1935 йил охирида илмий муассасалар ва корхоналарда ишлаётган бир гуруҳ истеъдодли ёшлар Москва олий ўқув юртлари қошидаги аспирантураларга юборилди. Ғани Мавлонов ҳам, Ҳабиб Абдуллаев ҳам Оржоникидзе номидаги Геология-қидирув илмий-тадқиқот институти аспирантурасига қабул қилинди. Улар бу ерда ҳам иноқ дўст, бир-бирига энг яқин маслаҳатчи бўлиб қолдилар.

Серпухов майдонидаги 6-уй аспирантлар ётоқхонаси эди. Ғани билан Ҳабиб яшайдиган 26-хона ҳамюртларининг ўзига хос илмий штабига айланди. Улар Ўзбекистон ҳукумати зиммаларига катта масъулият юклаганини чуқур ҳис қилар эдилар.

Файзулла Хўжаев кейин ҳам, Москвага ҳар гал борганида ғоят банд бўлишига қарамасдан, ўзбекистонлик ёшларнинг ўқиш шароити билан қизиқарди. Уларни ўз ҳузурига таклиф қилар, ҳар бири билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашар, эҳтиёжларини суриштирар, баъзан институтларига бориб, илмий раҳбарлари билан гаплашар, рус олимларига ўзбек ёшлари ҳақида ғамхўрлик қилаётгани учун сидқидилдан ташаккур билдирар эди. У изланувчи ёшлар билан қилган суҳбатида кўпинча мана бундай деб таъкидларди: «Республикамизнинг келажаги порлоқ, бойлиги чексиз. Истиқбол уфқларини кенгайтириш, бойлигини халқ хўжалиги тараққиётига хизмат қилдириш эса кўп жиҳатдан сизларнинг истеъдодингизга, маҳоратингизга боғлиқ. Сизларга катта умид боғлаб турибмиз...»

Бу ишонч ёшларга қанот бағишлар эди. Одатда, улар оқшомлари 26-хонага йиғилишиб, бурч ва масъулият хусусида чуқур мулоҳаза юритишар, бир-бирларининг илмий ишлари билан қизиқишар, тадқиқ қилаётган илмий объектлари таҳлилига доир фойдали маслаҳатларини ўртоқлашар эдилар.

Улар 1939 йили аспирантурани муваффақиятли тамомладилар. Бири мазкур институтнинг аспирантура бўлими бошлиғи, иккинчиси эса илмий ходим қилиб тайинланди. Ўша йили Ҳабиб Абдуллаев институтнинг илмий кенгашида ўзбекистонликлардан биринчи бўлиб кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилди. Елкадош дўстининг дастлабки илмий ютуғи учун Ғани у билан баравар қувонди, айни вақтда бу унинг учун катта туртки ҳам эди. У ҳам «Ўзбекистоннинг баъзи районларидаги соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинсларларда чўкиш ҳодисалари қонунияти» деган мавзудаги диссертациясини ёзиб тугатмоқда эди. 1940 йил бошида институт илмий кенгашида бу ишни муваффақиятли ёқлади.

Орадан кўп ўтмай, Ўрта Осиё Индустриал институти (ҳозирги Тошкент Политехника институти) номидан уларга чақирув хати келди. Шу-шу, истеъдодли икки навқирон олим ёшлик йиллари кечган қадрдон Тошкент шаҳрида илмий фаолиятларини давом эттира бошладилар.

Ғани Мавлонов институтда чарчаш, толиқиш нималигини билмай, янги-янги илмий муаммолар устида ишларди. Ўрта Осиё шароитида айниқса соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинсларнинг ғоваклик ҳамда чўкиш хоссаларини кенг ўрганиш қишлоқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга эди. Бу муаммолар олимнинг бутун фикри-зикрини банд этди.

...Афсуски, бу орада уруш бошланди.

Душман ватанимиз пойтахти Москвага хавф соларди. Бу мўътабар шаҳар Ғани Мавлонов учун ҳам айниқса қадрли эди. Шу қутлуғ маърифат марказида фан оламига қадам қўйди, рус устозларидан кўп нарсани ўрганди, уларнинг тафаккур дунёсидан баҳраманд бўлди.

1941 йилнинг декабрида ёш олим кўнгиллилар сафида фронтга жўнади...

Жанг изтиробларини эслаш унинг учун ҳозир ҳам оғир. Оҳиста ўрнидан турди. Пальтосини елкасига ташлаб, ташқарига чиқди. Бир зум самога тикилди. Осмон тиниқ, юлдузлар чарақлаб турарди. Қишнинг мусаффо ҳавоси кишига ҳузур бағишлайди.

Ҳамма уйқуда. Фақат унинг хонасида чироқ ёниқ. Лекин у бугун тунда одатдагидек илмий муаммолар устида бош қотираётгани йўқ. Эллик йиллик фаолиятини ўзича сарҳисоб қилмоқда. Мусаффо Тошкент осмонини Украина ва Белоруссиянинг даҳшатли уруш йилларида ўқ-дори бурқсиган ғуборли осмони билан хаёлан қиёслар, меҳнат ва илмий ижод учун осойишта кунларнинг ҳар дақиқаси нақадар қимматли эканини яна бир бор ич-ичидан ҳис этар эди.

Хонасига қайтиб, жавондаги альбомга кўзи тушди. Уни 1-Болтиқбўйи фронтининг Қизил Байроқ орденли Мелитополь дивизияси ветеранлари Буюк ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан жанговар уруш йилларидан хотира сифатида тошкентлик қуролдош дўстларига юборган эдилар.

Замондошларимиз

Тик турганча секин варақлай бошлади. Аёвсиз жангларда қон кечиб ўтказган оғир дамлар, дастлаб 4-Украина фронтида полк партия бюросининг секретари сифатида кеча-кундуз жангчиларни жасоратга даъват этгани, Симферополь, Севастополь, Перекоп шаҳарларини озод қилганларида улар шарафига ғалаба салюти берилгани, шахсан ботирлик кўрсатгани учун дивизия қўмондони кўксига Қизил Юлдуз ва Улуғ Ватан уруши орденларини таққани — ҳамма-ҳаммаси кўз ўнгидан бирма-бир ўтарди. Урушнинг изтиробли кунларини эслаган сари ҳозирги тинч кунлар унга янада бебаҳо туюлар эди.

Уруш қаҳрамон халқимизнинг Буюк ғалабаси билан тамом бўлганига 35 йил тўлди. Ўттиз беш йил! Шу тинч, бунёдкорлик даврида она Ватан, туғишган диёр мислсиз юксалди, фан ва маданият гуллаб-яшнади. Замондошларнинг маънавий камолотини айтмайсизми! Фазода ойлаб парвоз қилиш, коинот қучоғида туриб Ер куррасини илмий тадқиқ этиш оддий гап бўлиб қолди.

Ўттиз беш йил! Бу давр унинг илмий камолоти йўлида ўттиз беш салмоқли пиллапоя бўлди. Фан кандидатлигидан академик даражасига, оддий илмий ходимликдан йирик илмий муассаса раҳбари даражасига кўтарилди. Партия ва ҳукуматимиз самарали хизматларини икки Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ва Октябрь революцияси орденлари билан тақдирлади.

Фан уфқлари эса чексиз. Унинг нурли чўққилари олимга ором бермай ҳамон чорлайди. Инсон умри эса югурик...

Олим соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинсларнинг геологик хусусиятларини ўрганиш устида роса саккиз йил текшириш олиб борди. 1955 йили Москва Давлат университети илмий кенгашида «Ўрта Осиёнинг марказий ҳамда жанубий қисмларидаги соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинсларнинг генетик типлари, уларнинг инженер-геологик хоссалари» мавзуидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Москвалик олимлар бу ишга юксак баҳо бердилар. Айниқса, фойдали қазилмалар назариясининг асосчиларидан бири, машҳур олим, академик В. Обручевнинг фикри характерлидир. «Мазкур иш,— деб ёзади у тақризида,— соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинслар ҳар томонлама таҳлил қилингани билан жуда қимматли. Диссертантнинг илмий хулосаси халқ хўжалиги учун беқиёс аҳамиятга эгадир».

Биз олим билан учрашганда суҳбат йўналишини атай шу мавзуга бурдик:

— Докторлик ишингизнинг моҳиятини шарҳлаб берсангиз.

— Илгари фанда соғтупроқ жинсларининг пайдо бўлиши ҳақида асосан тўрт хил фараз бор эди,— дея салмоқлаб гап бошлади у.— Академик Обручев бундай жинслар шамолнинг саҳро ва чўллардан чангни тўзғитиб кўчириши натижасида пайдо бўлган, деган қарашни илгари сурди. У бу усулни шамол гипотезаси, деб атади. Инглиз олими Чарльз Лайель соғтупроқ дарёларнинг сувида оқиб келган жинссимон оқовалардан ҳосил бўлади, деган гипотеза тарафдори эди. Профессор Ю. Скворцовнинг фикрича, соғтупроқ жинсларини жилғалар, сойлар тоғ ва тоғ ёнбағирларидан оқизиб кетади. Москва Давлат университетининг профессори А. Павлов эса соғтупроқ жинсларини сел сувлари ҳосил қилган, деган тахминни илгари сурди. Мазкур олимларнинг ҳаммаси ўзича ҳақ эди. Лекин, менингча, уларнинг қарашлари бир томонлама. Бу муаммони кимдир тўлиқ асослаши лозим эди. Шунга журъат этдим. Лекин уни ечиш осон эмас эди, албатта. Қарийб тўққиз йил тинмай изландик. Юқорида номлари тилга олинган олимларнинг фикрларини бир неча марта муқояса қилдик. Фандаги тўрт хил илмий фараздан келиб чиққан умумий фикрга суяниб табиатнинг турли шароитларида ҳосил бўлган соғтупроқсимон жинсларни кўп марталаб текширдик.

Баланд тоғ шароитларида ўтказган тадқиқотларимиз, хусусан, 1948 йили Помир тоғида юз берган табиат ҳодисаси фикримизнинг ойдинлашувига сабаб бўлди. Улкан тоғ қояси ағдарилиб, Мурғоб дарёсининг бошланишидаги Сариз кўлини тўсиб қўйган эди. Ҳукумат комиссияси составида Москва Давлат университети профессори О. К. Данге бор эди. Табиий шароитни ўргангач, тўғоннинг мустаҳкам ва хавфсиз эканлигини аниқладик. Ўшанда баланд тоғ юзасига соғтупроқсимон жинслар беш сантиметр қалинликда сингиб ётганини кўрдик. Биз учун бу янгилик эди. Академик В. Обручев ҳам ҳайрон қолди. Лабораторияда махсус текшириб, таркибини янада аниқладик. Хуллас, илмий таҳлиллар соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинслар асрлар давомида қаттиқ совуқ таъсирида тоғ юза қатламининг увоқланиши, бу увоқлар уюмининг жилға ва сойларга, дарёларга оқиши, ниҳоят, сув билан поёнсиз пасттекисликларга оқиб сингиши натижасида ҳосил бўлган, деган хулосага келдик. Бу фан учун катта амалий аҳамиятга эга бўлган янгилик эди.


— Табиатдаги мазкур жараён қонуниятини кенгроқ тушунтирсангиз,— дея олимни яна суҳбатга ундадик.

— Табиатда айланма ҳаракат деган қонуният бор,— деди у.— Кўп йиллик текширишлар Амударё ўзанининг тахминан бир миллион йиллар илгари ҳозирги Қорақум канали ўрнидан ўтганини кўрсатди. Демак, Ўрта Осиёда соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинслар, яъни тўртламчи давр ётқизиқлари миллион йиллар давомида ҳосил бўлган. Бир неча йил муқаддам илмий хулосаларимиз асосида «Ўрта Осиёнинг марказий ва жанубий қисмларида соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинслар турли генетик типларининг тарқалиши», «Ўрта Осиёнинг марказий ва жанубий қисмларидаги соғтупроқ ва соғтупроқсимон жинсларнинг чўкиш хусусиятларини олдиндан тахминий аниқлаш» хариталарини тузиб чиққан эдик. Гидрогеологик ва инженер-геологик таҳлилларнинг кўргазмали ифодаси бўлган бу хариталар халқ хўжалигининг янги ерларни ўзлаштириш, қурилиш ва сув иншоотларини барпо этиш, мавжудларини такомиллаштириш, ерости сувлари миқдорини аниқлаш ва ундан фойдаланиш сингари муҳим участкаларида амалий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

— Республикамиз ерости сувларига бойми?

— Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти коллективининг кучи билан республикамиз ерости сувлари миқдорини кенг миқёсда ўргандик. Изчил текширишлар ва лаборатория таҳлиллари натижасида деҳқончиликнинг муҳим босқичи — экинларнинг вегетация даврида республика территориясида секундига 1 минг куб сув олиш мумкинлиги аниқланди. Бу сув миқдори улкан Сирдарё сиғимига тенг. Ҳа, ўлкамиз шароити қадимдан деҳқончилик учун ғоят қулай бўлган. Бугунги кунда деҳқонларимиз, ирригаторларимиз ва бошқа мутахассислар Россиянинг қоратупроқли бўлмаган ерларини ўзлаштиришда қардош рус деҳқонларига ўз тажрибаларини ўргатаётганликлари бежиз эмас-да...

— 1964 йил апрелда Зарафшон дарёсининг



Регионал инженерлик лабораторияси мудири, геология-минералогия фанлари кандидати Маъбут Шерматов (чапдан), катта илмий ходим, геология-минералогия фанлари кандидати Гулора Умарова, илмий ходим Воҳидхон Исмоилов, шаҳарларнинг инженерлик геологияси лабораторияси мудири, геология-минералогия фанлари кандидати Абдували Худойберганов академик Ғани Мавлоновнинг назарий ғоялари бўйича кенг тадқиқотлар олиб бормоқдалар.




Сейсмология институтида ташкил этилган зилзилани олдиндан аниқлаш комиссиясининг навбатдаги йиғилишида физика-математика фанлари кандидати Ф. Содиқов (биринчи қатор, чапдан), гидрофизика лабораторияси мудири, геология-минералогия фанлари кандидати С. Латипов, ҳозирги давр ер ҳаракатларини текшириш лабораторияси мудири, геология-минералогия фанлари кандидати Ж. Ёқубов, гидрогеологик сейсмология лабораторияси мудири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси А. Султонхўжаев, институт директори, комиссия раиси Ғ. Мавлонов, геология-минералогия фанлари кандидати Ф. Зиган, шаҳарларнинг инженерлик геологияси лабораторияси мудири О. Худойберганов, «Тошкент» сейсмология обсерваторияси мудири, физика-математика фанлари доктори В. Уломов (иккинчи қатор) ва физика-математика фанлари кандидати И. Чернов ҳафталик текшириш якунларини муҳокама қилмоқдалар.

А. ЖДАНОВ фотолари

бошланиш қисмида, яъни Айний қишлоғи яқинида юз берган табиий хавфни бартараф этишда фаол иштирокингиз борлигини ва бунинг учун ҳукуматимизнинг махсус фармонига кўра Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганингизни эшитган эдик. Ўша ҳодиса қандай кечганини қисқача гапириб берсангиз?

— Журналистлар жуда синчков бўлади-да,— дея жилмайиб гап бошлади Ғани ака.— Геолог олимларнинг зиммасига табиий офатнинг олдини олиш, у содир бўлганда оқибатларини тезроқ бартараф этиш йўлларини белгилашдек ғоят масъулиятли вазифа юклатилган. Ўшанда тоғ кўчиб, дарёнинг бошланиш ўзанини тўсиб қўйган эди. Океан сртидаги мухолифларимиз эса «Қадимий Самарқанд хавф остида. Уни сув ювиб кетиши мумкин», деб жар сола бошлаган эдилар. Ҳукумат комиссияси билан самолётда ҳодиса юз берган жойга етиб бордик. Баландлиги 150 метр бўлган тоғ кўчкиси дарёнинг қоқ белидан тўсган эди. Сув сатҳи соат сайин кўтарилар, Айний қишлоғи аҳолиси эса чиндан хавф остида эди. Шароит билан танишгач, ўнг қирғоқдан, яъни сув юволмайдиган харсанг тошли, қаттиқ ердан 1 минг 200 метр узунликда чуқурлигини 27 метр қилиб айланма канал очиш ва у орқали йиғилган сувни дарёга туширишни таклиф этдик. Лекин баъзи ҳамкасбларимиз бунга рози бўлмадилар. Ўртада мунозара кетди. Ҳукумат комиссияси Москвадан шу соҳанинг етук мутахассиси профессор Н. Масловни чақиртирди. У ҳамма таклифларни диққат билан эшитгач, бизникини маъ-



Гидрогеофизика лабораторияси мудири, геология-минералогия фанлари кандидати Саидобид Латипов (чапдан), илмий ходим Тоҳир Зокиров ва аспирант Рамзиддин Зиёвиддинов ўртоқлар лаборатория анализлари натижасини ўрганмоқдалар.

қуллади... Ўшанда маҳаллий қариялар билан суҳбатлашганимизда улар тахминан 90 йил илгари Айний қишлоғидан 15 километр чамаси юқорида худди шундай ҳодиса юз берганини ва баъзи қишлоқлар сув тагида қолганини эсладилар. Осмон узоқ, ер қаттиқ бўлган у даврда инсон иложсиз эди. Биз эса фан ва техника қудрати билан табиат туғдирган хавфни тез бартараф этдик.

— Қарийб ўн тўрт йилдан бери Сейсмология институтига раҳбарлик қиляпсиз. Коллективингиз шу даврда қандай илмий ютуқларга эришди?

— Зилзила табиий офатларнинг энг даҳшатлиси,— дея бир оз маъюс тортиб гап бошлади олим.— Партия ва ҳукуматимиз Тошкент зилзиласидан кейин бу соҳада илмий-тадқиқотларни жиддий кучайтириш учун 1966 йил 1 октябрда мазкур институтни ташкил этди. 85 илмий ходим билан иш бошлаган эдик. Ҳозир ходимларимизнинг сони 450 га етди. Улардан беш киши фан доктори, ўттиз беш киши фан кандидати. Дастлабки кунданоқ геология ва сейсмология фанлари ютуқларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилдик. Негаки, ерости қатламларининг гидрогеологик хусусиятларини яхши билмасдан туриб сейсмология бўйича аниқ ва самарали хулосалар чиқариб бўлмас эди. Ҳозир институтимиз мамлакатимиз ва чет эллардаги йигирмадан ортиқ илмий муассасалар билан узвий мулоқотда. Масалан, АҚШ, Япония, Болгария, Польша ва бошқа мамлакатларнинг илмий вакиллари келиб, тажрибамизни ўрганиб кетдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, геология-минералогия фанлари доктори Абдумубди Султонхўжаев асослаган зилзилани олдиндан тахминий аниқлаш усули ЮНЕСКОнинг тавсияси билан қатор мамлакатларда, жумладан, фаол сейсмик зонада жойлашган Японияда ҳам кенг қўлланилмоқда.

— Шу усул хусусида батафсилроқ сўзлаб берсангиз?

— Эҳтимол хабарингиз бордир, 1971 йили СССР Министрлар Советининг Ихтиролар ва кашфиётлар бўйича Давлат комитети бир гуруҳ олимларимизнинг «Зилзила пайтида ерости сувлари кимёвий таркибининг ўзгариши» мавзуидаги кашфиётини фандаги муҳим янгилик сифатида рўйхатга олди, авторларга гувоҳномалар берилди. Ҳа, дастлабки текширишлар натижасида зилзила олдидан ерости сувларининг газ ва кимёвий таркиби ўзгариши аниқланган эди. Биз бу соҳада тадқиқотларни янада кенгроқ давом эттирдик. Кейинги натижалар зилзила олдидан ерости сувининг газ ва кимёвий таркиби билан бир қаторда унинг сатҳи, босими ва ҳарорати ўзгаришини ҳам кўрсатди. Ҳозир зилзилани олдиндан аниқлаш билан шуғулланадиган олтита станциямиз бор. Яқин икки-уч йил ичида бу станциялар сонини ўн иккига етказамиз. Ҳафтанинг ҳар чоршанбасида зилзилани олдиндан аниқлаш комиссиясининг йиғилиши бўлади. Унда мавжуд станцияларимиздаги ҳафталик текширишларни атрофлича таҳлил қиламиз, комиссия аъзоларининг фикрларини эшитамиз ва шу асосда аниқ хулоса чиқарамиз. Олимларимиз бугун зилзиланинг тахминан қайси зонада ва қандай куч билан юз беришини айта оладилар.

Дарҳақиқат, институтнинг «Махсус қайдлар» дафтаридаги халқаро телеграммани ўқиб биз бунга тўла ишонч ҳосил қилдик: «Ўзбекистон ССР, Тошкент шаҳри. Республика Фанлар академиясининг Сейсмология институтига! Газеталарда Сизнинг институтингиз ходимлари 1978 йил 1 ноябрда Қирғизистон территориясида юз берган зилзила ҳақида олдиндан хабар берганини ёзишди. Сизларни муваффақият билан қизғин табриклайман. Лозим топсаларингиз, зилзиланинг бўлишини қандай далилларга асосланиб аниқлаганларингизни ва шу зилзилага оид бошқа маълумотларни ёзиб юборсаларингиз. Сизларга эҳтиром билан профессор Роберт Уоллес. АҚШ. Калифорния».

Кабинетга физика-математика фанлари доктори В. Уломов кирди.

— Биз Олой зилзиласи муносабати билан Америка олими йўллаган телеграмма хусусида гаплашаётган эдик. Суҳбатдошимни америкалик профессорнинг вазифаси қизиқтиряпти. Мабодо, сиз эслолмайсизми?— деди Ғани ака Валентин Ивановичга.


— Ўша вақтда профессор Уоллес АҚШ Геология хизмати бошқармаси бошлиғи эди. У кишини қизиқтирган маълумотларни юборганмиз,— деди Уломов.

Академик Ғани Мавлоновнинг кабинетидан бир олам таассурот билан чиқдим. Йўлда боряпман-у, олимнинг очиқ ва ўйчан чеҳраси, вазмин сиймоси кўз ўнгимдан кетмайди. Хаёлимни унинг теран фикрлари, беқиёс тафаккур кўлами чулғаб олганди.

Сўнмас истеъдод эгаси Ҳабиб Абдуллаев металли қазилмалар назариясининг асосчиларидан бири сифатида жаҳон фанида салмоқли из қолдирган бўлса, унинг яқин сафдоши академик Ғани Мавлонов совет гидрогеология ва инженер-геологияси фанларига ўзининг эллик йиллик самарали илмий фаолияти билан беқиёс ҳисса қўшди. Фанимиз хазинасини қимматли назарий таҳлиллар мажмуаси бўлган ўн тўрт монография ҳамда олий ўқув юртлари учун геология дарслиги, қирқ минг сўздан иборат икки жилдли русча-ўзбекча геологик терминлар луғати каби муҳим назарий ва оммавий китоблар билан бойитди. Шунингдек, унинг раҳбарлигида олтита фан доктори, қирқдан ортиқ фан кандидати етишди. Бугун олимнинг шогирдларини Иттифоқимизнинг кўп жойларида учратасиз. Украиналик И. Соколов ҳам, новосибирсклик Ф. Никитенко ҳам ўзбек академиги ҳомийлигида Тошкентда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган қувончли кунларини бир умр эсдан чиқармайдилар.

Олимнинг самарали хизматларини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. У сазовор бўлган юксак мукофотлар орасида «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби» деган шарафли унвон ҳам бор.

Фан арбоби! Шу икки сўз атоқли олим, йирик илмий муассаса коллективининг ташкилотчи ва ғамхўр раҳбари Ғани Мавлоновнинг бутун салоҳиятини тўла ифодалайди.



Абдулла ШЕР

* * *

Хилват гўшаларнинг сирли бағридан
Оромгоҳ истаган, эй, ғамнок дўстим,
Наҳот, мен йўлингни ғов бўлиб тўсдим?
Айт, кетдинг бемадор кимнинг қаҳридан?
Ҳамон содиқ дўстлар қўмсайди сени,
Ҳамон кўз олдимда қўшиқ айтасан.
«Курашда — бахт...», дея ундайсан мени,
Айт, азиз дўстгинам, бугун қайдасан?
Наҳот, тўлқинлардан четроққа суздинг?
Ё хасдек қирғоққа жим интилдингми?
Дердинг-ку: «Тўлқинга бермагин тизгин,
Сен ундан жўшқин бўл!..» Ўзинг тиндингми?.
Ўт бўлиб ёндингу аччиқма-аччиқ
Диловар даврадан бош олиб кетдинг...
Йироқ-йироқлардан излаб суянчиқ,
Кимларнинг қўлини дўстим деб тутдинг?.

* * *

Тун. Нотинч дарёга совуқ нур тўкиб,
Лоқайд милтиллайди кўкда юлдузлар.
Қирғоқда толларнинг қаддини букиб,
Шамол гоҳ увиллар, гоҳ маъюс бўзлар.

Сен эса бош эгиб, хаёлга чўкиб,
Кечмиш лаҳзаларни бир-бир эслайсан;
Оқ кўпик тубига кўзингни тикиб,
Қора тўлқинлардан недир излайсан...

Барот ИСРОИЛ

Қўлдошнинг сўзи

БАМда ишлаётган ҳамқишлоғим
Қўлдош Расуловга

БАМнинг шимолида
ишлаймиз, дўстим,
Иқлимга мослашган
характеримиз.
Менгу музлаб ётган
замин устини
Юмшатди манглайдан
оққан теримиз.
Чарада, Ургалда
катта жанг борар,
Тайгадан йўл очиб
келдик, биродар.
БАМликлар чекинмас,
қатъийдир қарор,
Асрий қурилишда
ўз улушим бор.
Становой[1] тизмасин
ларзага солиб,
Мангу муз тоғини
тешиб ўтамиз,
Ишчилар енгилмас,
ҳамиша ғолиб,
Меҳнат-ла жаҳонни
обод этамиз.

---

[1] Становой тизма тоғлари Шимолий Сибирнинг мангу музлаб ётадиган қисмига киради.

Бухоро қасидаси

Қадимият ёлқинларида,
Эй, дур каби порлоқ, Бухоро,
Наршахийнинг талқинларида
Оқ кийинган, оппоқ Бухоро!

Бухорхудот Мох ҳали бутга
Мох бозорин тўлдирмай туриб,
Ҳали Зардушт ибн Сафидга
Биштосп сажда келтирмай туриб,

Ёйиб қуръон овозасини —
Ваъз айтмасдан Муҳаммад ҳали,
Ҳали Ҳайбар дарвозасини
Очмасидан музаффар Али,

Сен бор эдинг, бетакрор эдинг,
Саодатли санамлар юрти,
Тангрисиз ҳам бахтиёр эдинг,
Кароматлар, карамлар юрти;

Сени мангу шараф қучгандир,
Ҳилпираган ялов, Бухоро,
Эй, Муқанна қиздирган тандир,
Кул босмаган олов Бухоро!..

...Не чораки, гоҳ-гоҳ дудингдан
Қурум босди тарихни ҳатто,
Гоҳо чиқиб ўз вужудингдан
Эзгу руҳдек яшадинг... Аммо —

Ўсаверди ниҳоллар саф-саф,
Шеър ёзилди, зарб бўлди дирҳам,
Ғамни қувиб, халқни шарафлаб,
Кезаверди Насриддин ҳам.

Одам Ато яралган кундан
У кезади — хуржунда зиё.
Минг йилларки, ўша хуржундан
Умидини узолмас дунё.

Энди у зот ўтган йўллардан
Бугунги Кун ўтиб боради,
Сен узатган қадоқ қўллардан
Фарзандингдек тутиб боради.

Ўз қарзини узар у сендан —
Айтажакдир буюк сўзини;
У бахш этган виқор, ҳусндан
Дунё ишқар тинган кўзини:

Сен комронсан, сен — шод, музаффар,
Бугунидан рози Бухоро,
То азалдан абадга қадар
Эркинликнинг сози Бухоро!

* * *

Дуч келаркан кўчада, дўстларинг салом ила
Жилмайса иззатингни агар қўйиб жойига,
Ё йўлкада учратиб, бир илиқ калом ила
Ён қўшнинг таклиф этса бир пиёла чойига,

Демакки, сен кераксан одамларга, оламга,
Демак, ҳали нафасинг сени излар ҳавода;
Демакки, сен кераксан қувончларга, аламга,
Демакки, сен лойиқсан «Мен!» демоққа дунёда.

* * *

Ўжар руҳим, жангари руҳим,
Бир зумгина ўйга толсанг-чи;
Тўфонларни севгувчи Нуҳим,
Сукунатга қулоқ солсанг-чи!

Тингла, унинг баланд-пастида
Овозини излайди сўзлар.
Шу сўзларни айтиш қасдида
Овоз бўлиб яшайлик бизлар.

* * *

Сонет

Уйғонаман тунда гоҳ,
Ўйлар — ўжар шамолдек;
Титрайман танҳо толдек
Чақиндан бўлиб огоҳ.

Кўҳна бир китоб ногоҳ
Чорлар сеҳрли фолдек.
Мен ҳовлиқма раммолдек
Очаман — ҳар сўз, эвоҳ,

Милдек тортилар кўзга;
Қисмат бунчалар ғаддор,
Бунчалар совуқ ниши!—

Қоним айланар музга:
«Севгининг сўқмоғи тор,
Сиғмас унга уч киши!»

Ишқдир ул нашъаи комилким,
андандир мудом
Майда ташвири ҳарорат, найда
таъсири садо.
Фузулий

Ибтидодан бор бу муаммо —
Қошида лол Замон ва Идрок:
Муҳаббатдан туғилган дунё
Муҳаббатни этади ҳалок.

Отеллонинг олов сўзида
Ёниб битган жаҳон — Муҳаббат;
Отабекнинг маъюс кўзида
Оғуланган осмон — Муҳаббат!

У — замонлар силсиласида
Май ташвири, найнинг таъсири.
Туйғуларнинг зилзиласидан,—
У — дарз кетган юрак тасвири.

Фарҳод уни кўтарганча даст
Бесутунда йиқилди беҳуш;
Офелия,— ўз куйига маст,—
Ўлимини сезмаган оққуш.

Сув париси то ҳануз Зуҳро,
Тоҳир оққан дарёда яшар.
Қум-қум йиғлар қадимий саҳро:
Мажнунликни тарк этмас башар...

Москва

Қойилман

Қойилман
БАМликлар жасоратига,
Қойилман
ирода, шижоатига!
Ҳайратда
жим бўлиб қолгандек тайга,
Ҳеч инсон
қадами етмаган жойда —
Мен кўрдим:
Корчагин авлодларини,
Замоннинг
фидойи фарҳодларини.
Абдулла
Набиев наслидир улар,
Ҳа, Тўйчи
Эрйигит наслидир улар.
БАМликлар
бир тану бир жон бўлишиб,
Бўрону
қаҳратон билан олишиб,
Усть-Кутдан
Комсомол-Амургача то,
Ҳар қарич
заминга меҳрин қилиб жо,
Дарёлар
дуч келса, кўприклар
қурган,
Қоялар
учраса, сурган, емирган,
Коммунист
авлоди — комсомоллар бу,
Қойилман,
қойилман, қойилман мангу!

Декабристлар қўнғироғи

Сибирга сургун қилинган декабристлар Иркутск шаҳрига кириб борганларида халқ ҳамма черковлардаги қўнғироқларни чалиб, уларни нон-туз билан кутиб олган экан.

Барча қўнғироқлар тинмай жаранглар:
Шаҳарликлар келар оқиб тўрт ёндан,
Узоқ хуторлар ҳам бу сасни тинглар,
Ёв босдими, дея, шаҳар томондан.
Барча қўнғироқлар тинмай жаранглар:
Савдо аҳли ёпиб дўконни тезда,
Йўловчиларга дерди:
— Буёқ қаранглар,
Тинчликми?
Нима гап шаҳримизда?
Барча қўнғироқлар тинмай жаранглар:
Балиқчилар тўрни йиғиштиради,
Қайиқни Ангара наҳрига ўнглаб,
Иркутск шаҳрига сузиб боради...
Биров дер:
— Наҳотки билмас ҳеч кимса,
Қани, билганлардан, дўстлар, сўранглар!
Айт-чи,
Сен нимага сукутда,
жимсан?..
Барча қўнғироқлар тинмай жаранглар:
Биров нон-туз олиб чиқади уйдан,
Шўрбалиқ тутади рўзғори танглар,
Ҳеч ким қуруқ чиқмас — ҳар кўча-кўйдан.
Барча қўнғироқлар тинмай жаранглар:
— Бунча иззат-икром кимгадир бўтам?



Билсанг, тушунтир?—
дер,
қари-қартанглар.
— Ана
Декабристлар келмоқда, ота!..
Жангни бой беришган солдатлар каби,
Декабристлар маъюс келаётирлар,
Қалбида ғазаби,
алам,
матлаби,
Сибирликлар кутиб олаётирлар.
Барча қўнғироқлар тинмай жаранглар:
Эй Сибирь!
Ҳақгўйлар қўйди қадамин,
Энди бошланажак ҳақиқий жанглар,
Энди чархланади курашлар дами.
Барча қўнғироқлар тинмай жаранглар:
Декабристлар ўзни этишиб фидо,
Инқилобга чорлаб
чалган
илк бонглар —
Овози жаҳонга бермоқда садо.
Барча қўнғироқлар тинмай жаранглар...

Беш йиллик режалари амалда

ФАРҒОНА ГИГАНТИ

Қиргули — Фарғонанинг навқирон йўлдоши;. Унинг ажойиб замонавий манзараси бор. Катализатор конвенторлар, кўкка санчилиб, машъал ловуллатиб турган мўрилар, буғ уфуриб ётган миноралар, бетон колонналарнинг елкасига минган қувурлар... Янги гигант корхона шаҳарга янада салобатли ҳусн кўшди.

— Триацетилцеллюлозани жўнгина қилиб ТАЦ деб атаймиз,— дейди завод партия комитетининг секретари Тўланбой Ҳамдамов.— Илмий-техник революцияси даврида, юзлаб жараёнлар бир пультдан бошқарилаётган ҳозирги пайтда ҳар дақиқа қимматли. Интернационал коллективмиз. Ўзбеклар билан бир сафда рус, украин, қозоқ, қирғиз, бошқирд, эстон — йигирмага яқин миллат вакиллари ҳамжиҳат меҳнат қилмоқдалар.

ТАЦ — бутун бошлиқ комплекс. Партком секретари унинг цехларини санайди: сиркаланган ангидрид цехи, сирка кислотасини тозалаш цехи, сувни минерал моддалардан тозалаш цехи, аммиак-совутиш ускунаси, триацетат ва диацетат тайёрлаш цехи... Улар қуёш нурида кўзни қамаштирувчи сирланган «либос»ларга бурканган, икки том бўйи кўтарилган бетон устунларга қўндирилган қувурлар тўри орқали туташган. Ораларида иккита машина сиғадиган йўл, кенг майдонлар... 60-йиллар бошидаги Қиргули қир-адирларининг яйдоқ бағрини энди тасаввур қилиб бўлмайди. ТАЦ — аслида азотли ўғитлар заводининг янги цехи.

— Цех жараёнини дафъатан тушуниш қийин,— дейди ТАЦ бошлиғи Виктор Бронев.— Намуна-ишлаб чиқариш цехидан бошласак, тушуниш осонроқ.

Баланд шифтли чоғроқ хона. Барча технологик жараёнлар бир-бири билан туташ қувурлар ичида, кўздан яширин. Бу сир фақат «қирқ кўзли» мўъжазгина аппаратга аён. Унинг тилини эса аппаратчилар Минзила Қутлуғузина ва Михаил Строк тушунадилар. Улар маълумотларни махсус дафтарга қайд этадилар.

Минзила — бошқирд қизи, 1977 йили Истарлитомоқ кимё-технология техникумини тугатиб келган. Икки йил аммиак ишлаб чиқариш корхонасида тажриба орттирди. ТАЦ фойдаланишга топширилгач, уни малакали мутахассис сифатида шу цехга ўтказдилар.

— Мана бу диацетилцеллюлоза,— дейди Минзила қоғознинг нуқси кетмаган, чумчуқнинг кўзидеккина увоқ тангачаларни қопчиқдан сиқимлаб олиб. Улар худди тиниқ новвотнинг ўшоқчаларига ўхшарди.— Лекин у кўринганчалик оддий эмас,— дейди аппаратчи қиз давом этиб.— ТАЦ маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё — целлюлозадан ташқари яна 29 хил кимёвий моддалардан фойдаланилади. Улар кўп чиғириқлардан ўтгандан кейингина кимё тўқимачилик саноати учун тайёр хом ашё ҳолига келади. Намуна-ишлаб чиқариш цехимизда ана шу кимёвий компонентларни ишлатиш технологияси ва ускуналарнинг иш режими ўрганилади, тадқиқ қилинади. Маҳсулот давлат стандарти даражасига етганида маъқул технологик режим асосий комплексга тавсия этилади.

Фарғона гиганти — ТАЦ эса мамлакатимизда шу хилдаги энг йирик корхоналардан. Унинг олти линияси йилига 42 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Линияларнинг ҳар бирида узлуксиз технологик жараённинг тўрт соатида 2 минг 200 тонна целлюлоза қайта ишланади. Бир тонна тайёр маҳсулот олиш учун 630—650 тонна целлюлоза сарфланади. Цехлардаги барча жараёнлар пульт орқали бошқарилмоқда. Яқинда бу вазифа ҳам алоҳида механизмлар зиммасига юкланади.

Янги комплекс салмоғини қайси ўлчовга солиш мумкин? Масалан, ТАЦнинг қиймати у ишга туширилгунгача бўлган заводнинг асосий ишлаб чиқариш фонди қийматига деярли тенг. Яъни, илгари заводда йилига 56 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ТАЦ тўла қувват билан ишлай бошлагандан сўнг бу кўрсаткич 126 миллион сўмга етади.

Катта мастер-технолог Қобил Зуфаров ва Илҳом Абдураҳмонов, цех бошлиғининг ўринбосари Алишер Йўлдошев, смена бошлиғи Шокир Зоидов, завод ветерани, цех бошлиғи Муҳаммад Маҳмудов, аппаратчилардан Норматжон Ашуралиев, Михаил Строк, смена бошлиғи Михаил Волков ва бошқалар ҳалол меҳнатлари билан коллективда эътибор топган моҳир мутахассислар. Уларнинг кўпчилиги Тошкент ва Фарғона политехника институтларини тамомлаб, заводда ишлаётганларига бир неча йил бўлди.

Янги корхонанинг ўзига хос муаммолари бўлади. ТАЦнинг ҳозирча битта линияси ишлаётибди. Бутун диққат-эътибор маҳсулотни давлат стандарти даражасига етказишга қаратилган. Таъминловчилар зарур бўлган 29 хил кимёвий модданинг гоҳ унисини, гоҳ бунисини ўз вақтида етказиб беролмаётирлар. Шунинг учун корхонанинг эртаси ҳақида гап кетганда Виктор Броневнинг кўзларида ташвиш кўринди.

— Комплексда 1 минг 50 киши ишлаши керак. Уни заводнинг бошқа корхоналаридаги тажрибали ишчилар ва мутахассислар кучига суяниб ишга туширдик. Бироқ кадрлар масаласи ҳамон муаммо. Маҳсулот сифатини давлат стандарти даражасига етказиш жараёнининг чўзилиб кетиши, қолган линияларнинг ишга туширилмаётгани ҳам шунинг оқибатидир. Лекин завод маъмурияти кадрлар масаласини ҳал қилишда барча имкониятлардан фойдаланмоқда,— дея ишонч билан илова қилди у.

Биз мамлакатимиз кимё саноати гигантларидан бири — ВЛКСМ 50 йиллиги номидаги Фарғона Азотли ўғитлар заводи қошида ишга туширилган кимё тўқимачилик корхонаси ҳақида ҳикоя қилдик. Бунгача завод асосан қишлоқ хўжалиги учун азотли ўғитлар етказиб берар эди. Завод босқичма-босқич кенгайиб, азим қудрат касб этмоқда.

У 1962 йили ишга туширилган эди. Орадан икки йил ўтгач, аммиак, кейинроқ аммиак суви ва техник мақсадларда фойдаланиладиган кислород, магний хлорат дефолианти, кучсиз азот кислотаси ишлаб чиқара бошлади. 1968 йили унинг иккинчи навбати ишга туширилди. Корхона ташкил топганидан буён Ўрта Осиё республикалари, шунингдек, Қозоғистон ва РСФСРнинг бир қанча областларига қарийб 12 миллион тонна азотли ўғитлар етказиб берилди.

Агар бир килограмм азот ҳисобига 18 килограмм пахта етиштирилишини мезон қилиб олсак, бир йилда бир миллион тоннадан зиёд селитра (фақат селитранинг ўзи!), 27 минг тоннадан кўпроқ дефолиантлар ишлаб чиқарадиган бу заводнинг халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини тасаввур қилиш қийин эмас.

— Шу йилнинг охирига бориб корхонада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш уч баравар, шу жумладан, дефолиантлар ишлаб чиқариш 1,6 марта кўпаяди,— дейди завод директори Саттор Ёқубов.

Ҳозир заводда катта аммиак цехи қурилмоқда. Атиги юз киши ишлайдиган бу корхонада йилига 450 минг тонна ўғит тайёрланади.

Заводнинг инженер-техниклари ишлаб чиқаришга янги техникани ва илғор технологияни жорий этишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Улар бунда махсус илмий-тадқиқот институтлари, хусусан, Азот саноати давлат институтининг тавсияларига изчил амал қилмоқдалар. Аммиак ишлаб чиқарадиган янги катализатор ана шундай ҳамкорлик самарасидир.

Институт ходимлари тайёрлаган катализаторлардан фойдаланиш туфайли табиий газни ишлаш конверсияси агрегатининг унуми ошди, катализаторнинг хизмат муддати узайди. Аммиакни синтез қилиш цехида ҳам янги катализатор қўлланилмоқда.

Завод коллективига мазкур институтнинг Чирчиқдаги филиали инженер-техник ходимлари ва мутахассис-олимлар ҳамкорлиги ҳам яхши самара бермоқда. Масалан, вилтга қарши препарат тайёрлайдиган ишлаб чиқариш ускунаси қурилди. Унинг технологияси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти ходимлари томонидан ишлаб чиқилган. Шу йил охиригача Украина ССР Фанлар академиясининг Физик-химия институти олимлари лойиҳаси бўйича ишлаб чиқилган катализаторлардан яна биттаси қурилади.

Завод коллективи олдида турган муҳим вазифалардан яна бири аммиак селитраси сифатини яхшилашдир. Маълумки, селитра узоқ сақланганда бир-бирига ёпишиб, қотиб қолади. Бу эса деҳқонларга қўшимча ташвиш — уни ерга солиш қийинлашади. Азот саноати давлат институтининг Чирчиқдаги филиали ходимлари аммиак селитрасини ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш устида ишламоқдалар.

Хуллас, заводнинг ишлаб чиқариш кўлами тобора кенгайиб, қуввати ортмоқда.

Сифат беш йиллигини юқори кўрсаткичлар билан якунлаймиз! Корхонанинг кўпминг кишилик коллективи ана шундай шиор остида унумли меҳнат қилмоқда.

О. ЖОРҚИНБОЕВ,
А. РАҲМАТУЛЛАЕВ

Фарғона

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

* * *

Ҳаёт нимаики улашар экан,
Шодлик ё ташвишга бўлинар.
Чўллар — она ернинг
Бағрига чўккан
Дардларига ўхшаб кўринар.
Гул — қадим тупроқнинг шодлик тимсоли,
Рамзидир бахтиёр дамларнинг.
Дўстим, шу замин ҳам
Инсон мисоли —
Кўп туйган севинч ва ғамларни.
Ўтмишга зийрак кўз ташласам, ажаб,
Кимлардир саҳрони гулистон қилган.
Кимлардир табаррук масканда яшаб,
Гулистон ерларни гоҳ яксон қилган.
Кимлар булут қилиб тутган бағрини,
Ғунчалар зор бўлган зиёга.
Адо қилмасмиди дардлар Заминни
Агар биз келмасак дунёга!

* * *

Қора бўёқ каби пуркалади тун,
Ерда ўзга ранглар хира тортади.
Табиий кўркини унутиб бутун,
Борлиқ қора ниқоб ўраб ётади.
Қора бўёқ каби пуркалади тун,
Ерда бошқа ранглар хира тортади.
Оламга ўзлигин англатмоқ учун,
Бокира, мунаввар тонглар отади.

Бухоро

Ендаги бетда:


Хлорат магний дефолианти тайёрлаш цехининг бошланғич комсомол ташкилоти секретари, электр монтёри Назим Илёсов Қиргули корхонасида пешқадам ишчилардан ҳисобланади.


Катта мастер-технолог, коммунистик меҳнат зарбдори Илҳом Абдураҳмонов ҳалол меҳнати туфайли коллектив ҳурматини қозонган.

Хлорат магний дефолианти тайёрлаш цехининг техник раҳбари Икром Тоиров (чапдан), электр монтёри Валентин Горблюк, машинист Эргашали Назаров ўртоқлар социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини муҳокама қилмоқдалар.

Сирка кислотани қайта ишлаш цехининг моҳир ишчилари аппаратчи Екатерина Егизекова (чапдан), смена бошлиғи Шокир Зоидов, аппаратчи Ольга Сенина, смена бошлиғи Владимир Яманов, слесарь Иван Кашчеев, цех техник раҳбари Алишер Йўлдошев, аппаратчилар Владимир Малков, Ҳусан Ашурматов, машинист Маҳмуд Ашуров, аппаратчи Ольга Вист, машинист Людмила Пронина. Бу ўртоқлар ойлик квартал ишлаб чиқариш планларини аъло даражада бажарадилар.















МУҲАББАТНИНГ БУЮК ШОДЛИГИ...

Бундан бир неча йиллар аввал, мени — йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ҳориб қайтаётган мухбирни каттакон музейнинг бир бўлагига ўхшаб кетадиган бу уйнинг меҳригиёси ҳар гал ўзига тортар, албатта унга бир қўниб, соҳибини зиёрат қилиб ўтар эдим. Бутун деворни эгаллаган токчаларда папка-папка ҳужжатлар, ноёб фотолар, камёб асарлар, қўлёзмалар... Бу ерда шонли авлод вакилларидан бири яшар эди. Москва шаҳар Бауман райони сайловчилари билан учрашувида Леонид Ильич Брежнев энг муҳим бойлигимиз бўлган социализмни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлидан биринчилар қаторида борган ҳамма коммунистлар, партиясизлар, ишчи ва деҳқонларнинг меҳнати ва матонати, фидокорлиги ва ғайрат-шижоати буюк эҳтиромга лойиқлигини таъкидлаганида мен ўша табаррук зотни — Самарқанд область ижроия комитетининг биринчи раиси, 1918 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон Компартияси I съезди, республикамиз биринчи Советлар съезди делегати, Ленин ордени кавалери Мирзахўжа Ўринхўжаевни эсладим...

Бир сафар мен ундан:

— Ёшлигингиздаги ҳеч эсингиздан чиқмайдиган воқеани сўзлаб беринг,— деб илтимос қилган эдим. Ўшанда Мирзахўжа ота ўйчан назар билан менга узоқ қараб турди-да, сўнг, оқ оралаган мўйловини силаб кулимсиради:

— Сира эсимдан чиқмайдиган воқеами... Бу — Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши, унинг ихтиёрий равишда СССР составига кириши. Самарқанд кўчаларини тўлдирган умумхалқ шодиёнаси... Ўшанда, тумонат одам йиғилган митингда Самарқандннинг рамзий тилла калитини Йўлдош Охунбобоевга топширдим. Бир бебаҳо ҳужжатнинг қўлимда сақланаётган нусхасини кўрсангиз, бу гапларни нега ҳозир ҳам ҳаяжонланмай айтолмаётганимни тушунарсиз... Малол келмаса, тўртинчи токчадаги чапдан иккинчи папкани олинг. Раҳмат... Энди биринчи саҳифадаги тагига чизиб қўйилган сатрларни ўқинг.

Мен Ўзбекистон ССРнинг Совет Иттифоқига ихтиёрий равишда қўшилиши ҳақидаги Декларациянинг боқий сатрларини овоз чиқариб ўқидим...

— Ўшандан буён республикамизда ва Ленин замонаси тонгида Совет Ўзбекистонининг биринчи пойтахти бўлган шаҳримизда кўп катта ўзгаришлар рўй берди,— деб сўзида давом этди оқсоқол.— Аммо энг муҳим, асосий ўзгаришлар одамларда, Михаил Иванович Калинин таъбири билан айтганда, давлатнинг бошланғич ячейкаларида содир бўлди. Сиз, журналистлар ана шунга алоҳида эътибор беришларингиз керак. Янги коммунистик фазилатларнинг куртаклари дастлаб оилада кўзга ташланади. Совет ҳокимияти йилларида кишиларнинг янги тарихий бирлиги вужудга келганини намойиш қиладиган бундай оилалар бизда жуда кўп.

Бу гапнинг ҳикмати зўр эди. Кўп ўтмай, Мирзахўжа ота назарда тутган ажойиб оилалардан бири билан танишдим.

Оила ёдгорликлари... Баъзан уларни ардоқли токчалардан, унниқиб кетган дала сумкаларидан авайлаб оладилар, ота-оналари руҳини шод этиб, меҳмонларга кўрсатадилар.

Вақти келиб, бу оила ёдгорликлари музей залларидан жой олади — улар шунда чинакамига иккинчи марта ҳаётга қайтади. Эл назарига тушгандан сўнг, олис, лекин кўнглимизга яқин воқеаларнинг жонли шарҳига айланади, руҳимизга тарихнинг жонли нафаси бўлиб сингади.

Улуғ доҳиймизнинг 100 йиллик юбилейи кунлари В. И. Ленин музейининг Тошкент филиали залларида 1921 йили Красная Пресняда зарб этилган ва Ильич тасвири туширилган бронза юлдузни, Коминтерн III конгресси делегати Қори Тожиевнинг 112-сонли мандатини кўрганимда, мен шу фикрга келганман. Дастлаб, бу ёдгорликларни менга икки марта Қизил Байроқ орденли Болтиқ флотининг ветеранлари — Маҳмуд Қориевич Тожиев ва унинг хотини Валентина Семёновна Тожиева Самарқандда кўрсатган эди.

Шундан бери ўн йил ўтди. Мана энди, доҳий Ленинннинг 110 йиллик юбилейи йилида Тожиевлар оиласи солномасига қайтадан мурожаат қилмоқдаман:

Самарқандлик батракнинг ўғли ёш Қори нодир қобилиятга эга экани маълум бўлди — у тил ўрганишга моҳир чиқиб қолди. Лекин бу туғма истеъдодни рўёбга чиқариш, камолга етказиш учун йўл йўқ эди. Самарқанд гимназиясининг эшиклари Қорига берк эди. У ҳам батрак бўлди. Тақдир уни — ўзбек, тожик, рус тилларида бурро гапира оладиган зеҳни ўткир йигитчани рус ишчилари билан учраштирди. Қоридан яхши одам чиқишига ишонган ишчилар унга китоблар топиб бера бошладилар, бу китоблар орасида тақиқланганлари ҳам йўқ эмас эди. Қорининг тезда саводи чиқди. Қўлига қалам олди. 1914 йили у ўзининг биринчи китоби —«Тикон»нинг гранкаларини ўқиб тузатди: бу мажмуа юпқа бўлса ҳам, таъсири зўр — исёнкор руҳда эди.

Самарқандда бу китобча билан боғлиқ қизиқ ҳангомалар бўлди... Камбағаллар ўз қонларини зулукдек сўриб ётган очкўз судхўрларга, тош юракли миршабларга, муғамбир бойларга, сариқ чақанинг ҳидини олса сотиладиган қозиларга қарши қаратилган бу ўткир ҳажвларни дарров ёдлаб олдилар. Қори хўжайинларни шундай нозик боплаган эдики, одамлар юмалаб-юмалаб кулар эдилар!.. Уни зиндондан инқилоб қутқариб қолди. Самарқанд полициясининг генерал-губернаторга йўллаган қуйидаги махфий хати бунинг шоҳидидир: «Маҳаллий ялангоёқлардан бўлган Қори ўзининг «Тикон» деган китоби билан шахсий мулк ва Россия империясининг муқаддас асослари пойдеворига қасд қилмоқда».

Маҳмуд Қориевич билан Валентина Семёновна бир оқшом менга қалингина кўкимтир альбомни кўрсатдилар. Унда зарҳал билан: «Коминтерн III конгресси делегати Тожиевга (Туркистон)» деган сўзлар нақшланган эди. Альбомни очиб, унинг биринчи варағидаги: «РСФСР ишчи-деҳқон ҳокимиятининг қизғин, фаол дўстларига Улуғ Октябрь революцияси ҳақида фотоочерк» деган ёзувни ўқийман. Бу нодир мажмуани варақлар эканман, революция алангасида ишчи ва деҳқонларнинг жаҳонда биринчи давлати бунёдга келган ўша момақалдироқли йиллар нафасини илғайман.

Мана, фронтга жўнаётган қизил аскарлар сафи, социалистик Ватанни душмандан ҳимоя қилишга қатъий бел боғлаганлари чеҳраларидан аён бўлиб турган меҳнаткашларнинг кўпминг кишилик митинги... Альбомнинг бир саҳифаси Владимир Ильич Ленинга бағишланган. Бу ўзига хос фотомонтаж Ильич ҳаёти ва фаолиятининг турли даврларини жонлантиради. Варақлашда давом этиб, 1920 йили Бокуда ўтган Шарқ халқлари Биринчи Қизил съезди делегатлари расмига дуч келаман. Бу съездда Маҳмуд Қориевичнинг отаси — Қори Тожиев Коминтернинг III конгрессига делегат қилиб сайланган эди. У Бокуда Серго Оржоникидзе ва Наримон Наримоновнинг бевосита раҳбарлигида таржимон бўлиб ишлаган.

Бир сафар В. И. Ленин музейи залларини айланиб юриб, Тожиевлар оиласи даврасида кечирилган оқшомлар — кўк чой устидаги бафуржа суҳбатларимиз, мезбонларнинг ҳикоялари, сарғайиб кетган газеталардаги мақолалар, расмлар, оила альбомидаги суратлар ёдимга тушди.

...Кўзлари катта-катта, матрос формасидаги бир қиз сурати. Нигоҳи — равшан ва қатъий. 1943 йил, январь... Ладога. Қамалдаги Ленинградни Катта ер билан боғлаб турган Ладогани ўша пайтда ҳаёт йўли деб атар эдилар. Ҳарбий-денгиз радистлар мактабини тугатганидан кейин Валентина Семёновнани шу ерга йўллаган эдилар. Валя бир йилгача қатнайвериб, ҳарбий комиссариат эшигининг турумини бузиб юборгудек бўлди: у фронтга талпинар, ҳарбий комиссар эса ҳар гал унга ҳорғин кўзларини тикиб кулимсирар ва:

— Сен, қизим, жуда ёшсан, бошқаларга билдирмай, қўғирчоқ ўйнаб юрган бўлсанг ҳам ажаб эмас. Фронтда арқонлар узилади, ипаклар чўзилади... Шунақа оғир. Сенинг боришингга ҳали эрта,— деб жавоб берар эди.

Валя бўш келмади, ёшига икки йил қўшдириб олишгача борди. У дуркун, қоматдор, ҳарбий хизматга яраса ярагудек қиз бўлиб қолган эди. Ниҳоят, орзуси ушалди... Хайр, она, хайр, ота уй!

Ҳарбий радистлар мактаби. Валя уни муваффақиятли битирди. У ўз ҳунарини баъзи дугоналарига қараганда пухта эгаллаган, автомат ва тўппончадан эса нишонга бехато урар эди. Жанговар йиллар шоҳиди — мақтов ёрлиқлари, сержантга берилган характеристикалар шундан далолат бериб турибди. Улуғ Ватан уруши тарихи Валяга ўхшаган қизлар ўн тўртга тўлар-тўлмас — бир иложини топиб, ёшини катта кўрсатиб бўлса ҳам, фронтга кетганини билади. Бу муқаддас ёлғон эди.

Шу ерда, Ладогада у қувноқ, ҳеч қачон руҳи тушмайдиган старшина Маҳмуд Тожиев билан та-


Пролетарии всех стран, соединяйтесь!

III Конгресс Коммунистического Интернационала.

МАНДАТ № 112

Тов. Мадумов

действительно является делегатом на III Конгресс Коммунистического Интернационала с правом СОВЕЩАТЕЛЬНОГО голоса.

Секретарь ИККИ

20/II 1921 г.

Москва, Кремль.

Коминтерн III конгресси делегати Қори Тожиевга берилган мандат.

Ёндаги бетда:

Азотли ўғитлар заводининг умумий кўриниши.

Тажриба ускунаси аппаратчилари Минзила Қутлуғузина ҳам, Михаил Строк ҳам ўз ишларининг моҳир устаси ҳисобланади.

Смена бошлиғи Қобилжон Зуфаров (чапдан), унинг ёрдамчиси Михаил Волков, қоришмалар тайёрлаш цехи аппаратчиси Нурматжон Ашуралиев триацетилцеллюлоза цехининг марказий бошқариш пультида ишлаб чиқариш жараёнларини кузатмоқдалар.

Қиргули қошидаги боғчада ишчиларнинг фарзандлари учун ҳамма шарт-шароит муҳайё.

А. ЖДАНОВ фотолари



Узбекистон Медицина паразитологияси илмий текшириш институти олимлари даврасида. Институт партия ташкилоти секретари В. Тожиева (чапдан биринчи), институт директори Л. Исаев (ўнгдан иккинчи). 1958 йил.

нишди. Сочига оқ оралаганини ҳисобга олмаганда, Маҳмуд Қориевич ҳозир ҳам совет ҳарбий кемаларининг Англияга дўстона сафаридан кейин олинган ва «Ленинградская правда»да босилган суратдагидек — чайир, ораста. Суратда: ўртада гитара чалиб турган Маҳмуд Тожиев, унинг икки ёнида «Яблочко»га учиб ўйнаётган қуролдош дўстлари...

Ўша гитара бугун деворда осиғлиқ турибди. Завқи келганда, Маҳмуд Қориевич уни қўлга олади, аста-аста чертиб, «таниш кўча, сира ўчмас тилла аланга» ҳақида замзама қилади. Шунда Валентина Семёновна Валяга — ҳарбий денгизчилар формасидаги ўша қизга айланади, дунёда энг азиз кишисини ўша қизнинг кўзлари билан кўради. Кўради-да, ҳарбий хизматдан тўппа-тўғри Самарқандга қайтганларини, Қори ота уни ўз қизидек қучоқ очиб кутиб олганини эслайди.

Оғир йиллар эди. Жанглар ва походлар, қамалдаги Ленинграднинг кўз ўнгидан кетмаётган даҳшатларидан кейин дам олишга ҳам фурсат бўлмади. Маҳмуд қайтганининг учинчи куни эски, денгиз ҳиди уриб қолган бушлатини кийди-да, ишга жўнади. Узоқ йиллик танаффусдан кейин, яна радио монтёри бўлиб ишлай бошлади.

Тақдирнинг марҳаматини қарангки, Маҳмуд билан Валентина бошига айрилиқ солмаган эди. Тинчлик чоғида эса, бир эмас, бир неча марта ҳижрон азобини тортишларига тўғри келди. Маҳмуд қишлоқдан қишлоққа ўтиб, баланд довонлардан ошиб, тошқин дарёларни кечиб, областнинг энг узоқ бурчакларига радио элтар, яроқсизини тузатар, ремонт қилар, янгисини ўрнатар эди. Қишлоқларга «денгизчи» ва унинг бригадаси кириб келиши билан динамиклардан куй таралар, Москва ва Тошкент дикторлари жаҳонда, мамлакатда, республикада бўлаётган воқеалар билан таништира бошлар эди. Эндиликда буларнинг бари тарих бўлиб қолди, албатта. Ҳозир энг узоқ яйловлардаги чўпон ўтовларида ҳам рация, транзистор приёмниклар, кассетали магнитафонлар бор. Лекин ўша йилларда колхозчи уйига репродуктор ўрнатилиши қувончли воқеа эди.

Маҳмуд ёзда офтобда қорайиб, қишда суяк-суягидан совуқ ўтиб уйга қайтардию ўзини китобга урар, дам олиш кунлари мукка тушиб мутолаа қилар эди. Бой кутубхонасининг асосини тарихий адабиёт ташкил этади. У ўспиринлигидаёқ — флотгача, урушгача ҳам тарих билан қизиқар эди. Уни тарихга ошно қилган — отаси. У Маҳмудга Фрунзе, Наримонов, Оржоникидзе каби ажойиб инсонлар, улардан олган ибрат ва сабоқлари ҳақида кўп сўзлаб берар эди. «Тарих — ҳаётнинг энг муҳим фани, янги замон қурувчиси уни чуқур билиши керак», деб қайта-қайта уқтирар эди Қори ота.

Маҳмуд Қориевич ўзи севган фан асосларини эгаллагунча, анча вақт ўтди.

Валентина Семёновна Самарқанд университетининг биология факультетини тугатганидан сўнг кўп вақтини Мирзачўлда ўтказарди. Маълумки, доҳий Ленин назари тушгач, бу жойларнинг бахти очилди: коммунистлар уни ўзлаштиришга киришдилар. Аммо орага уруш тушди. Ғалабадан кейин иш тўхтаган еридан давом эттирилди, қурилиш миқёси кундан-кун кенгайди. Фидойиларнинг илк чодирлари тикилдию асрлар бўйи қақраб ётган чўл ҳаётга қайта бошлади. Ёнидан бетон ариқлар оқиб турган ажойиб йўллар қурилди, уфққа туташ пахтазорлар кўзни қувонтирди, янги социалистик посёлкалар бунёдга келди.

«Хўш, бу улуғвор ишга биолог олимнинг нима дахли бор?» деб сўрарсиз. Ҳамма гап шундаки, алоқаси бор.

Валентина Семёновна Ўзбекистон Медицина паразитологияси илмий-текшириш институтида, профессор Л. Исаев раҳбарлигида иш бошлади. Кейинча институтга унинг асосчиси, унга қирқ йил давомида раҳбар бўлган Леонид Михайлович Исаев номи берилди.

Валентина Семёновна бу фан фидойиси ҳақида соатлаб сўзлай олади. Леонид Михайлович Ўзбекистонда инқилобгача ниҳоятда кенг тарқалган паразитлар билан боғлиқ касалликларни ҳар тарафлама ўрганди; айни пайтда уларни тўла-тўкис бартараф этиш йўлларини излаб, гидрогеология, ирригация, мелиорация фанлари муаммолари билан ҳам қизиқди. Унинг ташаббуси билан республикада юзлаб тропик медицина станциялари ва безгакка қарши пунктлар ташкил этилди, безгакшунос врачлар ва биологлар тайёрлана бошлади, безгакка қарши уюштирилган ҳар томонлама ҳужум натижасида бу кенг тарқалган даҳшатли касаллик бутунлай барҳам топди. Мамлакатда безгакка қарши ўтказилган тадбирлар комплексини ишлаб чиқишдаги иштироки учун Леонид Михайлович СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. «Профессор Л. Исаевнинг ўз ҳаёти давомида Ўзбекистонга бағишлаган меҳнати,— деб ёзган эди 1961 йили «Медицинский работник» газетаси,— афсонавий ҳодиса бўлиб қолди. Ҳар қадамда Исаев меҳнати ва ишларининг изини кўриш мумкин. Унинг бутун ҳаёти жасоратдан иборат эди. У Совет Шарқига рус фанининг инсоний ғоялари, билими, тажрибаси, унинг ижодий кўламини олиб келди».

У фавқулодда талабчан ва ҳатто кескин одам эди. Зеро, катта мақсадга яраша барқарор маънавий интизом, чинакам фидойилик керак. Ҳавойи, бўш-баёв кишилар бутун умрини илм йўлига тиккан бу одам ёнида кўп «жон сақлай олмас» эдилар. Жангда чиниққан Валентина Семёновнани мураббийсининг ўта талабчанлиги чўчитмади. Йўл азобига, қаҳратон ва жазирамага бардош бериш, ҳавзалардан текшириш учун олинган ҳисобсиз намуналар, кўп йиллик кузатишларни илмий сарҳисоб қилиш... Буларнинг бари — Мирзачўлнинг ўзлаштирилишига қўшилган ҳисса. Кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. «Мирзачўлни ўзлаштиришдаги иштироки учун» медали билан тақдирланди. Москвада, жаҳон энтомологлари симпозиумида Мирзачўл шароитида ҳашаротларга қарши кураш бўйича муттасил олиб борилган ишларнинг якунлари тўғрисида доклад қилди.

Валентина Семёновна: «Бахтимдан айланай, ҳаётда шундай устозга дуч келдим», дейди... Профессор Исаевнинг — бу ажойиб одамнинг шахсиятини эндиликда тарих мулкига айланиб улгурган ушбу ҳужжат ҳам кўрсатиб бера олади.

«КПСС Самарқанд шаҳар комитетига
Леонид Михайлович Исаевдан
Ариза

Безгак ва медицина паразитологияси институти бошланғич партия ташкилоти мажлисида партияга нега бу қадар кеч кираётганим сабаби билан қизиқдилар, шу ишни чин кўнгилдан қилаётирсизми, деб сўрадилар.

Мен партияга кириш муддатини энг муҳим масала деб ҳисобламайман. Менинг нима учун партия сафига киришни истаётганим бундан кўра муҳимроқдир.

Мен коммунистик жамият аъзоси сифатида яшаб турибман. Ҳамма нарсани эҳтиёжимга яраша олмоқдаман ва имкониятимга яраша бермоқдаман. Ҳаётий эҳтиёжимга айланган, мени бахтли қилган, бутун ижодий имкониятларимни рўёбга чиқараётган меҳнатимнинг соҳибиман.

Лекин мен эҳтиёжимнинг қондирилишига яраша жавоб қайтара олаётирманми?

Ҳаёт душманларига — паразит касалликлари, биринчи навбатда, безгакка қарши олиб борган курашимда партия кўрсатган йўлдан юрдим. Менга юксак ишонч билдирилди, катта имкониятлар яратиб берилди. Лекин, бари бир, бор имкониятларимнинг ҳаммаси фойдаланилди, дея олмайман. Мумкин бўлганидан анча оз иш қилинди.

Ижодий кучларимнинг гуллаб-яшнашига шароит яратиб берган ўз социалистик Ватаним олдидаги қарзларимни узиш ҳисси, тинчлик учун фаол курашиш ҳисси мени Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига қабул қилишларингизни сўрашга ундамоқда.

Л. ИСАЕВ

Самарқанд.
1953 йил, май».

Леонид Михайлович Исаевнинг партияга кириши учун тавсияномаларнинг бирини унинг шогирди Тожиева берди; у ўша пайтда институт партия ташкилоти секретари эди.

Валентина Семёновна 1969 йили Самарқанд университетида Маҳмуд Қориевичга тарихчи дипломини қандай топширганларини ҳам сира унутмайди.

Оила аъзолари у бу дипломга қандай машаққат билан эришганини билар эдилар. Лекин Маҳ-

«Қани энди отам невара-чевараларининг бугунги камолини кўрса эди», дейди Маҳмуд Қориевич.



муд Қориевичнинг ўзи бу ҳақда кулиб гапирди:

— Мен оиламиздаги энг кекса талаба эдим. Валя ҳам, қизларимиз ҳам оила бошлиғидан анча олдин олий маълумот олдилар. Жиддий айтадиган бўлсак, қандайдир манфаатни кўзлаган ҳолда, сиртдан ўқиб, тарихчи бўлганим йўқ. Мен пенсионерман, менинг ёшимда бирон нарсани ўзгартириш маҳол. Болаликдан икки нарса — денгиз ва тарих жону дилим эди...

Суҳбатимизни Маҳмуд Қориевич севадиган мавзуга қараб бураман.

— Денгизни биринчи марта Бокуда кўрдим. Бу учрашув менинг болалик тасаввуримни номаълум қирғоқларга элтадиган сафарлар орзуси билан тўлдирди... Кейин, Болтиқ денгизининг ҳарбий матроси бўлгач, кўнглимга денгиз муҳаббатини солган Ҳазарни кўп марта эсладим.— Маҳмуд ака оҳиста, ўйчан гапиради. Унинг юзидаги ажинлар чуқурлашади. Аммо кулимсираганида, ажинлари ёзилиб кетади.— Биз Бокуда Наримон Наримонов билан бир уйда яшар эдик. Уни болалар яхши кўрар, доим изидан эргашар эдилар. Баъзан бизларникига кирар эди. Синглим билан мен унинг ёнидан жилгимиз келмасди. Бизни катталардек кўриб, қўл бериб сўрашгани, ҳолаҳволимиз билан қизиққанини айтмайсизми... Менинг хотирамда бу икки ном бирлашиб кетган: Ҳазар ва Наримон Наримонов...

Йиллар селдек оқиб ўтмоқда. Қизлари балоғатга етди. Тўнғич қизи — Виктория Қори бувасининг йўлидан кетди. Университетда ўқиб, чет тиллар факультетини тамомлади, Самарқанд аэропорти «Интурист»ида бош таржимон бўлиб ишлади. Шу ерда қишлоқ хўжалик авиацияси учувчиси Владимир Фокин билан танишиб, унга турмушга чиқди. Қиз кўрдилар. Яқинда Ленинградга — Владимирнинг она шаҳрига кўчдилар. Улар мактубларидан бирида «Ҳаёт йўли» бўйлаб — Маҳмуд Қориевич ва Валентина Семёновнанинг жанговар ёшлиги кечган жойлар бўйлаб саёҳат қилганлари ҳақида ёзибдилар:

«Ассалому алайкум, отажонимиз, онажонимиз! Ладога ҳақида бизга кўп марталаб ҳикоя қилиб берган эдингиз. Сизнинг Ладогангиз бўйлаб саёҳатга чиқдик: у ерга ўрнатилган обидаларни зиёрат қилдик. Шундай ажойиб туйғуни бошдан кечирдикки, сизларни оилавий альбомимиздаги суратда акс этган ёшлик чоғингизда кўргандек бўлдик. Уйда, Самарқандда сизлар ва полкдошларингиз кўрсатган жасоратни бутун улуғворлиги билан кўз олдимизга келтиролмаган эканмиз. Бу ерда, сизларнинг пойқадамингиз етган сўқмоқлардан ўтатуриб, биз буни борган сари теранроқ идрок этмоқдамиз...»

Дарвоқе, совет халқи кишиларнинг янги тарихий бирлигидир. Тожиевлар оиласининг бутун тарихи бунинг жонли шарҳи бўла олади. Кичик қизлари Элеонора — врач, у одессалик Валерий Бедний билан оила қурди. Ҳозир бир қизлари бор. Улар Валентина Семёновнанинг туғилган шаҳри Одессада яшамоқдалар. Маҳмуд Қориевичнинг синглиси, ёшлигида ўзбек хотин-қизларини озодликка чиқариш ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бўлган, кейинча ўз тақдирини одессалик Всеволод Капитонович Адарченко билан боғлаган Анвара Қориевна ҳам умрининг кўп қисмини Одессада ўтказди, Одесса шаҳри Ленин райони ижроия комитетининг депутати сифатида ҳурмат қозонди.

— Инқилобгача Шарқ аёлининг пешанасига битгани — ичкари, оғир меҳнат, паранжи эди,— деб хотирлайди Анвара Қориевна.— Самарқанд хотин-қизлари Регистонда тўпланиб, паранжи-чачвонини улоқтирганлари ва ўт қўйиб юборганларида кўкка ўрлаган аланга ҳануз кўз ўнгимда... Бу ўша давр учун қаҳрамонлик билан тенг эди. Очилган хотин-қизларни оллоҳнинг қаҳрию эр қамчисининг заҳри билан қўрқитар эдилар. «Ҳужум» менинг минг-минг дугоналаримни янги ҳаёт йўлига бошлади.

Шу қутлуғ ҳаракат шарафига Самарқанд ипак фабрикаси «Ҳужум» деб аталди. «Бу фабрика қора паранжига қарши ҳужум бўлсин... У нодон мулла-эшонларга, эскилик одатларига қарши ҳужум бўлсин», деб ёзган эдилар Анвара Қориевнанинг фаола дугоналари Самарқанд хотин-қизларига мурожаатларида.

Кейинги йилларда менга Тожиевларнинг оилавий солномасига тааллуқли яна бир ажойиб инсоний тақдир маълум бўлди. «Вокруг света» журнали бир неча йиллик сонларини кўздан кечираётиб, Френсис Чичестер, Карло Маури, Ален Бомбар каби машҳур кишилар қаторида Париждаги Миллий илмий-текшириш маркази профессори, Париж Ер физикаси институти бўлим мудири, Халқаро вулқоншунослик институти илмий кенгаши раиси Гарун Тазиев номини ҳам учратдим. Бу кишини биз ҳормас сайёҳ, табиатнинг стихияли кучларига қарши курашчи, вулқонлар



Маҳмуд Қориевич ва Валентина Семёновна ҳамиша замонага ҳамқадам бўлиб, келажак орзуси билан яшайдилар.

ҳақидаги ажойиб китоблар ва фильмларнинг муаллифи сифатида биламиз.

Тазиев — Тожиев эмасми? Ҳорун шарқона исмку! Гарун Тазиевнинг «Вокруг света» журнали мухбири билан суҳбатига назар ташлайман. «Сизнинг журналингизга алоҳида меҳр билан қарайман. Унда эълон қилинган мақолани кўриб, мени амакивачча сингилларим излаб топдилар. Улар Тошкентда яшайдилар, отам асли ўша ёқлик эди». (Ҳоруннинг отаси — Собир Тожиев рус армиясида врач бўлиб хизмат қилар эди. У биринчи жаҳон урушида ҳалок бўлгач, хотини Женни ўғли Ҳорунни олиб, Бельгияга кетади.)

Лекин «Тазиев — Тожиев» масаласига қайтайлик. Валентина Семёновна: «Ҳорун Маҳмуднинг амакиваччаси бўлиши керак», дейди. Бу фикрни Маҳмуд Қориевич ҳам тасдиқлайди. Буни исботлаш учун етарли далиллар бор. Аввало оилавий альбомдаги бир суратни эсга олиш керак: унда Қори Тожиевнинг туғишган укаси Собир Тожиев хотини Женни билан турибди. Суратга: «Меҳрибон, азиз Қорига. Собирдан ва гўзал келини Женнидан», деб ёзилган. Бу ёзув қариндошлик нисбатини равшан кўрсатади.

Кутилмаганда калаванинг яна бир учи топилди. Иттифоқо, машҳур «Ҳандақ қўшиқлари изидан» китобининг автори композитор Владимир Дементьев қўнғироқ қилиб қолди.

— СССР Маданият министрлиги таклифига кўра мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган мадам Вивье Тошкентга келмоқда. У совет халқига ўзи чизган 421 суратни туҳфа этганидан хабардорсиз, албатта. Мадам Вивье Москвада, Ленинградда, Тбилисида бўлди.

— Маъқул гап, албатта. Марказий газеталар бу ҳақда ёзиб турибдилар.

Телефон трубкасидан кулги овози эшитилди ва одамни сергаклантирадиган сирли жимликдан кейин, Владимир Васильевич шундай хабарни айтдики, юрагим ҳаприқиб кетди.

— Унинг исми — Женни, фамилияси — Тазиева-Вивье. Ҳоруннинг онаси. Телефон номерини ёзиб ол...

«Вокруг света» мухбири билан суҳбатда Ҳорун эслатган опа-сингил Тожиеваларга — Тошкент консерваторияси дирижёрлик факультети кафедраси доценти Мунаввара Содиқовна билан яқинда пенсияга чиққан врач Валия Содиқовнага телефон қилдим. Улар — Қори билан Собирнинг акаси Содиқ Тожиевнинг қизлари...

— Ҳа, Женни Тазиева бизникида. Келинг. Бошимиз осмонга етади.

Женни Тазиева-Вивье, 82 ёшга кирганига қарамай, куч-қувватга тўла. У рус тилида жуда яхши гапиради: ўғли совет дўстлари даврасида бўлганида, ўзи таржимонлик қилади. Сафари қисқа муддатли экан. Самарқандда бўлолмабди. Шунинг учун ҳам у мендан «Ҳорун Тазиевнинг самарқандлик оғаси Маҳмуд Тожиевга, унинг рафиқаси, невара ва чевараларига самимий салом» айтишимни сўради. Кейин у фамилиясидан шубҳаланиб гестапочилар Ҳорунни қамаганлари ҳақида ҳикоя қилди. Аммо улар энг муҳим нарсани билмаган эдилар. Ҳорун Бельгия Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг жангчиси сифатида душман эшелонларини қийратган эди.

Хайрлашиб чиқаётганимда, Мунаввара Содиқовна Ҳорун Тазиевнинг 1976 йили рус тилида чоп этилган «Иблис билан учрашув» китобини авайлабгина токчадан олди:

— Бу китоб биз учун ниҳоятда азиз. Майли, уч кунга олинг.

Мен уни бир ўтиришда ўқиб чиқдим. Айниқса муаллифнинг ҳаётий моясини жуда ёркин ифодалаган ушбу сатрлар ёдимда қолди:

«...тасаллини хаёлдаги келгуси ҳаётдан эмас, муҳаббатнинг қудратли шодлигидан ахтардим. Бу — онанинг болага муҳаббати. Эрнинг аёлга муҳаббати — ҳаёт давомдорлигининг узилмас занжиридир. Тирикларнинг ўзларини дунёга келтирганлар, камолга етказганларга муҳаббати. Ўз ишини қилиб, яратиш ёки ижод билан шуғулланаётган одамлар муҳаббати. Бутун сайёрада курашаётган ва азоб чекаётган, меҳнат қилаётган ва маъданлар оламидан не машаққат билан юлиб олганимиз мўъжизавий ижодни — одам ҳаётини авайлаб-асраётган инсоннинг миллионлаб бошқа кишиларга муҳаббати».

Эски суратларни хотирлайман, бу оилавий солноманинг хаёлимга ўрнашиб қолган саҳифаларини такрор варақлайман, Тожиевларни — самарқандлик ва тошкентлик дўстларимни эсга оламан. Биласизми, шунда, нималарни ўйлайман... Оқсуяклар ўз шажараларининг энг майда тафсилотларини ҳам билар эдилар. Лекин бизлар Октябрь революциясини амалга ошириш учун бел боғлаган ва улуғ инқилоб алангасида пешланган катта боболаримиз, Қишки саройни ва Перекопни забт этган, Магниткани қурган боболаримиз, Улуғ Ватан урушининг жанговар йўлларидан ўтган ва уруш қуюнида совурилган, кулга айланган шаҳар, қишлоқларни қайтадан тиклтирган оталаримиз ҳақидаги ҳамма гапни биламизми? Фронтдан қайтмаганлар, омон қайтганлар ва абадий кўз юмганлар ҳақидаги бор ҳақиқат бизга маълуммми?

Биз буларни билишимиз ва эсда сақлашимиз керак! Красная Пресня ишчилари 1921 йили Қори Тожиевга совға қилган ва доҳий Ленин тасвири туширилган юлдуз йўлларини ёритиб турган юртдошларимиздан ибрат олмоғимиз зарур. Зеро, «чинакам озодликни ижод қилган мамлакатда яшаш бахтдир»... Бу сўзларни Женни Тазиева-Вивье менинг ён дафтаримга ёзиб қолдирган.

А. ТАНХЕЛЬСОН

Самарқанд — Тошкент

Аҳмад АЪЗАМ

Одамнинг оласи


Ҳикоя

Лоф эмас, Яламада Шерқўзидек мулойим, ундан ҳалимроқ кишини топиш мушкул. Мана, ёши қирқдан ҳам ошибдики, биров билан санманга борганини ёки, ақалли номига бўлса-да, кимсага дўқ урганини ҳеч ким кўрмаган-эшитмаган. Лекин Яламанинг ман-ман деган бўйни йўғони ҳам унинг қаршисида қўл қовуштириб, айтадиган гапини орқа-олдига қараб, ўйлаб гапиради: Шерқўзи «жоним-жоним»лаб ҳар қандай одамнинг жонини кекирдагидан суғуриб олади.

Шерқўзи биттагина одамдан, у ҳам бўлса отасидан бир оз чўчийди. Лекин ҳовли-жойи, рўзғори бошқа, шундай экан, қариб қолган бобойдан чўчиди нима, чўчимади нима! Уч синглиси, «мусофирликда юрган» укаси ва онасига Шерқўзи аяброқ гапиради, аммо улар ҳам Шерқўзидан негадир ҳайиқишади. Айниқса, хотини Кароматга худо юракдан берган: елкасидан ҳам келмайдиган (тақдир экан-да!), увоққина эри олдида қалтираб туради. Шерқўзи жаҳли чиққан пайтларда бақирмайди, сўкмайди, «Хоним!», деб сизлайди, «Кароматхон!», дейди — узиб олади. Унинг эшикдан: «Каром, чой-пойинг борми? Ўзбекнинг рўзғори қурсин, бирини битирсанг, бири тайёр туради-я», деб ҳорғин кириб келишига, оҳ, Каромат жони-жаҳонини беришга тайёр — Шерқўзининг эркалатгани шу-да!

Аслида-ку Шерқўзи рўзғори, хўжалигидан нолимаса ҳам бўлади — жойида. Эшик олди бир текис ваиш, ҳусайни, кейин яна бир қатор қора кишмиш, мускат... энг охири — эртаги даройи. Ундан сўнг худди шундай тартиб билан помидор, бодринг, картошка, ловия, булғори қалампир, аччиқ жайдари қалампир экилган. Уйнинг орқасида эса беда, маккажўхори, пиёз, озгина саримсоқпиёз, сабзи, яна уруғини Шерқўзи қайдандир топиб келган «суданка» деган емиш ўт. Ён томонда чоғроққина боғ, у ерда мевали дарахтнинг ёнғоқ билан шафтолидан бошқа қарийб ҳамма тури бор. Шерқўзи бу икки дарахтнинг мевасини яхши кўрса ҳам, ўзини хушламайди: ёнғоқ кўп жойни эгаллайди, томорқанинг анча қисмига соя ташлаб, бошқа экинларни сиқиб қўяди, шафтоли эса уч-тўрт йилда қариб қолади. Ҳовлининг чор-атрофи мирзатераклар билан ўралган. Ҳар биридан иккита болор чиқади, агар қирқ сўмдан (Шерқўзи ортиқча сўрамайди — инсофи бор) пулласа, ўз бошига ўсадиган, ош-нон тиламайдиган шу теракларнинг ўзи икки ярим-уч минг сўм бўлади. Бу ҳам бир давлат-да — пул топиш осонми, йўлини билиш керак.

Бироқ Шерқўзи пулга муҳтож эмас. Уч говмиш сигири (биттаси яқинда туғиб беради), икки зотли бузоғи, бир новвоси бор; буқаси — боқувда, бурундиғини силкитганча пишқириб ётибди. Беш-олтита қўйи дашт да — чўпонда. Ҳар йили бирон-таси ё йўқолади, ё ҳаром ўлади, аммо Шерқўзи бағри кенг одам — куйиниб ўтирмайди, «Садақа-да, келган бало шунга урсин», деб қўя қолади. Негаки, у пулнинг изидан қувган эмас, аксинча, пулнинг ўзи уни қувлаб юради. Тўғри, Шерқўзи тинмайди, эртаю кеч меҳнат қилади, кўпинча мол алмаштириб сотади. Ҳар биридан икки юз-уч юз ёнига қолади, лекин ҳеч ким буни айб санамайди — бозор-да.



Бултур бир куни кечаси ўғли ухлагандан сўнг Шерқўзи хотинига аччиқ чой дамлатиб, ўзича хомчўт қилиб кўрса — жамғармэси битта енгил машинага бемалол етиб, ҳатто ортиб ҳам қоларкан. Кейин ўйлаб қараса, Яламанинг энг пеш одамларида машина бор. Шерқўзининг улардан ҳеч бир кам жойи йўқ. У эртаси куни яқин-яқин оғайниларидан шунчаки номига икки минг сўм қарз кўтарди: қишлоқда ҳар хил одам бор, «Ўзи сувчи, топгани мунча, шунча пулни қаёқдан олди?», деб устингдан ёзишдан ҳам тоймайди. У пулни костюмининг астарига тикди-да, тўғри марказга — райижроком раисининг қабулига жўнади. Гапни қисқа қилди: «Бизни, мана, яқин ўн йилдан бери яхши биласиз. Пахтани кечалари қулоқ бошида қолиб суғориш ташаббусига қўшилганимиз учун раҳматномани ўз қўлингиз билан топширгансиз, илғор сувчи дегансиз. Аммо шу пайтгача уним кам, буним кам, деб сизни безовта қилганим йўқ. Энди бир илтимос бор. Тўғрисини айтганда, сиз учун — оғзингизнинг бир четидан чиқадиган гап, биз учун эса... ўзингиз биласиз». Райижроком раиси: «Нима илтимос экан? Агар қўлимиздан келса, сиздек илғор сувчидан ёрдамимизни аяймизми?», деб қўйгач, Шерқўзи темирни қизиғида босди: лўнда қилиб, шу киши шу лавозимга кўтарилгандан бери район хўжалиги гуриллаб ривож топганини, ҳали худо хоҳласа, бундан ҳам зўр бўлажагини, одамларнинг фаровончилиги ошиб, кўпчилик машина олганини ва шулар қаторида ғариб Шерқўзига ҳам битта «аравача» кераклигини (агар иложи топилса, албатта; йўқса: нима, машинасиз одамнинг куни ўтмаяптими!) баён этди; «Кел-э, шу камбағалнинг ҳам елкасига бир офтоб тегсин, дейсизда энди», деди охирида. Хуллас, марказга ими-жимида, ҳеч кимга билдирмай жўнаган Шерқўзи қайтишда ҳаммага кўз-кўз қилиб, говмиш сигирининг қаймоғидек товланиб турган «Жигули»ни ҳайдаб келди. Қурғур, ўзи ҳам кийикдек бўлар экан, сал тизгинни бўшатсанг — учади-я, учади! Айниқса, Шерқўзининг бунга қадар кераклн қоғозларигача тўғрилаб қўйиб, машина ҳайдашни ҳам ўрганиб олганини айтмайсизми!

Яламаликлар: «Шерқўзининг ҳозир беш-олти минг пули бор», деб гап қилишади, балки ростдир. Лекин бунинг учун ҳеч ким Шерқўзини айбламайди: ишлаб топади — ҳалоли бўлсин! Ҳа энди, ҳамма жойдагидек, Яламада ҳам бир-икки оғзига кучи етмаган топилади. Бултурдан бери мактабда рус тилида дарс бераётган малла, сепкилдор Сарвар (у ўқишдан дипломга қўшиб «Саврасик» деган лақаб ҳам олиб қайтган) Шерқўзини «мешчан», дебди. Шерқўзи буни эшитиб кулиб қўя қолди. Ўзи тенги бўлганда-ку, онасини кўзига кўрсатар эди-я! Қўлидан бир иш келиши даргумон, чўнтагида ҳемири йўқ бу мирқуруқ ёшлар ўзлари етишолмаган нарса борки, ёмонлашади. Кейин Шерқўзи ҳеч ҳам мечкай эмас, овқатни танига қараб, танлаб ейди. Бу болалар оғзидан чиққан гапнинг маънисини билмайди-ю, яна бировларни наҳ уришига ўласанми! Аввал Шерқўзидек бўл, қора меҳнатнинг мазасини татиб кўр, ҳа, унда гапирсанг ярашади. Тўй-маъракангга бош қош, қувончингга шерик, дардингга дардкаш бўлса, бошингга ташвиш тушганда, «Жон ака, ёрдам беринг», деб олдига югуриб келсанг-у, яна ўзи еб, бировни қуруқ қўйгандек, тўртта ғилдирак олганига Шерқўзи пуф сассиққа чиқса!

Шерқўзи чорпоядаги икки қават кўрпачада ёнбошлаганча, қўлидаги шингил райҳон билан елпиниб, гоҳ хушнуд, гоҳ дилгир кайфиятда (одам ҳеч нарсани ўйламаса шунақа бўлади) «Бизни ташлаб қайга кетди ул қаро кўзим мани», дея минғирлаб хиргойи қилиб ётган эди, қай гўрдан олашақшақ пайдо бўлиб, нақ тепасида шақиллаб қолди. Шерқўзи чўчиб тушди, қўлидаги райҳонни дастурхонга ташлаб юборди.

— Кишт-э, нафасинг ўчсин! Ҳой Каромат, ҳайда буни, ҳозир чакки халтангни тешиб кетади.

Кечки овқат ташвишида ғимирсиб юрган Каромат ошхонадан чиққунча олашақшақ бир нарсани уқтирмоқчи бўлгандек аввалгидан қаттиқроқ, жон-жаҳди билан шақиллади-да, учиб кетди, қўшнининг тепа шохи қуриб қолган толига қўнди.

— Ўҳ-ў,— деди Шерқўзи негадир хавотирга тушиб.— Яна аччиқ ҳам қиладилар! Сенга чакки халтани қўш-қўллаб тутқазиш керак экан-да?

«Шу қушнинг моякни оғзидан туғиши ростмикан?— деб ўйлади у, хаёлига келган нохуш гапларни қувишга уриниб.— Тавба, ҳамма парранда тухумни бир томони билан туғса, бу тентак тескарисини қилади-я! Сабил жуда бехосият қуш-да, айтгани доим тўғри келади».

Каромат уйдан яна иккита ёстиқ кўтариб чиқди.

— Мана, бор-ку?— деди Шерқўзи ажабланиб.— Ё ўзинг ҳам ёнбошламоқчимисан?

Каромат ҳу ўша келинчаклик пайтларидагидек ички бир ҳаяжон билан, юзлари ёришиб табассум қилди:

— Сизнинг соянгизда ёнбошласам арзимабдими?

Шерқўзининг ҳайрати ошди: «Бугун жуда нозу фироқлар ўзгача — бирон гапи бор-ов. Бекорга ишва қилмайди бу.»

— Ҳм... ёнбошла,— деди у бошқа гап тополмай.

Каромат ёстиқларни эрининг ёнбошига қўйиб, чойнакка қўл чўзди:

— Чойингиз совиб қолибди, янгилаб келайми?

— Кераги йўқ.

Каромат эрининг ёнига чиқди, индамай унинг оёқларига суяниб ўтирди. Шерқўзининг кўнгли ғалати бўлиб кетди.

— Э-э, суйкалмай ўтир. Чарчаб келганман.

Каромат эрининг совиб қолган чойини ичди-да:

— Бугун ўхшатиб қуйруқ ёғига палов қилиб бераман,— деди, кейин эрининг кийимларига қараб, қўшиб қўйди:— Алмаштириб олмайсизми, устингиздагини ювиб берардим.

Шерқўзи томоқ қирди-да, чордана қуриб ўтирди.

— Менга қара, бирон бундайроқ кийимлик-пийимлик олдингми? Олган бўлсанг, кўп айланиб-ўргилавермай айт-да-қўй!

Каромат маъсум илжайди-ю, индамади, дастурхонга тикилиб ўтираверди. Шерқўзининг сабри чидамади:

— Гапирсанг-чи!

Каромат яна индамади.

Шерқўзи қараса, хотини ҳали-вери

оғиз очмоқчи эмас, шунинг учун жўрттага эснаб, ёлғонлади:

— Айтгандай, Ҳаким бечора: «Хотинимни касалхонага оборib ташласангиз», деган эди-я. Сал бўлмаса, эсимдан чиқай депти. Тур, бошқа кўйлак олиб чиқ, бунингнинг ёқаси тўзиб кетибди.

Каромат унга ташвиш билан қараб қўйди-ю, лекин ҳадеганда қўзғалавермади. Шерқўзи баттар қистовга олди:

— Тур, мунча имиллайсан?

Каромат бошини кўтарди, хотин бўлиб эрига биринчи марта тик боқиб гапирди:

— Султонингиз, уйланаман, деяпти!

Шерқўзи дуруст англамади:

— Нима?

— Хотин олиб берасиз, деяпти.

Шерқўзининг кўзлари чақчайиб кетди:

— Қанақа хотин?!

Кароматнинг бояги табассумлари, бу гапни айтишдан олдин ўйлаб қўйган режалари — ҳаммаси бир зумда учди-кетди. Эрининг кўнглидаги гаплар ҳошиясига майдалаб ёзиб қўйилгандек дастурхонга термилиб, қўрқа-писа минғирлади:

— Бир-бирига кўнгил берган экан.

— Кимга? Анави Карим чаккининг жинқарчасигами?

— Йўқ, бошқа. Аширқул аканинг қизи.

Шерқўзи тутақди:

— Эй, менга қара, эсинг жойидами ўзи? Оғзингдан чиққан гапни билиб гапиряпсанми?

Каромат эрига аламли қаради:

— Билганим учун гапиряпман. Ҳали жуда аҳмоқ бўлиб қолганим йўқ... Чўлга кетаман, деяпти...

Шерқўзининг бир қоши кўтарилди: «Эҳ-э, гап жиддийга ўхшайди. Бу касофат олашақшақ бекорга шақилламаган».

— Эй, менга қара, галдирама. Дам, хотин олмоқчи, дам, чўлга кетмоқчи, дейсан. Нима, уйланиб, чўлга хотини билан кетмоқчими?

— Сизга бир гапни уқтиргунча ўлиб бўлади одам. «Агар Манзурани олиб бермасанглар, бошимни олиб чўлга кетаман», деяпти.— Кароматнинг кўзларига жиқ-жиқ ёш тўлди. Шерқўзи эса негадир ўз-ўзидан бир оз енгил тортди: «Кетиб бўпти! Кетса ҳам икки кунда мулла бўлиб қайтади. Лекин манови ақли калтани қандай тинчитиш керак?»

— Ҳм, бошини олиб кетади, де. Бу ерда ишламаган бош у ёқда иш берар экан-да, а? Сенга ташлаб кетса бўлмасмикан — ақлингга ақл қўшилармиди! Иккита бош билан тузукроқ ўйлармидинг...

Кароматнинг киприклари пир-пир учди:

— Сизга шунақа майна қилиш бўлса! Телевизордаги Эргашдан каминг йўқ.

Шерқўзининг қоши жойига тушди, бироқ шу он яна қайта, бу гал атай кўтарилди.

— Тинчгина ўтирган эдим-а! Қай гўрдан шу гапни топдинг? Ўғлингда калла бўлмаса сенда бордир? Сен эсингни еб қўймагандирсан?— Шерқўзи қўллари титраб чой қуйди, бир кўтаришда ичиб юборди.— Э, тавба! Ўқишдан-ку биринчи имтиҳондаёқ оёғи осмондан бўлиб қайтди. Энди бу нағмани ўйлаб топдими? Ноябрда лип этиб армияга олиб кетса... Э, ҳали хотиннинг маънисини қайдан билади бу!

— Биттаю битта ўғлингиз...— деди Каромат иягини тиззасига қадаганча.

Шерқўзи бўғилди:

— Йўқ, у менинг ўғлим эмас, мўлтонининг тўрвасидан тушиб қолган, бегона! Бу мол-давлатни нариги дунёга орқалаб кетаман, деб, ўзим учун тўпладимми! Ўпкам оғзимга тиқилиб эртадан қора кечгача ким учун чопаман? Биттаю битта фарзандим, шуни одам сонига қўшай, деб юрибман-ку, ахир!

— Шундай-ку-я,— деди Каромат кўзларини енги билан артиб.

Шерқўзи бирдан ҳовуридан тушди:

— Каром, менга қара, эсингни йиғ. Мунда-ай танангга ўйлаб кўр. Ҳали мурти чиқмаган болага хотин олиб бериб, маломатга қолмайлик. Оёқ тираб туриб олса, насиҳат қил, авра. Бугун кўнгил қўйса, эртага эсидан чиқади. Жуда кўкрагини захга бериб ётиб қолмас. Отам хотинни қўйнимга солиб қўйса, ҳар куни биттадан муччи олардим, деган калтаўй бола-да. Ё бирон шумлик қилиб қўйганми ўғлинг?

Каромат қўрқиб кетди:

— Йўғ-э, худо сақласин! Фақат хат олиб, хат беришармиш.

— Унда, ҳовлиқма. Болангнинг сал суяги қотсин, бирон ишнинг бошини тутсин, кейин бир гап бўлар.

— «Отамга айтинг», деб ҳол-жонимга қўймаяпти-да, нима қилай?

Шерқўзи бир зум ўйланиб турди-да, деди:

— Ҳа, гаранг қилаверса, «Отанг розига ўхшайди», деб қўявер.

Кароматнинг юзи ёришди:

— Ростданми?

Шерқўзининг энди жаҳли чиқди:

— Э-ҳа, гап бу ёқда экан-ку! Ўғилдан олдин ўзлари чоповул чопган кўринадилар? Фаросат улашганда қаёқда эдилар? Қайнана бўлгилари келиб қолдими? А, бу Аширқулнинг хотини бузуқ, эркакларни йўлдан урадиган эди-ку? Уни кўрарга кўзлари йўқ эди. Энди у билан қудаанда бўлмоқчимилар?

Бу гап Кароматга ёмон ботди.

— Мусалламни ёмон кўрсам...— дея тутилиб қолди у.— Унга ҳам ўзингиз айбдорсиз. Бечорани ўзингиз... йўлдан оздиргансиз. Шуни оламан, деб...

— Ҳа-а, ана шунақа бўлади,— деб Шерқўзи хотинининг гапини шартта кесди.— Бир вақтлар пуф сассиқ эдик, калтабақай, яна нима балолар эдик. Биз билан роса бир йил юриб, тегишга келганда, «Бўйи бир қарич бўлмай ўлсин, шу читтакка тегаманми! Тагига тўртта ғишт қўйса ҳам менга етмайди», деб бурунларини жийирган эдилар,— Шерқўзи қўлларини белига қўйиб, овозини чийиллатиб, бошини сарак-сарак қилганча хотинини ижикилади.— Айтаверайми? Мусаллам менга битай деганда, ҳар куни йўлимни пойлаб, бунинг ҳам иложи бўлмагач, «Агар мени ташлаб, Мусалламни олса, устимга керосин сепиб ўт қўяман», деб опасини югуртирган ҳам ўзлари. Шундайми? Яна айтайми? «Куёвимга кўз қисдинг», деб шўрлик бева Шарофатни юлганингизни ҳам гапирайми? «Мусалламни иссиқ-совуқ қилиб беринг», деб Чизмакаш ойимга ялинганингиздан ҳам мандат берайми? Йўқ, денг! Ҳа, нега индамайдилар?

Каромат бошлаган гапининг ўз зарарига бундай чаппа айланиб кетишини кутмаган эди, шошиб қолди, чор-ночор илжайганча, қизариб-бўзариб ён берди:

— Ўлинг, сиз, ўшанда ҳам кичкинагина бўлиб, бир йўла беш-олтитамиз билан юрар эдингиз. Билмасмидим, ҳали ҳам мен...

Бу гап Шерқўзига анча ёқиб тушди, шундай бўлса-да, ўдағайлаб қўйди:

— Ким кичкина?— Кейин ростдан ҳам худо ўзини бўйдан «жиндай» қисгани эсига тушиб, хотинини гап билан секингина чимдиб олди:— Шунча гапдан кейин яна кичкина ҳам қиладилар!

Каромат шўрлик қора булутлар ёғмай, бошидан шув ўтиб кетганига ишонч ҳосил қилиб енгил тин олди, ўзини уялганга солиб эрига ер остидан сузилиб боқди. Шерқўзи ҳам лабини йиғиштиролмай, кулиб юбормаслик учун чойдан ҳўплади, «Ҳе, ноз қилмай ўл-э», деб ичида хотинини сўкди.

— Ҳа энди, худо бировни узун, бировни қисқа, бировни катта, бировни кичик қилиб яратади-да. Анави теракларни қара, экканимда ҳаммаси бирдай эди. Суви бир хил, ери бир хил, лекин иккита бараварини топиб бер, қани? Ҳамма бир текис бўлса, дунёнинг қизиғи қолмайди. Мана, сенинг бўйинг кетган... Бизникиси шу, сал... Лекин олмага етмасак ҳам, шафтолини узамиз, ҳа! Яратганнинг қудратини қара — икковимизни қўшиб қўйибди. Ё норозимисан? Норози бўлсанг, айт. Мана, Суннат саланғни қара — бўйи том баравар. Ақли-чи? Элликка кирди, ҳали ҳам валасапид минади. Э-э, кампир, дунёнинг ишлари шунақа...

Шерқўзи шу тариқа бир муддат ваъз ўқиди, бутунлай тор-мор бўлган «кампири» ҳам ора-сира ҳангамага мой қуйиб, эрининг оёқларини уқалаб ўтирди.

Эр-хотин ораларидан ҳеч гап ўтмагандек, яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишди-ю, бироқ Шерқўзининг ҳаловати йўқолди. Қолаверса, хотинининг гап маъқуллаб, оёқларини уқалаб ўтиришида ҳам маъни кўп. Муштипар аёл-да, ҳам эрнинг, ҳам фарзандининг кўнглини олмоқчи. Бу савдонинг ўрта бир йўлини топиш керак — сих ҳам куймасин, кабоб ҳам. Лекин эркатой ўғилни аҳдидан қайтариб бўлармикан?

Кечқурун укаси галстукларини ярақлатиб, осмондан тушдими, ердан чиқдими, бир-бир босиб эшикдан кириб келганда Шерқўзи бир кўза тилла топгандек суюниб кетди: Султон ҳеч кимнинг гапини олмаса ҳам, амакисиникини олади.

— Кел-э! Қайларда юрибсан? Одамни соғинтириб юбординг-ку! Ука деган ҳам шундай бўладими? Уч ойдан бери на хат, на хабар! Мундоқ акам бор эди ҳам демайсан. Ишларинг қалай? Рангинг олиниб қолибди. Чарчадингми? Имтиҳонларингдан қутулдингми? Қачон битирасан бу ишингни? Ҳеч ёқлай деяпсанми? Ёқла-е тезроқ. Бизнинг кўраккка ҳам шамол тегсин! Укамиз олим бўлди, деб кариллаб юрайлик. Энди уйлансанг ҳам эрта эмас, Мусоқулбой. Турғун сен билан ўқиганмиди? Яқинда яна ўғилли бўлди. Ўзи магазинчи, тўрт ўғилнинг отаси, бурнига хода етмайди. Бу ёқда, мана, Султон уканг ҳам, уйланаман, акам йўлимни очсин, деб турибди. Келин ҳам тайёр эмиш, ҳа. Тоза ошиқ-маъшуқ. Қўй-э шу ишингни, қийналиб кетдинг. Ё домлангнинг қиз-пизига кўз тикиб юрибсанми? Майли, сенники тўғри. Катта одамлар билан қариндош бўлган яхши. Мана, биз ўқимадик. Лекин янганг билан қозонтовоқ, уй-рўзғор институтини гуллатиб ётибмиз. Энди қайната-қайнаналикка имтиҳон топширарканмиз...

«Масковдаги беш йиллигидан ҳам катта ўқишда домуллоликка ўқиётган Мусоқулбой» акасининг пишиб ўтиб



кетган шафтолидек тап-туп тўкилаётган саволларига сиполик билан, хушламайгина ҳа-ҳу деб ўтирди. «Машқи паст — пул сўраб келган-ов», деб қўйди Шерқўзи ўзича.

Ака-ука қуйруқ ёғига қилинган хушхўр паловни тушириб, сўнгра хўжабилмас қовунни ҳузур қилиб ейишди, устидан аччиқ кўк чойни босиб-босиб ичишди. Шерқўзи «Ҳа, кўрсатган кунингга, етказган мартабангга шукур!», деб ёнбошлади, нос отди. Мусо ҳам чўнтагидан тилла қоғозли қутичани чиқариб, сигарета тутатди.

— Мусоқулбой, бошга бир ташвиш тушиб турибди, ука,— деб гап бошлади Шерқўзи носини тупуриб, оғзини чой билан чайиб олгач.— Шу уканг, жиян бўлса ҳам уканг-да энди... Кампир, ўғлинг қаёққа даф бўлди?

— Мансур жўрасининг туғилган куни экан. Ўзингиздан сўраб кетдику,— деди Каромат.

— Ҳаҳ, тирмизаклар-эй! Туғилиб нима каромат кўрсатибдиларки, уни нишонлашса! — деди Шерқўзи. — Майли, бориб кела қолсин. Ишқилиб ичкиликка ўрганиб кетмаса бўлди... Мусоқулбой, шу уканг еган-ичганимни бурнимдан булоқ қилиб оқизмоқчига ўхшайди-да.

Мусоқул акасига ҳайрон қараб қўйди.

— Кампир, бор, сен у-бу ишларингга қара. Қозон-товоғингни ювасанми ё ҳамсояларникига ўтиб гап сотасанми, ишқилиб бизни холи қўй, гапимиз бор,— деди Шерқўзи.

Афтидан, Каромат уларни ҳеч ҳоли қолдиргиси йўқ эди, шекилли, синини бузмай:

— Ўтирибман-да,— деди.

Шерқўзи шу чоққача сира гапини икки қилмаган хотинига ўқрайиб қаради, аммо ҳеч нарса демай укасига ўгирилди:

— Тоза чарчадим, ука. Бир ўзим бўлсам, ҳали у деб югур, ҳали бу деб. Бир ёқда колхознинг иши, бир ёқда рўзғор ташвиши. Аҳволимни кўриб турибсан — битта хотинга гапим ўтмайди. Али десанг, бали деб туради. Она-бола тоза бошимга чиқиб олган. Мана, бир ойки, ҳар куни ғалва: Султонбойга хотин олиб бериш керак эмиш! Оқшомлари ухламай, кўкрагини захга бериб ётади. Бир-бирларига кўнгил қўйибдилар! Шу, Аширқулда бир қиз бор — худонинг балоси. Агар шуни олиб бермасам, она-бола мени ташлаб, чўлга қочиб кетар эмиш, чўлга!

Каромат анграйиб қолди, «Ёлғон гапиргунча ёрилиб ўлганингиз яхши-е», дегандек ёқасини ушлади. Мусо акасининг гапларига чиппа-чин ишониб, янгасига қаради: «Шунақами?» Каромат нимадир демоқчи эди, Шерқўзи имкон бермади:

— Ўтир-э! Мен гапиряпман. Эрманми сенга? Ана шунақа, ука, бир оғиз гапириш учун булардан рухсат сўраш керак. Айт, деса — айтаман, йўқса, тилимни тишлаб ўтираверaман.

Мусо жуда ташвишланди:

— Масала шу қадар жиддийми?

— Нима, қулоғингга танбур чертаяпманми? Жиддий бўлмаса, шунча куйиб-пишаманми?

Мусо галстугини бўшатди, яна битта сигарета тутатди, ростдан ҳам акасининг бошига жуда катта фалокат тушгану бунда фақат ўзи халоскор бўлиши мумкиндек, ўйчан қиёфада сўз бошлади:

— Унда масалага бунақа тарзда бирёқлама ёндашиб бўлмайди. Тўғри, Султон сал ёшроқ, албатта. Лекин кечалари ухламай... Умуман, бу қадар қаттиқ севиб қолган бўлса, кўнглини синдирмаслик керак. Кейин унинг шаклланишига ёмон таъсир этиши мумкин. Масала жуда жиддий. Чуқурроқ ўйлаш керак.

Шерқўзининг энсаси қотди:

— Масала-пасалангни қўйиб тур, ука. Ундан кўра, Султонга ўзинг икки оғиз насиҳат қилсанг-чи. Сени «ака-ака»лаб, соянгга саккиз қават кўрпача тўшаб юради — гапингни икки қилмас.

Мусо «жиддий масала»ни ҳал этишнинг бундай осон йўли борлигига ҳайрон бўлди:

— Мен-ку насиҳат қиларман, бироқ у... Севги деган нарса...

— Хўш?— деди Шерқўзи укасининг чайналишига ғаши келиб.

— Болага жавр бўладими, дейман...

— Мен ҳам шуни айтаман-да,— деб гапга қўшилди Каромат қайнисининг далдасидан умиди учқунлаб.

— Унда нима қил дейсан?— деди Шерқўзи.

Мусо яна дудмал гапирди:

— Ҳар ҳолда, кўнгил масаласи...

— Уйлантириб қўяйми? — деди Шерқўзи қизишиб.— Нонни нанна деб юрган болани-я?

Мусо кифтини учирди:

— Билмасам.

Шерқўзи давом этди:

— Уйлантириб қўйсам-да, ҳафта ўтмай: «Ота, буниси ёқмади, оёғи ингичка экан, бошқасини олиб берасиз», деса ё: «Кулиши бизга тўғри келмади, яхши куладиганини топдим», деб қолса, унда нима қиламан? Менинг қиз фабрикам йўққи, бу она-боланинг кўнглига тўғри келадиган, андазасига тушадиганидан чиқариб бераверсам!

Мусонинг бирдан ўжарлиги тутди:

— Демайди! Мен кафилман — демайди. Муҳаббат — сизга ўйинчоқ эмас. Бу... Ўзингизнинг ўғлингиз бўлса ҳам, туйғуларини оёқости қилишга ҳаққингиз йўқ!

«Ие, бу бало қайдан чиқди?», деб қўйди Шерқўзи кўнглида.

— Эй, менга қара, калланг жойидами ўзи?— деди у ич-ичидан хуруж қилиб келаётган жаҳлни босишга тиришиб.

Бу гап Мусога аччиқ қамчи бўлиб тегди ва у шу пайтгача қамчи кўрмаган асов арғумоқдек кўтарилиб кетди:

— Каллам жойида, жуда жойида! Қани...

— Каллангиз жойида бўлса, ўзингиз уйлантириб қўя қолинг!— деб Шерқўзи бирдан сизлашга ўтди.

Мусога акасининг киноясини жуда оғир ботди, шунча вақт унинг гапларидан ранги чиқмай юрган одам, бирдан исён қилди:

— Бўпти! Ўзим уйлантириб қўяман! Нима, қўлидан келмайди, деб ўйлаяпсизми? Келади! Тўй-пўй деб ўтирмай иккаласини ҳам Москвага олиб кетаман, ўқитаман. Стипендиямни шуларга бериб, ўзим вокзалда юк туширсам ҳам, кунимни кўраман.

Шерқўзининг заҳраси учди: «Э, бу қип-қизил тентак экан-ку!» Лекин, бари бир, тилининг қичиғини босолмади:

— Ҳм... майли, уйлантиринг. Сизга ҳам фарз — укангиз. Мен ўлибнетиб қолсам, албатта унинг бошини силашингизга тўғри келади. Лекин ҳозир қайси пулчаларига уйлантирадилар? Муллажирингни қайдан топадилар, муллажирингни?

— Топаман!— деб тўрсайди Мусо.

— Олдин ўзларига хотин топсинлар! Олти йилдан бери ки, одамларнинг ичидаги гапларни топиш тўғрисида китоб — дастуриламал ёзяптилар... (Диссертациясининг мавзуини Мусо ҳар келганида акасига деққонча қилиб қайта-қайта тушунтириб қўйган эди.) Бирон-бир қизнинг ҳам кўнглини текширсалар бўлармиди, зора, ўзларига майл билдирган чиқар...

Мусо қандай гувлаб кўтарилган бўлса, шундай шувиллаб тушди:

— Менинг уйланишим билан ишингиз бўлмасин! Уйланарман ҳам. Оғирлиги сизга тушмайди.— У лаблари титраб, акасига ёвқараш қилди. Шерқўзи ҳаддидан ошганини сезди, бундан ўзи эзилди.— Ака бўлатуриб сиздан шу гап чиқдими... бўпти! Бопладингиз! Энди ўғил уйлантирасизми ё ўзингизга яна битта чўри оласизми, аралашмайман. Бундан кейин...— Мусо гапини охиригача айтмай қўл силтади-да, сапчиб жойидан турди.

— Илоё, ўғил туғмай мен ўлай!— дея Каромат ҳўнгиллаганча йиғлаб юборди.

Шерқўзи индамай ерга қараб қолди; укаси эшикни қарс уриб чиқиб кетгач эса, жуда-жуда хўрлиги келди: шу китобхўр, савдойи укам ҳам одам бўлсин, пешанасига офтоб тегсин, деб топган-тутганини аямайди; жўнаганида доим машинасига ўтқазиб, шаҳардаги вокзалгача чиқариб қўяди; шу йил кўкламда кийимларининг унниқиб қолганини кўриб, бегона юртда — дўсту душманнинг ичида кўнгли чўкмасин, деб, жигари-да, юз эллик сўмга (шунча пулни қайси мард еб кетарга беради!) устидаги костюмни олиб берди; мана, оқибати — итдай қилиб кетди! Хотинини чўрига тенг қилди. Бир оғиз гапига!

— Ўчир унингни!— деб ўшқирди у ҳамон ўксиб-ўксиб йиғлаётган хотинига.— Ўчир, деяпман!

Каромат унини ўчириб, пиқиллашга ўтди. Шерқўзи укасининг ҳамон ўчмай, ликопчада тутаб ётган сигаретасига термилиб, ўзини бу олам даги энг бахтиқаро одамдек ҳис этди, чуқур хўрсинди:

— Сўровдингми, бу боди неча кунга келган экан?

Каромат елкасини қисди.

— Қанақа меров хотинсан? Сўраб олмайсанми, ахир?— дея Шерқўзи дўпписини қийшайтириб, гарданини қашлади.— Бугун буқага ем бердингларми?

Каромат бош ирғаб, «Ҳи-ий» деган товуш чиқарди, бу «Ҳа», дегани эди.

Шу тунни Шерқўзи қуш уйқусида ўтказди. Ўғлининг ярим кечаси гандираклаб келганини, ётгандан сўнг ҳам кўнгли айниб, уч марта ташқарига отилиб чиққанини кўрса ҳам, индамади. Ўйлаган ўйларининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиб, эрталаб дили равшан тортиб турди. Икки чақиримча наридаги участкадан хабар олди. Кеча таралган сув ҳали этакка етмабди. Текис ер-да, сув юриши қийин, лекин ғўзалар қониб ичади. Шерқўзи у ер-бу ердаги ювилаёзган қулоқларга чим босиб тўғрилади-да, уйга қайтди. Келса, кўзлари қизариб, ранги олиниб қолган Султон қатиқни қошиқ билан кавлаб ўтирган экан, отасини кўриб бошини ҳам қилди; кеча ичгани учун ундан аччиқ-тизиқ дашном кутди. Аммо Шерқўзи буни ўғлининг юзига солмади — у бошқа фикрлар билан банд эди.

— Бўлдингми?— деди у.— Қани, болтани ол.

Ота-бола ҳовлига чиқишди. Шерқўзи қайси терақларни йиқитиш кераклигини бир бошдан кўрсатиб турди. Султон эса болта билан кафтдек пўстлоғини учириб, белги қилиб бораверди.

— Йигирмата,— деди Шерқўзи.— Етади. Йиқитиб, бутайсан-да, пўстлоғини шиласан. Кўзингга қара, электр симига ёнбошлатиб қўйма тағин. Дарахт болта урган тарафга қулайди, эсингдан чиқмасин. Айлантириб ғажиб ташлама, бир томонидан чоп. Бунга икки кун кетади. Кейин мана бу эски оғилни бузиб, ўрнини текислайсан. Бирон та шопир билан тоғдан беш-олти мошин тош ташийсан. Бирон тўнна семон, уч мингта пишиқ ғишт топасан, пойдеворга. Йигирма беш мингта ғишт қуясан. Оғилнинг ўрнига, кейин ташиб қийналмайсан-да. Теришига, майли, ўзим қарашаман, аммо бошқа ҳамма ишни ўзинг қиласан, ўргатаман. Уч уй, биттаси мана бунақасига тушади, бу ёғи айвон. Иморатни қулинг ўргилсин қилиб битарасан, ана ундан кейин — тўй. Келинни янги уйга туширмасак уят бўлади — ҳамма шундай қиляпти. Сенинг бошқалардан кам жойинг йўқ. Унинг қара, шу чолдеворга келин солиб бўладими?— У пойдевори ердан бир қулоч кўтарилган, деразалари уч тавақали, томи шифер билан қопланган, оқланган беш хонали иморатга ишора қилди.— Сенга янги уй керак. Биз чолу кампирга шу вайрона ҳам бўлаверади. Сўнг... пул топишнинг ҳам йўлини ўйла. Тескайгача сени боқаман? Энди бизни боқадиган вақтинг ҳам келди... Майли, сени кўчага ташлаб қўймайман — минг сўм бераман. Иморат учун. Ана, бор-э, новвосни ҳам тўйингга етадим. Бозордан биронта мол олиб бераман. Боқиб семиртирсанг — фойдаси сенiки, зарар қилсанг — тўлайсан. Лекин қолганини ўзинг топасан. Тўйга ҳам беш-олти минг керак. Нима қиласан? Ишлайсан-да. Бригадирдан сўраб кўрай-чи, аравани берармикан. Кейин, пахта тугагач, Пиримнинг қаватига кириб тракторчиликни ҳам ўргансанг... Ҳозир тракторчи ҳар ойда икки юздан ошириб туширади. Ола хуржунни елкалаш осон эмас. Жамики нарса пулга боғлиқ бўлиб қолди. Ҳозир қизлар то тўйгача, то шип этиб оёқ-қўлингни боғлагунча илжайиб: «Султон акажон, сизсиз дунё менга қоронғи», деб юради, кейин хат олиб, хат беришлар қаёқда? Пул олиб, пул беришади! Илгариги ваъдалар йўқ, кўз сузишлар, қош қоқишлар йўқ, нуқул: «Пул, пул!», дейди.

Султоннинг қўлидан болта тушиб кетай дерди.

— Бунақада... уч йилда ҳам...— дея олди у.

— Ҳа? Уйланиш — олма пиш, оғзимга туш эмас. Агар бу ишларни эртароқ битираман, пулни бир ойда топаман, десанг ҳам — ихтиёринг. Мен чўзиб ўтирмайман. Ёки, шунча вақт мени кутиб ўтирмайди, деб қўрқяпсанми? Кутади, яхши кўрса — кутади. Сен янги уйга тушириб оламан, десанг, обрўйи-да, қайтанга боши осмонга етади. Ё яхши кўрмайдими?

Султон ерга қараганча қизариниб ғўлдиради:

— М-м, нега энди...

— Бўпти-да,— деди Шерқўзи.

Бироқ Султоннинг саволи бор эди:

— А, «Келаси йил яна ўқишга борасан», деган эдингиз-ку?

Шерқўзи бунақа анқов болани энди кўраётгандек, кўзларини каттакатта очди, жуда «ҳайратланганини» билдириб:

— Ана холос!— деди.— Қанақа ўқиш? Эсингни еб қўйдингми, ўғлим? Бўйнингга ола хуржун тушяпти-ю, сен ўқиш дейсан. Хотинингни ким боқади? Сенга ким ҳар ойда етмиш-саксон сўм жўнатиб туради? Буларни ўйлайсанми?

Султон бўзариб кетди.

— Ҳе, содда болам! Хотин деб уч-тўрт йил ўлиб-тирилиб пул йиғасан, туширib ҳам оласан. Тўйдан кейин уч-тўрт ҳафта, чилланг чиққунча яшинмачоқ ўйнаб, қувлашиб ҳам юрасан. Кейин... бошланади — рўзғорнинг униси кам, буниси кам. Бир вақт қарабсанки, севги дегани донга қўнган чумчуқдек пир-р этиб учиб кетибди, унинг ўрнига эса хотининг тўрт-бешта чурвақани қаторлаштириб туғиб ташлабди. Шундан кейин дод сол, бақир, қайда — ёшлик қайтмайди, яшинмачоқ ҳам йўқ. Болаларинг катта бўлади, қўлини ҳалоллаш керак, уйлантириш керак. Уларку ҳеч нарсанинг ташвишини тортмай униб-ўсаверади, аммо сенинг бўйнингда — бир умрлик бўйинтуруқ!

Шерқўзи ўғлига зимдан разм солди: Султоннинг ранги ўчиб, шалвираб қолган эди.

— Қанақа қилиб ўқийсан? Уларни қишлоқда қолдириб, ўзим кетаман, десанг, болаларинг: «Отажон, бизни ташлаб қайга борасиз», деб биғиллаб этагингга тармашади, хотин ёқангдан ушлайди, сен қайда бўлсанг, мен ҳам ўша ерда, сенсиз бир кун ҳам яшамайман, дейди. Яхши



Расмларни С. СУБҲОНОВ чизган

кўргандан кейин шунақа-да. Сени еру кўкка ишонмайди. Шаҳардан бирортасини топиб олади, деб қўрқади. Жўраларинг ўқийди, битириб келиб ёғлиқ-ёғлиқ жойларни эгаллайди. Яна ўқийман дегани Мусо амакингга ўхшаб Масков, Ленинград, Киев деган юртларга боради, дунё кезади. Сен эса биримни икки қилай, чирқиллаб ётган болаларимнинг оғзига бирон егулик тиқай, деб, хотиннинг этагидан чиқолмай, шаҳар нима, саёҳат нима, томоша нима — билмай, ўйин-кулгидан, дунёнинг гаштидан бебаҳра ўтиб кетасан. Доим шу қишлоғинг, вағ-вуғ йиғлаётган болаларинг, шу қора кетмон... Майли, нима қиласан энди, уйланаман, деб сўз бериб қўйгансан, устидан чиқ. Чидайсан-да энди,— дея Шерқўзи, гўё ўғли аллақачон уйлангану ҳозир отасига кун кечиришнинг оғирлигидан зорланаётгандек тасалли берарди.

Шерқўзи уйланишнинг «қора» манзарасини ўғлига аниқ-равшан чизиб берди, мисоллар билан тушунтирди, куйиниб уқтирди, унга жуда ачинди, бундай мушкул аҳволига ўзи мадад бўлолмаслиги учун таассуф билдирди: уйлангандан сўнг ҳар ким ҳам, агар у эркак бўлса, ўз аравасини ўзи тортиши керак. Ўзи эса, бошқа нарсаларни ўйлади: оғилни йиқитиб, ўрнини текислашга вақти йўқ эди — айни муддао; лекин теракларга жабр бўладиган бўлди-да. Ҳай майли, йиқитиб, арчиб, яхшилаб тахлаб қўйилса, биронтаси сўраб қолар. Ана, Соҳибназар ака бу йил иморатини бошламоқчи, болор излаб юрадими, келади-да. Бўлмаса, устига қора қоғоз ёпса, нам ўтмайди, қуриб ётади. Ўзи ҳам вақти келди — яна бир йил қирқилмаса, ўзаги чириб қолади.

— Ҳа, пешанангдагини кўрасанда, ўғлим. Қўлга туфлаб олиб, бисмилло, де, ишни бошла. Болтани теракнинг тубидан ур, тўнкаси ер баравар қолсин. Мен онанг билан маслаҳат қилай-чи, келинига кийим-кечак тўғрилаганмикан. Бу ҳам катта ғалва — қирқта қўйлак қўйиш керак. Ҳар бири юз сўмдан кам эмас. Тавба, яхши кўрганингдан кейин жандажунда ҳам бўлавермайдими? Йўқ, бу замоннинг қизларига камида пошшонинг маликаси киядиганидан топиш керак. Илгари одамлар бир қоп жўхори, уч газ читми, бўзми, шу билан хотин туширib олган. Э-э...

Султон ҳар бири қучоқни тўлдирадиган теракларнинг аввал тубига, сўнгра учига мунғайиб қаради, назарида, улар булутларга туташиб кетгандек эди. Шерқўзи эса ўғлининг уйланишига рухсат бериб, оталик бурчини ўтаган, аммо унинг бошига тушган фожиадан гангиб қолган одамдек елкасидан босиб турган юкни базўр кўтариб, оғир-оғир қадам ташлаганча жўнади, йўл-йўлакай кафтини тўлдирб нос отди.

— Сўраб келдим,— деди Каромат эрини кўрган заҳоти.— Бугун кечқурун кетар экан.

— Хафами?

— Ҳа, ҳийлагина,— дея Каромат эрининг оғзига термилди.

— Пулдан ўнта ўн сўмлик олиб чиқ. Яп-янги, шалдираб турганидан!— деб буюрди Шерқўзи.

Мусо акасини кўриб қовоғини уюб олди, кўришмади ҳам. Шерқўзи эса ўзини жуда ғариб тутди, укаси саломлашмаслигини билса ҳам қўлини чўзди.

— Отам қани?— деб сўради.

— Хатмга кетди,— деб тўнғиллади Мусо.

— Бийим-чи?

Мусо тескари ўгирилиб олди:

— Билмайман!

— Қаёққа кетди экан, а?— деди Шерқўзи кампир онасида жуда зарур иши бордек.

— Келин ахтариб кетган. Менга!— деди Мусо.

Шерқўзи йўталиб қўйди, томоқ қирди, «Эҳ-э, кеча тоза тегиб кетган кўринади. Пулингиз керак эмас, деб бойвеччалик ҳам қилса керак», деб ўйлади.

— Ҳа, ука, менинг ҳам куним битганга ўхшайди,— деди Шерқўзи дабдурустдан йиғламсираб. Атай бурнини ҳам тортиб қўйди.— Мазам йўқ, ука, мазам йўқ. Шу йил қишда ўпкани олдириб қўйганга ўхшайман.

Мусо акасига ишонқирамай қаради, индамади.

— Кўкламда ренгин келувди...— Шерқўзи гапининг давомини айтмай, худди ҳозир, айни дамда бу дунё билан хайрлашаётган одамдек «олис-олислар»га — шифтнинг бурчагидаги ўргимчак уясига чексиз қайғу билан термилди: «Тавба, минг хил жонзот бор-а, шу ҳам кун кўрса керак-да энди».

Мусо лаққа тушди:

— Хўш-хўш?

— Отамга айтолмай юрибман. Доғимни кўтара олмайди, деб қўрқаман. Илиниб турган бобой нарса, йиқитиб қўямanми, дейман-да, Мендан олдин қайга борасан, сендан олдин мен кетишим керак, деб... Эй худо, сенга нима ёзиғим бор эдики, отамдан илгари мени олсанг! Сен Масковда, муштипар сингилларим ўз рўзғори билан... Мен бунақа қия бўлиб кетсам, бобойнинг оғзига ким сув томизади? Ким ҳасса ушлаб, «Вой, отам»лаб туради? Ҳаммангнинг йўлингга термилиб, кўзи очиқ кетадиган бўлди-да отам бечора...— Шерқўзи буни аниқ тасаввур қилдию гапига ўзи ҳам ишониб, бирдан ўпкаси тўлди, кўзларидан тирқираб ёш келди. Мусоқулбойнинг ҳам ияклари қалтираб қолди.

— Ҳа, шўрлик отам! Етмишга чиққанида бу кўргиликлар ҳам кутиб турганмиди!— Шерқўзи кафти билан кўзларини артди.— Ука, бу гапни оғзингдан чиқаракўрма лекин. Зинҳор базинҳор! Айниқса, бобойга.

Энди Мусонинг кўзлари ёшланди:

— Нима, докторлар аниқ касалга чиқардими?

Шерқўзи чўчиб кетди-да, ёлғонини эндавалашга ўтди:

— Ҳали аниқ эмас-ку-я, лекин шу Хўжам ҳеч натижасини айтмайди-да. Кўрса, индамайди. Ўзим сўрашим — ноқулай.

— Сўраш керак-да, ахир. Негативини кўрсатсин. Қанақасиз, одам ҳам ўз соғлигига шунчалик бепарво бўладими?

— Э-э, сен ҳам қизиқ экансан,— деди Шерқўзи.— Агар сил касалсан, десе, одамлар мен билан битта пиёладан чой ичмай қўяди. Ошна-оғайнига, тўй-маъракага аралашолмай қоламан...

— Ну и ну!— дея тутаб кетди Мусо.— Тўй-маърака эмиш! Гапни қаранг! Бўпти, сўраманг, одамлар сизни тўйдан калтак билан қувлаб чиқаради. Лекин гап бундай: ҳозироқ, йўқ, бугун кечқурун мен билан жўнайсиз! Москвада сизни ўзим текширтираман. Сизни қишлоқ врачлари эмас, академик... профессорлар кўради.

— Қўй-э, ўзим бир бало қилиб тузалиб оларман,— деб қўл силтади Шерқўзи, «Ўттизга чиқса ҳам бунинг ҳовлиқмалиги қолмабди», дея ўйларкан.— Балки... ҳеч гап йўқдир. Ўзим ваҳима қилиб юрган бўлмайин тағин. Мени Масковга олиб борсанг-у, соппа-соғ чиқсам, сен акадим, прапесирларинг олдида қизариб... Лекин шу ҳар замонда «Ўҳ-ҳў-ў», деб йўталиб қўяман-да.

Мусо Москва касалхоналарининг бу ердагидан минг карра афзал эканини исботлаб, оёқ тираб туриб олди. Шерқўзи кўнмади, «Рўзғор, болачақамни ташлаб, Масковда тентирашим етмай турувди», деди. «Ана шу қолоқлигингиз билан ўз бошингизга етасиз!», деб хитоб қилди Мусо. Шерқўзи гапни айлантирди, чувалатди-чийратди, охири Мусо акасининг ҳеч қанақа касал-пасал эмаслигига қандай ишонганини билмай қолди. У боплаб чув тушганини сезиб, жаҳли чиқа бошлаган эди, Шерқўзи мавзуни мутлақо бошқа томонга — Мусонинг болалигига буриб юбориб, кулдирди: Мусо тўрт яшарлигида «Назирани оламан», деган эмиш. «Уни олиб нима қиласан?», деб Шерқўзи сўраса, Мусо ўйлаб туриб-туриб: «Ўпаман», деган эмиш.

Мусо бошини орқага ташлаб қаҳ-қаҳ отган пайтда Шерқўзи секингина унинг олдига пулни қўйди. Мусонинг қаҳқаҳаси оғзида, тиззаларига шапатиламоқчи бўлган қўллари кўтарилганича қолди:

— Ия, бу... қандай бўлди?— деди у ўн сўмликлардан кўз узмай.

— Ҳа энди, чой пули қиларсан,— деди Шерқўзи жилмайиб.

Мусонинг юзига мамнун бир табассум ёйилди:

— Кечагидек тезлашиб турсак бўлар экан-ку.

Чамаси бирор соатлардан сўнг Шерқўзи ўша чорпояда ёнбошлаганча, «Бизни ташлаб қайга кетди...», деб хиргойи қилганча хаёл суриб ётарди: «Ҳамма ишнинг чаппа айланиб кетишига сал қолди-я... Мусо-қулбой, бу йил ёқлармикан? Китоб ёзиш шунча қийин ишми, а? Ҳа, одамларнинг ичидагини билиш осон эмас-да. Ҳеҳ-ҳе, «Туйғуларини оёқости қилишга ҳақингиз йўқ», эмиш. Ола! Ҳа, мана, туйғуларини оёқости ҳам қилмадик ,катта йўл ҳам очиб бердик. Қани, бу кишининг туйғулари неча кунга чидар экан? Йигирмата теракни йиқитишни бир ҳафтага чўзади. Кейин оғилни йиқитганда бир чангиб берсин, бир чангиб берсин! «Ота, бу ...ни бир едим, иккинчи емайман, ўқишга бораман», деб чопиб келади олдимга. Ишларни санаб берганимда кўзи чиқиб кетди-ю, яна бу киши хотин олармишлар... Шу Соҳибназар аканинг саккизинчига ўтган қизчаси қўғирчоқдеккина бўлибди-да. Э, тавба, умр жуда тез ўтади-я! Соҳибназар ака биринчи хотинини туғмаслиги учун қўйиб юборгани худди кеча эди. Мана, қизи бўй етиб қолибди. Онаси жуда покиза аёл. Султонбойни бир амаллаб ўқишга жойлаштирсак, икки-уч йилни ўтказиб, шу жамалаксочга бир оғиз солиб кўрамиз-да».

— Карам, чой-пойинг борми? Эй, бу ўзбекнинг рўзғори...

Шу пайт Шерқўзи сўрининг сузма осилган айрисига қўниб турган кечаги олашақшақни кўриб қолди.

Бунгача Султондан ҳамма гапни оқизмай-томизмай билиб олиб, лабини тишлаб қолган Каромат дамлаб, тиндириб қўйган чойини кўтариб чиққанда Шерқўзи олашақшақ билан қизғин «суҳбат» қурган эди:

— Ҳа, чўқи, чўқи! Шу чакки халтани сен учун осдириб қўйибман. Қачон бу арзанда олашақшағимиз келадию тешиб кетади, деб, кечадан бери йўлингда кўзим тўрт. Э, бугун машқинг пастрск? Нега шақилламайсан? Шақилла, яна бир эшитайлик. Армонинг қолмасин. Шақилла-е...



1



6



4

ЭЗГУ ҒОЯЛАР ЭКРАНИ

Серқуёш республикамиз пойтахти, дунёга дўстлик ва тинчлик шаҳри бўлиб танилган Тошкент сўнгги йилларда жаҳондаги мўътабар кино марказларидан бири бўлиб қолди. Бу ерда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Халқаро кинофестивалини ўтказиш эзгу анъанага айланди.

Тошкент Халқаро кинофестивалларининг қисқа, аммо ўзига хос тарихи бор. Бу, аввало ҳар бир кинофестивалнинг қамров доираси тобора кенгайиб бораётгани, унда янги-янги мамлакатларнинг киносанъаткорлари иштирок этаётгани билан алоҳида диққатга сазовордир. Осиё ва Африка мамлакатлари Халқаро кинофестивали деб аталган 1 анжуманда 40 дан ортиқ мамлакат кинематографчилари иштирок этган эдилар. 1972 йилги II халқаро йиғинда эса, ўз кино асарлари билан қатнашган мамлакатларнинг сони 60 дан ошди. 1974 йили ўтказилган III кинофестивалда 70 мамлакатдан 83 бадиий фильм ва 90 ҳужжатли фильм намойиш этилди. Мазкур кино байрамида Лотин Америкасининг вакиллари — Куба кинематографчилари меҳмон сифатида қатнашдилар. IV Халқаро кинофестивалнинг қамров доираси яна ҳам кенгайди: бу гал Лотин Америкаси мамлакатларининг кино усталари Тошкент фестивалида расмий равишда иштирок этдилар. Шундай қилиб, анъанавий санъат байрами Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро кинофестивали номини олди. 1978 йилги V Халқаро кино анжуманида 90 дан зиёд мамлакат ва халқаро ташкилот қатнашди, 230 бадиий ва ҳужжатли кинолента намойиш этилди.

Бу йил 20 майдан 30 майгача Тошкент шаҳри узра яна анъанавий Халқаро кинофестиваль байроқлари ҳилпираб турди. Уч қитъа кино арбобларининг бу галги — VI Халқаро анжумани ҳам аввалги йиғинлар сингари: «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида ўтди. Зеро, бу табаррук шиор замонамиз руҳини, башариятнинг энг юксак интилишларини ифодалайди.

Тошкент Халқаро кинофестивалининг бу галги йиғини ҳам бутун жаҳондаги тараққийпарвар санъаткорларнинг олижаноб ғоялар байроғи остига тўпланаётганлигини яна бир карра кўрсатди. Анжуманда Кампучия, Никарагуа, шунингдек, кино санъати эндигина ривожлана бошлаган бир қатор Африка мамлакатлари илк марта иштирок этдилар.

Ер юзидаги мамлакатларнинг киностудияларида суратга олинаётган фильмларнинг аксарияти инсониятнинг эзгу ниятларини, ижтимоий тараққиёт ва халқлар дўстлиги мавзуини тараннум этаётганлиги билан аҳамиятлидир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент VI Халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табрик телеграммасида шундай дейилади:

«Ёрқин миллий шаклдаги ижодлари билан халқнинг маданий анъаналари асосида меҳнат аҳлининг фикр-ўйлари ва орзу-умидларини ифодалаётган, туб социал муаммоларнинг ҳал этилишига кўмаклашаётган санъаткорлар Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинематографияларининг ғоявий ривожида пешқадамлик қилмоқдалар.

Халқаро вазият империализм ва реакция кучларининг қилмишлари оқибатида кескинлашган ҳозирги шароитда бадиий маданият ва аввало оммавий кино санъати тараққийпарвар кучларни жипслаштиришнинг, халқлар онглилигини мустаҳкамлашнинг ва дунёни янги жаҳон уруши хавфидан ҳимоя қилишнинг тобора муҳим воситаси бўлиб қолмоқда».

Ер юзидаги барча мамлакатлар ва регионлар кино санъатининг тўла тенг ҳуқуқлилиги вазиятида ўтган Тошкент фестивалининг экрани инсоният ташвиши ва қувончини, меҳнати ва муҳаббатини, мусибати ва эзгу орзуларини, тинчлик ва бахт-саодат йўлидаги курашини тасвирлади. Бу экран халқларнинг ўз озодлиги йўлидаги, миллий мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт йўлидаги курашининг тарихи, бадиий ва ҳужжатли солномасидир. Тошкент фестивали Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кино санъатининг кундан-кунга ортиб бораётган аҳамияти ва эътиборини яна бир карра намойиш этди.

1. Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари анъанавий VI кинофестивалининг тантанали очилиши маросими.

2. РСФСР халқ артисти, Ленин мукофотининг лауреати, атоқли кинорежиссёр Григорий Чухрай фестивалнинг энг ёш иштирокчиси, олмаоталик ўқувчи қиз Гули Дўстматова ҳамда қозоқ режиссёри Абдулла Қарсақбоев билан суҳбатлашмоқда.

3. Республикамизнинг таниқли кинооператорларидан Даврон Салимов (ўртада) ҳамкасблари Франклин Сен Жюст (Ямайка) ва Луис Кикени (Гайана) билан ўз ижодий тажрибаларини ўртоқлашмоқда.

4. Ўзбек ва қирғиз кинематографчиларининг ижодий ҳамкорлиги яхши анъанага эга. Таниқли кинорежиссёр Али Ҳамроев, кўзга кўринган киноактёр Суйманқул Чўқморов ва Ўзбекистон кинохроникаси директори Турди Нодировнинг бу галги суҳбати ҳам ана шундай ҳамкорлик руҳида бўлди.

5. Совет киноактрисалари Галина Яцкина, Людмила Савельева, Лидия Федосеева-Шукшина ҳамда ҳинд киноактёри Харбажон Сингх фестиваль кунларида кинофильмда образ яратишнинг ўзига хос сирлари хусусида қизғин гурунглашдилар.

6. Ҳинд киноактрисаси Дипти Навл кўп кинофильмларда ажойиб образлар яратган.

7. Москвалик актриса Ирина Мирошниченко кинода яратган қаҳрамонлар сиймоси томошабин хотирасида узоқ сақланиб қолади.

8. Тошкент кинофестивали туфайли бир-бири билан яқиндан танишган япон киноактрисаси Комаки Курихара ва украиналик актриса Ирина Шевчук ўзаро ижодий фикр олишдилар.

С. МАҲКАМОВ фотолари



3





5



7

2



8



Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

Шариф ЮСУПОВ

ФУРҚАТ ВА РУС ЗИЁЛИЛАРИ

ЗОКИРЖОН Фурқат ўз халқи тақдирининг рус халқи тақдири билан боғлиқ эканини ва бунинг тарихий аҳамиятини замондошлари орасида тўғри тушунган дастлабки зиёлилардан эди. Маълумки, шоирнинг буюк маърифатпарвар, илғор рус фани, маданияти, техникаси ҳамда рус тилининг толмас тарғиботчиси сифатидаги фаолияти айниқса у Тошкентда яшаб ижод этган йилларда тўла намоён бўлди.

1890 йилнинг март ойигача Кўгалдош мадрасасида истиқомат қилган Фурқат Шарифхўжа, Муҳиддинхўжа, Инъомхўжа, Маҳмудхўжа, Эшонхўжа, Хонхўжа, Жамолхон махдум, Хўжахон аълам каби зотлар билан дўстлашади. Бу тараққийпарвар кишиларнинг рус тили, рус маданияти, рус халқига ҳурматлари баланд, ҳамюртларининг кўп масалаларда бу халқдан ибрат олишига тарафдор эдилар. Чунончи, Шарифхўжа, Инъомхўжа ва Муҳиддинхўжа шаҳарда дастлабки рус-тузем мактабларини очиш учун алоҳида ташаббус кўрсатиб, кўп йиллар мобайнида шу мактабларнинг фахрий нозирлари бўлиб турдилар, ўлкадаги рус маърифатпарварларидан С. Граменицкий, С. Сичев ва В. Наливкин билан ёнма-ён ишладилар. Эшонхўжа билан Хўжахон эса мадрасаларда рус тили ўқитишнинг ташаббускорлари сифатида узоқ вақт кураш олиб бориб, жасур маърифатпарвар кишилар сифатида халқимиз тарихида қолди. Ўзи иморатсоз уста бўлган Маҳмудхўжа рус архитекторлари билан ҳамкорликда ишлаб, янги Тошкентда европача типда бир неча бино қурди. Жамолхон билан Хонхўжа Шайховандтаҳурдаги Эшонқули додҳо мадрасасининг илғор фикрли талабалари эдилар. Ана шу дўстлари ёрдамида 1890 йилнинг март ойида Фурқат Эшонқули додҳо мадрасасидан бир ҳужра топиб, шу ерда истиқомат қила бошлайди, илм таҳсилини ҳам, қизғин ижтимоий фаолиятни ҳам иштиёқ билан давом эттиради. Мадраса шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмига туташ ерда жойлашган эди. Мударрис, мукаррир ва талабалар янги шаҳарга деярли ҳар куни чиқиб келар, рус дўстлари таъсирида газета-журналлар ўқиб, замона зайли ҳақида суҳбатлар қурар эдилар. Мадрасадаги устоз ва шогирдлар илғор фикрли кишилар бўлганидан Шарқ халқлари ҳаёти, тили ва этнографиясини пухта ўрганишга аҳд қилган Михаил Степанович Андреевдек рус зиёлилари ҳам мадраса таҳсилини ўзлари учун зарур деб билдилар. Михаил Степанович Фурқат билан деярли бир вақтда ана шу мадрасада ўқиди.

1890 йилнинг 23 мартида Фурқат биринчи марта Тошкент Эрлар гимназиясини бориб кўради. Шоирнинг рус маърифатпарварлари билан бевосита танишуви худди шу кунлардан бошланганини «Туркистон вилоятининг газети»дан ўқиб билиш мумкин. Фурқат ўзининг «Аҳволот»ида бундай деб ёзган эди: «... ул мадрасада саккиз дарсхона мавжуд экан. Ул дарсхоналарда илмдин ва русия луғатида наҳву сарф ва мантиқ, назм ва наср ва илми ҳисоб ва лотин тили ва юнон тили ва немис тили ва фаранг тилида, жаҳоннома илми ва тарих, илми ҳикмат ва музика ва тасвир илми ўқулар экан. Ҳар дарсхонаға бориб, мударриси билан омонлашиб, таълим бермишларини томоша айладук. Ул мадрасада ўн икки нафар мударрис бор эрмиш. Алар ҳар қайсилари бир илмга дарс айтур эканлар».

Фурқатнинг таржимаи ҳолидан маълумки, сўнгра шоир театр спектакллари, концертлар, мусиқа анжуманлари, кўргазмалар, босмахона ва газета редакцияларида тез-тез бўлиб туради, унинг рус танишлари доираси тобора кенгаяди. Кейинчалик шоир бундай деб ёзган эди: «Тошканд шаҳриға келиб, бир неча вақт туруб, русия халқининг одамлари билан танишуб, ошно бўлуб, аларнинг кўб расмларини кўрдум ва кўрмаганимни сўрдум». Фурқатнинг маърифатпарварлик фаолиятига катта ижобий таъсир кўрсатган рус дўстларининг баъзилари ҳақидаги айрим маълумотлар Фурқат чет элларден юборган мактубларда, юқорида зикр этилган «Аҳволот»да учрайди. Бироқ, шоир атрофидаги рус зиёлилари кимлар эканлигини аниқлаш учун илмий-текшириш ишлари олиб борилмаган. Биз Фурқат асарларида номлари келтирилган ёки иш жойлари, касб-корлари, феъл-атворлари ҳақида фикр юритилган рус маърифатпарварларининг кимлар эканини аниқлаш учун анчагина архив материалларини синчиклаб ўргандик.

Гапни шоирнинг Тошкент Эрлар гимназиясида танишган, дарсларини кузатган, кейинчалик дўст ва ҳаммаслак бўлиб қолган муаллимлардан бошлайлик.

Тошкент гимназияси 1878 йили янги бинога, ҳозир Тошкент Давлат университетининг биология-тупроқшунослик факультети жойлашган бинога кўчиб ўтган. Бу ерда С. Граменицкий билан М. Шулинский математика ва космографиядан (Фурқат тили билан айтганда, жаҳонномадан), А. Неудачин рус ва лотин тилларидан, В. Кримский, К. Аристов ҳамда А. Новиков қадимги тиллар ва рус тилидан, М. Лютов географиядан, Э. Мюллер француз тилидан, О. Эйхгорн немис тилидан, Д. Назаров ҳуснихат, расм ва чизмакашликдан, Н. Любомирский ашуладан дарс берганлар, гимназия директори Н. Остроумов айни вақтда тарих ва логика ўқитувчиси бўлган.

Сергей Михайлович Граменицкийнинг салкам қирқ йил давомида Туркистонда амалга оширган ишлари ўлкадаги маърифатпарварлик тарихининг ёрқин саҳифаларидан биридир.

Петербург университетини тугатиб, табииёт фанлари кандидати деган илмий дараҗа олган 22 яшар Сергей Граменицкий 1881 йили Тошкент гимназиясига математика ва физика ўқитувчиси қилиб тайинланади. Бу ажойиб инсон ўлкада маориф тарқатиш, рус халқи билан маҳаллий аҳоли ўртасида ҳақиқий дўстлик муносабатлари ўрнатиш учун фидойипарча заҳмат чекди. Туркистондаги рус-тузем мактаблари учун программалар тузди, дарслик ва қўлланмалар нашр эттирди. «Биринчи ўқиш китоби», «Иккинчи ўқиш китоби», «Арифметикадан қўлланма» сингари асарлари мамлакатда машҳур эди. Бу дарсликларга И. Крилов, А. Пушкин, М. Лермонтов, Н. Некрасов, Л. Толстой ва бошқа улкан рус санъаткорларининг ҳаётни ҳаққоний акс эттирган ажойиб асарлари киритилиб, маҳаллий миллат фарзандларини шу асарлар руҳида тарбиялаш кўзда тутилган. Рус-тузем мактабларида ўқиган маҳаллий миллат фарзандлари Криловнинг «Тулки билан узум», «Ойна ва маймун», «Бўри билан мушук», Пушкиннинг «Тонг», «Қиш оқшоми», «Анчар — заҳар дарахти», «Балиқ ва балиқчи ҳақида эртак», Лермонтовнинг «Бородино», «Уч хурмо» сингари асарларини, Толстойнинг кичик ҳикояларини Граменицкий дарсликлари орқали биринчи марта ўқишга муяссар бўлган эдилар. Бу дарсликлар революцияга қадар салкам олтмиш марта нашр этилган. Туркистонда халқ маорифининг ночор аҳволини ростгўйлик ва довюраклик билан кўрсатиб берган «Россияда бошқа миллатларга таълим бериш масаласига доир» (1909), «Туркистон ўлкасида бошқа миллатларга таълим беришнинг тузилиши ҳақида мухтасар тарихий эслатма» (1908), «Сирдарё областида бошқа миллатларга таълим беришнинг аҳволи» (1916), «Сирдарё областида халқ маорифининг эҳтиёжлари (1916—1917) сингари китобларнинг автори ҳам С. Граменицкий эди.

У Сирдарё область мактабларининг директори бўлиб ишлаган ўн олти йил давомида воҳада мактаблар сони 40дан 250га етдики, бу ҳам Сергей Михайловичнинг чор тузуми шароитида қанчалар фидокорлик билан иш тутганлигини яққол кўрсатувчи далилдир.

Россия Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлими правлениесининг аъзоси Граменицкий 1902 йили Петербургда ўтказилган катта йиғинда ўлканинг туб аҳолиси ўртасида замонавий билимларни кенг ёйиш ташаббускорларидан бири сифатида сўзга чиққан эди. Архив ҳужжатлари шуни кўрсатадики, атоқли рус маърифатпарварининг илғор фикрлари ўлка аҳолисини нодонликда сақлаш сиёсати тарафдорларининг қаттиқ қаршилигига дуч келган. Лекин, шунга қарамай курашни давом эттирган Сергей Михайлович маҳаллий аҳолини Россия тарихи, Туркистон ўлкаси географияси билан таништирувчи айрим рисолалар, руслар ҳаёти, русча турмуш тарзини акс эттирувчи асарларнинг бепул нашр қилинишига муваффақ бўлади.

Ўша йили Тошкентдаги рус-тузем мактаблари қошида маҳаллий миллат кишиларига рус тилини бепул ўргатадиган кечки курслар очилишининг ташаббускорларидан бири ҳам Сергей Граменицкий эди. Бу курсларда Фурқатнинг дўсти Жамолхон махдум Минҳожидин ўғли, Маҳмудхўжанинг Ашрафхўжа исмли ўғли ва бошқалар рус тилини ўрганганликлари архив ҳужжатларида акс этган.

Сергей Михайлович тошкентлик маърифатпарварлардан Муҳиддинхўжа, Хўжахон (улар Фурқатнинг қадрдон дўстлари эканлиги шоирнинг таржимаи ҳолида, «Сабоға хитоб» шеърий мактубида қайта-қайта таъкидланган) ва бошқаларнинг мадрасада рус тилини ўқитиш йўлидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. «Туркистон вилоятининг газети» 1914 йил, 27 февраль сонида бундай ёзган эди: «Бир неча вақт муқаддам ҳурматли директор Граменицкий жаноблари тарафларидин Тошканд шаҳридағи... мадрасаларнинг катта мударрисларига ёзиб эрдиларким, мазкур мадрасалардаги хоҳиш қилган талабаларни русия забони ва хатини ўқутмоқлик учун русия муаллимини тайин қиладур... ул муаллимлар учун ул мадрасалардин... русия забони таълимиға бирор дарсхона тайин қилмоқликни сўраган эрдилар... Охирилкор Эшонқули додҳо мадрасасини катта мударриси Хўжахон аълам русия илмини ниҳоятда зарурлигини ва ул илмни ўқумоқликда манфаат кўплигини билиб, русия муаллимиға ул мадраса биносидаги кўб яхши, ёруғ ва қуруғ, ўзлари дарс айтадурган дарсхонани бериб-дурлар. Русия муаллими ушбу 17 февраль чоршанба кунидан бошлаб, ўшел ўқуш бошланган куни катта мударрис Хўжахон аълам саъй-тараддудлари бирлан ул мадраса талабаларидан 15 нафарча йиғилиб, эртеси ул шогирдлар ғадаи ўн тўк-

қузға етиб, эмдиликда ул дарсхонада ҳар ҳафта таҳсил вақтида русия муаллими бориб... таълим берур эрканлар».

С. Граменицкийнинг Фурқат билан дўст ва ҳаммаслак эканидан, ўлкада илғор маърифатпарварлик ғояларининг толмас курашчиси эканидан хабар топган мустамлака маъмурлари аллақачон унинг пайига тушган эдилар. Фурқат чет элга жўнашидан илгарироқ Туркистон генерал-губернаторининг буйруғига кўра, С. Граменицкий тўрт ойлик муддат билан Россиянинг ичкарисига жўнатиб юборилади. Шу тариқа, узоқ муддатли «сафар» олдидан Фурқат бошқа самимий рус дўстлари қаторида Сергей Михайлович Граменицкий билан ҳам маслаҳатлашиб олиш имкониятидан маҳрум этилган эди. Чор маъмурлари Граменицкийнинг рус-тузем мактаблари учун тузилган ва ўз даври учун катта аҳамиятга эга бўлган «Арифметикадан қўлланма» асари юзасидан турли туҳматлар уюштириб, китобнинг бирмунча вақт босилмай қолиб кетишига сабаб бўладилар.

С. Граменицкий Россия маориф министрлигига мурожаат қилади, бироқ министрлик унинг аризасини кўрмай, Тошкентга мактуб йўллаб, Граменицкийнинг аризасини оқибатсиз қолдиришни тайинлайди, аризасига дағал танбеҳлар беради, ариза ёзганлиги учун ундан «муҳр ҳақи»ни дарҳол ундириб олишни талаб қилади. Петербургдаги юқори мартабали амалдорлар тошкентлик рус маърифатпарварининг арз-додига шу тариқа «қулоқ солиб», унга шу тариқа «эҳтиром» кўрсатган эдилар.

Туркистонда маҳаллий аҳоли орасида маърифат зиёсини таратишдек муқаддас ишга бутун ҳаётини бағишлаган кишилардан яна бири Тошкент гимназиясида Фурқат билан танишган лотин ва рус тиллари ўқитувчиси Александр Иванович Неудачин эди. Петербург тарих-филология институтини тугатиб, университетда фан кандидати даражасини олгач, у 1878 йили, 24 ёшида Тошкентга келади. Унинг Тошкентда кечган ўн беш йиллик ҳаёти ғоят самаралидир. Ўз соҳасини пухта билган, мустақил фикрли Александр Ивановичнинг дарсларидан олган таассуротини Фурқат «Гимназия», «Акт мажлиси хусусида» шеърларида, шунингдек, «Фурқатнома»да ҳикоя қилган. Илғор фикрли маърифатпарварларга ёмон назар билан қарайдиган Н. Остроумов Неудачинни ҳам асло ёқтирмаган. Ўз кундаликларидаги қайдларида Остроумов уни кўп жиҳатдан ҳурматга лойиқ киши сифатида эътироф этгани ҳолда, ўзи учун номаъқул кишиларнинг биринчиси деб ҳисоблаганини айтади. «Тошкент гимназиясида турли сабабларга кўра менга хайрихоҳ бўлмаган педагоглар бор эди,— деб ёзади у.— Менинг ёрдамчим, инспектор лавозимини бажарувчи, лотин ва рус тиллари ўқитувчиси Ал. Ив. Неудачинни улар орасида биринчи ўринга қўйиш мумкин».

Тошкент гимназиясининг рус тили ўқитувчиси А. Новиков ҳам Фурқатнинг асл дўстларидан бири эди. Фурқат унинг дарсларини тинглаб, катта таассуротлар олганлигини ўз асарларида қайд этган.

Алексей Арсеньевич Новиков етимхонада катта бўлган, Петербург университетининг тарих-филология факультетида ўқиётганида ҳам кишилар эшигида қора ишларни бажариб, тирикчилик ўтказган. 1883 йили у Тошкент гимназиясига рус тили ўқитувчиси сифатида ишга қабул қилинади. Ўлкада рус тили ва маданиятини кенгроқ ёйиш соҳасида катта хизматлар қилган А. Новиков кейинчалик (1904—1909 йиллар) Тошкент гимназиясининг директори лавозимида ҳам ишлайди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов инқилобдан олдинги Туркистонда маърифат тарқатган рус зиёлилари орасида С. Граменицкий, А. Неудачин ва А. Новиковнинг номини санаб ўтганлиги уларнинг ўлкадаги ажойиб ишларига берилган муносиб баҳодир.

Гимназиянинг ўша пайтдаги география ўқитувчиси Матвей Матвеевич Лютовнинг ҳаёт йўлига ҳам алоҳида эътибор қилиш керак. Петербург университетининг филология факультетида таҳсил кўраётганидаёқ Матвей Лютов революцион кайфиятдаги студентлар билан бирга сиёсий жиҳатдан «ишончсиз» деб топилган эди. 1880 йили унинг уйи тинтув қилинади. Айблов материаллари етарли бўлмагани сабаблигина қамоқдан қутулиб қолади. Аммо Санкт-Петербург генерал-губернатори уни махфий назорат остида сақлаш тўғрисида махсус буйруқ беради. Буни яхши англаган Матвей дўстлари ёрдамида Тошкент гимназиясига келиб жойлашади. Лекин ўша йилиёқ Петербургдан Туркистон генерал-губернаторига у ҳақда махфий мактуб келади. Туркистон маъмурлари кўп бош қотиргач, ўлкадаги ғоят оғир шароитни ҳисобга олиб, Лютовнинг ўқитувчи сифатида ишлашига розилик берадилар. Шуниси диққатга сазоворки, Фурқат Тошкентдан жўнаб кетган 1891 йилдаёқ, шоирнинг садоқатли дўстлари қатори М. Лютов ҳам таъқиб остига олинади. Тошкент гимназияси директори, Туркистон мактаблари бош инспектори ҳамда генерал-губернаторлик доираларида М. Лютовдан қутулиш пайида уюштирилган ўнларча ёзишмалар архивда сақланиб қолган.

Чор маъмурлари томонидан қилинган бетиним таъқиб уч йил мобайнида Матвей Матвеевични қаттиқ асабий ҳолатга келтиради. Ниҳоят, Лютовнинг сиёсий рақиблари 1894 йил, 31 октябрда ундан гўё соғлиғи ёмонлашганлиги учун ишдан бўшатишни сўраб ариза ёздириб олдилар. Буни қарангки, не-не катта масалаларга оид буйруқларга имзо чекишни ҳафталаб, баъзан ойлаб пайсалга соладиган Туркистон генерал-губернатори худди ўша 31 октябрь куниёқ М. Лютовнинг ишдан бўшатилгани ҳақида буйруқ чиқариб, бутун ўлкага тарқатишни лозим топади. Шу тариқа 39 ёшли илғор зиёли ўзи севган касбдан бир умрга маҳрум этилади.

Фурқатнинг Тошкент гимназиясидаги дўстлари орасида ҳуснихат, расм ва чизмакашлик ўқитувчиси Дмитрий Васильевич Назаров алоҳида ўрин тутади. Шоир ўз «Аҳволот»ида Тошкентда Назаровнинг фотографиясида кўрган ажойиботлари ҳақида алоҳида завқ билан ёзган, чет эллардан Тошкентга йўллаган неча-неча мактубларида «гимназиядаги мударрис Назаровга саломлар» йўллаганлиги маълум. Архив материалларини чуқур ўрганиш натижасида бу ажойиб шахс ҳақида «Ғурбатда Фурқат» номли мақоламизда айтилган гапларга қўшимча қилиш зарурати туғилди.

1889 йили Москвадаги Строганов техника-рассомлик марказий билим юртини олим-рассом унвони билан тугатган Д. Назаров ўша йили 3 июлда Туркистон ўқув юртлари бошлиғига ариза йўллаб, бу ердаги ўрта ўқув юртларидан бирида ҳуснихат, расм ва чизмакашлик ўқитувчиси бўлиб ишлаш истаги борлигини билдиради. Ўша йили 28 августда чиқарилган буйруққа биноан у дастлаб Туркистон Ўқитувчилар семинариясига, 1890 йил, 4 августдан эса Тошкент Эрлар гимназиясига ҳуснихат, расм ва чизмакашлик ўқитувчиси қилиб тайинланади.

Дмитрий Васильевич инқилобга



1890 йил кузида Тошкентда, ҳозирги М. Горький номидаги Маданият ва истироҳат боғи ўрнида ташкил этилган кўргазмани томоша қилган Фурқат уч қисмдан иборат «Виставка хусусида» манзумасини ёзган эди. Бу суратда Фурқатни миллий таомлар павильонида кўриб турибсиз. У ҳурмат юзасидан ўзига алоҳида таклиф этилган курсида ўтирибди. (Сурат Октябрдан кейин биринчи марта эълон қилинмоқда.)

қадар педагогик фаолиятини муваффақият билан давом эттириб, гимназияда юзларча шогирдлар тайёрлаган. У қолдирган мингларча фотолавҳалар XIX асрнинг сўнгги чорагидан то 1917 йилгача Туркистон халқлари ҳаётида рўй берган ўзгаришларнинг ўзига хос солномаси сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, у Туркистон фотоҳаваскорлари тўгарагининг ташкилотчиларидан ва фаол аъзоларидан бири эди, ўлкада фото ишларини ривожлантириш борасида кўп ҳаракат қилган. 1890 йили Тошкентда ташкил этилган ва Фурқатнинг уч шеърида тасвирланган кўргазмада Д. Назаров фотосуратлари билан қатнашган ҳамда шоирнинг Мирза Абдулла Исамуҳамедов, Мирзо Бухорий, Шарифхўжа Пошшахўжаев, Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжаев сингари дўстлари қатори кўргазманинг кумуш медалини олишга муваффақ бўлган. Ниҳоят, Назаров фотографгина бўлиб қолмай, истеъдодли рассом сифатида ҳам ўз замонасининг илғор фикрли кишиларидан бир қанчасининг, жумладан, Фурқатнинг дўсти Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғлининг портретини яратган. Ўзининг бир неча ўн йиллик умрини Туркистон билан боғлаган бу маърифат ва санъат фидойисининг ҳаёти ҳамда фаолияти тадқиқотчиларимиз томонидан атрофлича ўрганилишини орзу қиламиз.

Тошкент гимназиясида Фурқат фақат ўқитувчилар билангина эмас, балки бошқа касб эгалари билан ҳам танишиб, дўстлашганлиги маълум. Ана шулардан бири гимназия врачи Евгений Иванович Градусов эди. Энг инсонпарвар касбнинг муносиб намояндаси бўлган Евгений Иванович қалбида одамларга битмас-туганмас меҳр жўш уриб турар эди. Архив ҳужжатлари унинг ўтган асрнинг 80—90-йилларидаги жуда оғир шароитда, улкада врачлар етишмаётган бир вақтда виждон амри билан бир неча йил Тошкент мактабларида ҳақ олмай ишлаганлигини, маҳаллий аҳоли орасида юқумли касалликларга қарши кураш олиб борганлигини тасдиқлайди.

Евгений Иванович Фурқат Тошкентда яшаган йиллари ҳамиша унинг соғлиғидан хабар олиб турган, бир неча муддат уни даволаган ҳам эди. Шоир бу ажойиб дўстини чет элларда ҳам унутмади. Ёркентдан ёзган мактубларида (бу мактубларнинг дастхат нусхалари Ўзбекистон ССР Марказий давлат архивида сақланмоқда) «гимназиядаги дўхтур тўрага» қайта-қайта саломлар йўллади.

Фурқат мактубларида қайта-қайта салом йўлланган «Митропольский тўра» ҳам Туркистонда маърифат зиёсини тарқатган, маҳаллий халқнинг турмуш тарзи, этнографияси, оғзаки ижодини пухта ўрганиб, уларни китобларга киритган фидоий инсон эканлиги маълум бўлди. Георгий Афанасьевич Митропольский ўтган асрнинг 80-йилларида Самарқанд шаҳридаги уч синфлик мактабда ўқитувчи ва инспектор лавозимида ишлаган. 1890 йили у Туркистон Ўқитувчилар семинариясининг ўзбек ва форс тиллари ўқитувчиси қилиб тайинланади. Георгий Афанасьевич Фурқат билан Тошкентда танишиб, яқиндан дўстлашган. Бу икки ҳамфикр Тошкентда атиги ўн ой чамаси бирга яшаган бўлсалар ҳам, улар ўртасидаги самимий муносабатлар мустаҳкам эди.

Фурқат чет элга жўнашидан илгарироқ шоирнинг бошқа дўстлари қатори Митропольский ҳам «тўрт ойлик отпуска» баҳонаси билан Россиянинг ичкарисига юборилганлигини «Ғурбатда Фурқат» деган мақолада айтиб ўтган эдик. Шундан сўнг Митропольский тўрт йил давомида не-не туҳматларга дучор этилган, ниҳоят 1895 йили севган касбидан бир умрга маҳрум қилинган. Шу муносабат билан Г. Митропольскийнинг Туркистон ҳукмдори Вревскийга ёзган аризаси архивда сақланиб қолган. Аризадаги мана бу гаплар мустамлака амалдорлари Фурқатнинг рус дўстларига, асл маърифатпарварларга қандай шафқатсиз муносабатда бўлганликларини кўрсатади: «Туркистон генерал-губернатори вазифасини адо этаётган генерал-лейтенант, граф Ростовцев жаноблари шу йилнинг 8 июнида мени генерал-губернатор уйига чақириб, Туркистон Ўқитувчилар семинарияси директори Миропиев иштирокида бундай дейишни лозим кўрдилар: «Маҳаллий тилларни ўқитиш ишини қониқарсиз бажараётганлигингиз ва ўз фанингизни етарли даражада билмаслигингиз сабабли шу йил 1 августдан бошлаб Туркистон Ўқитувчилар семинариясидаги хизматни тарк этишни таклиф қиламан».

Менга шу тариқа буюраркан, Жаноб олийлари, на бундан аввал, на кейин шундай ғоят муҳим ва жиддий иш юзасидан маҳаллий тиллар ўқитувчиси сифатида мендан бирор савол сўрашни лозим кўрди.

Оқибатда мен мушкул ва чорасиз аҳволга тушиб қолдим. Хотиним ҳамда болаларим билан шу йилнинг 12 июнидан 1 августигача юртимга отпускамни ўтказиш учун кетдим. Менга Европа Россиясига бориш учун берилган бундай қисқа муддатли отпуска ичида у ерда на ўзимга иш топишим, на йўқотган соғлиғимни тиклаб улгуришим мумкин эди. Тошкентга қайтгунимга қадар граф Ростовцев жаноб олийлари на Туркистон ўлкасидаги узоқ муддатли хизматимни, на ғайрат кўрсатиб, аъло даражадаги хизматларим эвазига мушарраф бўлган юксак мукофотларимки, на ўқитувчилик бурчимни пухта бажарганим учун Сиз жаноб

олийлари эълон қилган ташаккурномаларни, на болаларимга ғамхўрлик ҳамда моддий маблағ талаб этадиган оилавий аҳволимни ҳисобга олиб, 19 сентябрдаги 59-рақамли буйруқ билан мени аризамсиз хизматдан бўшатиб юборди.

Бундай оғир, ҳеч асоссиз жазо туфайли мен жиноятчига ўхшаб обрўйимдан ва хизматим туфайли эришган ҳуқуқ ҳамда имтиёзларимдан маҳрум этилдим; мен, оилам, гўдак фарзандларим бутун ризқ-рўзимиздан маҳрум қилиндик».

Фурқат мактубларида номи тилга олинган яна бир киши бор. Василий Фёдорович Степанов деган бу ёш зиёли билан шоир Тошкент гимназиясида танишган эди. Кейинчалик Туркистоннинг энг чекка қишлоқларида маърифат тарқатган, тараққийпарварлик фаолияти учун чор маъмурлари, маҳаллий амалдорлар ва руҳонийлар тарафидан кўп кулфатларга дучор этилган бу зукко йигитнинг ҳаёти атрофлича ўрганилишга лойиқдир.

Шоир Ёркентдан Тошкентга йўллаган мактубларида «наманганлик учитель Степанов» деб атаган бу зот Наманган яқинидаги Кетмонтепада (ҳозирги Тўқтағул шаҳри) ўқитувчилик қилган. У 1890 йили Тошкент гимназиясини муваффақиятли тугатиб, Петербург университетининг шарқ тиллари факультетига ўқишга киради. 1891 йилдан бошлаб физика-математика факультетининг табииёт бўлимида таҳсилни давом эттиради. Бироқ ўқиш учун ҳақ тўлашга қурби етмаганлиги сабабли 1893 йили университетдан чиқарилади. Шундан кейин Наманганда яшай бошлайди.

Степановнинг Наманган шаҳрида болаларни хусусий йўл билан ўқитиш соҳасида олиб борган фаолияти тез орада эл оғзига тушиб, обрўси ошади. Ниҳоят, 1900 йили Степановни Кетмонтепа қишлоғидаги рус-тузем мактабига ўқитувчи қилиб тайинлайдилар. Шу муносабат билан Туркистон мактаблари бошқармасига юборилган тавсияномада, жумладан бундай дейилган: «Степанов қобилиятли педагог сифатида маълум; бу фактни унинг болаларга илм бериш борасидаги бир неча йиллик фаолияти тасдиқлайди. У яхши ахлоқий фазилатлари, қирғиз тилини пухта билиши ва сиёсий жиҳатдан тўла ишончли экани билан барча талабларга жавоб беради».

Аммо Василий Фёдорович чор маъмурлари ўйлаганидек, «сиёсий жиҳатдан тўла ишончли» бўлиб чиқмаган. 1898 йилги Андижон қўзғолони бўлиб ўтган Мингтепага яқин Кетмонтепа қишлоғида қўзғолон иштирокчилари анча эди. Ғоят мураккаб шароитда Кетмонтепада иш бошлаган қобилиятли рус ўқитувчиси ёшларга таълим-тарбия беришда исёнкорлик руҳини ҳам сингдирган кўринади. Бу ҳол чор амалдорларининг ҳам, маҳаллий хурофотчиларнинг ҳам ғазабини қўзғатади. Улар Степановни муттасил таъқиб этиш билан кифояланмай, 1903 йилнинг декабрида у ўқитувчилик қилаётган рус-тузем мактаб биносига бостириб кирадилар, бино ичидаги ҳамма нарсани алғов-далғов қилиб ташлайдилар, ўқитувчига қаттиқ жисмоний зарар етказадилар. Шундан кейин қоровуруҳчилар Степановни бутунлай йўқотиш пайига тушадилар.

Василий Фёдорович 1904 йилнинг ёзига қадар ишлаб, ўқув йилини тугаллайди. Сўнгра Қашқарга бориб келиш учун бир ойлик отпуска беришларини, акс ҳолда, лавозимидан бўшатишларини сўраб, Тошкентга, Туркистон ўқув юртлари бош инспекторига телеграмма йўллайди. Тараққийпарвар ўқитувчидан қутулиш йўлини тополмай турган маъмурлар худди телеграмма олинган 16 июль куниёқ Степановни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруққа имзо чекадилар. Лекин қоровуруҳчилар шу билан чекланмай, уни судга бериб, жиноий иш қўзғатмоқчи бўладилар. 1905 йилнинг 1 июлида янги Марғилон округ судининг Наманган уезд, 1-участка мировой судьяси Туркистон ўқув юртлари бошқармасига хат ёзиб, бошқармадан Кетмонтепадаги мактабнинг собиқ ўқитувчиси Василий Фёдорович Степанов айни вақтда қаерда эканлиги дарҳол маълум қилинишини талаб этади. Бошқарма эса, жавоб мактубида Степановнинг ҳозир қаерда эканлиги маълум эмаслигини билдиради.

Бу ёзишмалар ва бошқа архив ҳужжатлари мазмунидан келиб чиқадиган хулоса шуки, Степанов ўз тараққийпарварлик фаолияти учун аввалига таъқиб остига олинган, ниҳоят, суд жавобгарлигига тортилиш хавфи туғилгач, катта мансабли сиёсий мухолифларининг қўли етмайдиган олис жойда маълум вақтгача кўзден йироқ юра туришни маъқул топган.

Василий Фёдорович эл кўзига гўё савдо иши билан кетгандек бўлиб аслида кўп йиллик ҳаммаслак дўсти, маърифатпарварлик фаолияти учун қувғинга учраб Ёркентда яшаётган Зокиржон Фурқатнинг ёнидан паноҳ топмоқчи бўлган кўринади. Фурқат ўша 1904—1905 йилларда Тошкентга йўллаган ва дастхат нусхалари ҳозирда Ўзбекистон ССР Марказий давлат архивида сақланаётган икки мактубга синчиклаб назар ташласак, яна бошқа хулосаларга ҳам келиш мумкин. Чунончи, 1904 йил, 4 сентябрь санаси қўйилган биринчи мактубда «...**бу дафъа** (таъкид бизники— **Ш. Ю.**) Наманган шаҳрида турган учитель Степанов мунда келди, мулоқотда бўлдум», дейилишига қараганда Ёркентга, шоирнинг олдига бошқа дўстлари ҳам бир неча дафъа боргенлар. Фурқат юрти, юртидаги ҳаммаслак дўстлари билан ўша дўстлари орқали алоқа қилган.

Шоирнинг бошқа рус дўстлари ҳаётига оид архив материаллари бу фикрни тасдиқлайди. Бу ўринда Фурқатнинг мадрасадош дўсти Михаил Степанович Андреев фаолиятига оид бир фактга диққатни жалб этиш лозим. Атоқли олимнинг ҳозир Тошкент Давлат университети архивида сақланаётган ҳужжатларидан маълумки, у 1897 йили Россия Фанлар академияси уюштирган экспедиция таркибида Мўғулистон ҳамда Шарқий Туркистонда, жумладан, Ёркентда узоқ муддатли сафарда бўлган. Бу икки улкан маърифатпарварнинг Ёркентдаги учрашувлари тафсилоти ҳали фурқатшуносликда маълум эмаслиги сабабларига келсак, биринчиден, 1897—1903 йилларда Фурқатнинг ўз юрти билан алоқаси узилиб қолганлигини айтиш керак. Бу ҳолатни Фурқатнинг ўзи 1903 йил охирларида марғилонлик дўсти Тошболтуга ёзган мактубида баён қилган.

Фурқатнинг Ўзбекистон ССР Марказий давлат архивида сақланаётган йигирма чоғли мактубида шоирнинг Ёркентда М. Андреев билан кўришганлигига оид фикрлар учрамаслиги табиий. Михаил Степанович ҳаётининг сўнгги йилларида Душанба шаҳрида яшаб, ўша ерда вафот этган, олимнинг у ердаги шахсий архиви билан эса ҳозиргача фурқатшуносларимиз қизиқиб кўрганлари йўқ. Бу муҳим масалага тўла равшанлик киритиш учун Фурқатнинг Ёркентдаги ҳаёти билан боғлиқ материалларни, академик М. Андреевнинг шахсий архивини синчиклаб ўрганиш зарур.

Н. П. Остроумовга ёзилган мактубдан чиқадиган хулосага келсак, Степанов чет элга Фурқатнинг олдига бориб-қайтган бирдан-бир киши эмас, балки шундай дўстларнинг биридир, холос. Мактубдаги: «...берган мактубингизни ва икки нумера газетни топшуруб олдим... 31-нумера газет мазмунида бир манзума таҳрир эйлаб хизматларига юбордим», деган сўзларга диққат қилиб, улар устида чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрайлик. Демак, Наманганда таъқибга учраб, ҳаёти таҳлика остида қолган Василий Фёдорович ўша ердан Ўш орқали Шарқий Туркистонга ўтиб кетаверишини тақозо этадиган хавфли вазиятга қарамай, аввал Тошкентга келган, бу ерда Фурқатнинг кўпгина дўстлари билан маслаҳатлашган, шунден кейингина Ёркентга жўнаган.


Демак, ўша вақтларда Туркистонда шоирнинг тақдири ҳақида қайғурган кўп кишилар бўлган ва улар Фурқатни она юртига қайтаришнинг турли-туман режаларини тузганлар. Чунки юқорида зикр этилган «икки нумера газета» оддий газеталар эмас эди. Бу газеталарнинг бирида босилган асосий материал Николай II нинг ўғил кўрганлиги муносабати билан бутун мамлакат бўйлаб афв умумий эълон қилиниши ҳақидаги фармондир.

Ҳар бир умидбахш хабарни сабрсизлик билан кутган Фурқатнинг тошкентлик дўстлари мустамлакачи маъмурлар шоирнинг гуноҳидан кечиб, она юртига қайтишига рухсат берадиган вақт етди, деган фикрга келиб, императорнинг ана шу фармонини Степанов орқали Ёркентга жўнатган бўлишлари мумкин. Ўзига нисбатан қўлланган жазо чораларининг замирида нималар яширинганлигини ва дўстларининг ниятини яхши идрок этган Фурқат тезда «Масарратнома» асарини ёзиб, унда ғурбатда чеккан сўнгсиз азоб-уқубатларини очиқчасига сўзлайди, ўзининг «Русия раъияси», яъни граждани сифатида она юртига қайтарилишини поэтик воситалар орқали сўрэйди.


Шоир ва дўстларининг бу соҳадаги қаттиқ ҳаракатлари натижасиз қолганига кўп сабаблар борки, улар махсус мукаммал таҳлилни тақозо этади. Ҳозир асосий гап Фурқатнинг дўсти Василий Степановнинг чет элда умргузаронлик қилаётган шоир олдига, унинг учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган она юртга қайтиш ишини ташкил этиш ниятида борганлиги ҳақидадир.

Фурқатнинг 1905 йил 29 августда Ёркентдан йўллаган сўнгги мактуби

Фурқат илғор рус маърифатпарварлари билан дўстлашган Тошкент Эрлар гимназиясининг биноси 1890 йили шундай кўринишда эди. Унда ҳозир ТошДУ биология-тупроқшунослик факультети студентлари таҳсил кўрмоқдалар.



Ҳозирги М. Горький номли Маданият ва истироҳат боғидаги бу иморат ўтган асрда Тошкент драма санъати ҳаваскорлари жамиятининг ёзлик театри бўлган. Бу ерда Фурқат 1890 йил, 5 октябрда Н. Куликовнинг «Суворов қишлоқда, Миланда ва яхши хулқли аёллар орасида» комедиясини томоша қилган эди. Спектаклдан олган таассуротлари Суворов ҳақидаги достонини яратишда шоирга туртки берган.



Василий Степанов бу ғоят муҳим иш билан бир неча ҳафта ёки ой эмас, балки роппа-роса бир йил шуғулланганини кўрсатади.

Фурқатнинг рус дўстларидан юқорида номи эслатиб ўтилган Михаил Степанович Андреевнинг ҳаёт йўли айниқса ибратлидир. Анча узоқ умр кўрган (у 1948 йили, 75 ёшида вафот этган) Андреевни Тошкент Давлат университети шарқ факультетининг дастлабки студентлари яхши биладилар. Бу улкан олим ҳозирги кўпгина таниқли шарқшуносларнинг муҳтарам устози эди. Тошкентда туғилиб ўсган Михаил Степанович ўзбек халқининг тили, урф-одатлари, этнографиясини севиб ўрганади. У ўтган асрнинг 80-йилларида Тошкент гимназиясида ва Туркистон Ўқитувчилар семинариясида таҳсил кўргач, Фурқат билан деярли бир вақтда Эшонқули додхо мадрасасида ўқиб, уни 1894 йили тугатади. Андреев мадрасани тугатгач, Ўқитувчилар семинариясида ва реал билим юртида ўзбек ҳамда форс тилларидан дарс беради, 1896 йили «Рус тилини дастлаб ўрганиш учун қўлланма» дарслигини нашр эттиради.

Истеъдодли олим Тошкент гимназиясида инглиз, француз тилларидан ташқари ҳинд, пушту, форс, ўзбек ва тожик тилларини қунт билан ўрганади. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети архивида сақланаётган шахсий варақаси ва таржимаи ҳолидан маълум бўлишича, у саккиз тилни мукаммал билган. Улкан фан заҳматкаши Мўғулистон ва Шарқий Туркистон сафаридан сўнг, 1905 йили Ҳиндистонга ҳам узоқ муддатли сафар қилиб, у ерда тўққиз йил яшайди, ҳинд ва пушту тилларини пухта ўрганади, ҳинд халқи этнографиясига оид бебаҳо материаллар тўплайди. 1914 йили Кашмир ва Шарқий Туркистон орқали карвон йўли билан Фурқат яшаган Ёркентга боради, ундан юртига қайтади. Улкан олим М. Андреев 1911 йили Бенгал География жамиятининг мухбир аъзоси қилиб сайланган.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ва асримиз бошида М. Андреев Туркистон археология ҳаваскорлари тўгарагининг фаол аъзоларидан бири сифатида маҳаллий халқнинг узоқ ўтмишидан гувоҳлик берувчи кўпгина тарихий обидаларни излаб топиш, уларни келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Михаил Степанович шахсан излаб топган ва жамлаган мис, бронза, ёғочдан ишланган этнографик коллекциялар ҳозир СССР Фанлар академиясининг Этнография ва Антропология музейида энг нодир экспонатлар сифатида сақланмоқда. Туркистон археология ҳаваскорлари тўгарагида М. Андреев Фурқатнинг Мирзо Абдулла Исамуҳамедов, Эшонхўжа Маҳмудхўжаев, Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжаев сингари дўстлари билан ҳамкорлик қилган.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги йилларда М. Андреев Туркистонда дастлаб ташкил этилган илмий ташкилотлар ва ўқув юртларида ишлади. 1918 йили Туркистон Шарқ институтининг директори қилиб тайинланди. 1920 йили В. И. Ленин ташаббуси билан Туркистон Давлат университети учун ўқитувчилар танланганида биринчилар қатори М. Андреев бу рўйхатга киритилган эди.

Этнография соҳасидаги қизғин фаолияти учун олим 1929 йили СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолигига, 1943 йили эса, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланади. М. Андреевнинг ўнларча илмий тадқиқотлари совет шарқшунослик фанида чинакам кашфиёт — олимнинг боқий умрига қўйилган кўркам ҳайкалдир.

Охири 9-сонда

Қардошлар адабиётидан

1940 йил Болтиқбўйи халқлари тарихига буюк ўзгаришлар йили бўлиб, зарҳал ҳарфлар билан битилди: литва, латиш, эстон меҳнаткашлари ишчилар синфи ва Коммунистик партия раҳбарлигида ўз юртларида Совет ҳокимиятини қайта тикладилар. Ўша йилиёқ Литва, Латвия, Эстония иттифоқчи республикалар сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи составига қабул қилинди. Бу йил ана шу шонли тарихий воқеанинг қирқ йиллигини Болтиқбўйи совет республикалари меҳнаткашлари барча қардош республикалар халқлари билан биргаликда нишонламоқдалар.

Утган қирқ йил мобайнида Болтиқбўйи халқлари, жумладан, литва халқи улкан иқтисодий, маданий ва сиёсий ғалабаларни қўлга киритди. Айниқса, литва санъати ва адабиёти мисли кўрилмаган даражада юксалди. Литва совет адабиётининг энг нодир намуналари қардош халқлар тилларига ва ажнабий тилларга таржима қилиниб, шуҳрат қозонди. Хусусан, Йонас Авижюс, Эдуардас Межелайтис, Юстинас Марцинкявичюс асарлари Иттифоқимиз китобхонларининг кенг эътирофига сазовор бўлди. Ўзбек китобхони ҳам бу сўз санъаткорларининг бақувват асарлари билан яхши таниш. Литванинг атоқли шоири Эугенюс Матузявичюснинг рангин ижодидан намуналар эса китобхонларимизга биринчи марта тақдим этилмоқда.

Литва ССР Давлат мукофоти лауреати Э. Матузявичюс ижоди кўп қиррали. У — шоир, таржимон ва адабий танқидчи. Бироқ Иттифоқимиз китобхонлари санъаткорни асосан шоир сифатида танийдилар. Матузявичюснинг шеърий тўпламлари рус, белорус, латиш ва украин тилларида босилиб чиққан. Шоир шеърларида замондошимизнинг мураккаб ҳаёти, бой маънавий олами, умр мазмуни, инсоний бурч, табиатнинг улуғворлиги ва қудрати самимий мисраларда теран тараннум этилади.



Эугенюс **МАТУЗЯВИЧЮС**

Кузги буғдойзорлар

Қаён қарама — кўм-кўк —
Қувнаб-яшнаб кетар кўз.
Кузги буғдой майсаси —
Зумрад қирлар томонда.
Кўпдан бери бу қадар
Меҳрибон бўлмовди куз.
Нақ ранг-баранг чечаклар
Яшнагандай ўрмонда...

Ер бир текис тин олар.
Хаёлдан чиқади куз...
Баҳор ўтига ўхшаб
Буғдойзорлар ҳилпирар.
Шоирнинг юрагида
Яширинган қанча сўз
Табиий қудрат билан
Кучга тўлиб, қабарар.

Сўз
Азиз далаларга,
Меҳрибон она ерга,
Ер узра янграётган
Халқ куйига суянса,
Донларга куч бергандай
Ер куч берар сатрга,
Сўз
Заминга, илдизга
Ва тупроққа таянса.

Замон сўқаси тилар
Шоирнинг юрагини.
Вақт етиб,
Сўз экини
Чиқариб қолар бошоқ.
Эҳ, қалбимга кўмилган
Ҳар уруғ чиқса униб,
Ҳар сўз бош кўтарсайди
Атрофга солиб янгроқ...

Мен барча сўзларимнинг
Кузги буғдой сингари
Ям-яшил тўлқин бўлиб
Ҳилпирашин истайман.
Сахий кузни кутгандай
Сатрим кутсин дўстларим.
— Э сўзим! Эл қалбини
Яшнатгил,— деб қистайман.

* * *

Қумлоққа қўйиб бошин
денгиз уйқуга кетди.
Уйғотманг уни!
Шовқин солманг —
Ақалли бир соат
Уйқусин бўлманг!

Уйқусиз ўтди-ку кунлари,
тунлари.
Портлади миналар, санчилди ўқлар.
Чўкаётган кемалар бағрин тирнади.
Аёллар қичқирди, эрлар, жужуқлар...

Денгиз уйқуга кетди.
Уйқусин бўлманг.
Бошида ҳукмрон чошгоҳ сукунати,
Ҳаттоки қичқирмас бирор чағалай.
Ҳатто ғижирламас бирор қарағай.
Бу чошгоҳ тинчини,
Бу жимжитликни,
Денгизнинг бу толғин хобин авайлар,
Оромин авайлар
Қарағайлар.

Денгиз уйқуга кетди.
Уйқусин бўлманг.

Дил

Ҳаётда
Йўқотиб
Ва топиб юрдим...
Орзуни қўлладим: қўрқма, ниҳолим!
Мен ҳозир дунёни
Бошқача кўрдим.
Кўпини, ҳойнаҳой, англатар ўлим.

Аммоки, кўксимда тепаётган дил,
Мен тирик эканман,
Бепарво бўлмас.
Уни ҳаяжонга солар муттасил:
Гул, юлдуз, кун, бошоқ,
Ҳар одам,
Ҳар сас...

Унга тинчлик керак,
Гўдак кулгиси,
Меҳрибон кафтлару
Тобланган қўллар.
Дилнинг
Висол-ҳижрон, кувонч-қайғиси,
Тошвиши бўлмаса
Бари бир сўлар.
Меҳнат ижодкору
Дўстлик ҳаётбахш,
Йўлимиз шиддатли —
ишончим комил.
Она-юртсиз қандай —
Менинг борлигим бежиз эмаслигин
ҳис қиларди дил!

Миразиз АЪЗАМ таржималари

Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллигига

ИЛМИЙ БАШОРАТ

Ибн Сино кўпроқ машҳур файласуф ва улкан табиб сифатида танилган. Бироқ физика, механика, математика, табииёт, астрономия, мантиқ, мусиқа назарияси, этнография каби кўп турли фанлар соҳасида ҳам у жаҳоншумул мерос қолдирган.

Бу кичик мақолада буюк юртдошимизнинг физика фанига оид хизматларига тўхталиб ўтамиз.

Ибн Сино физикани табиат ҳақидаги фан деб ҳисоблайди ва унинг ҳаракатланувчи ҳамда ўзгарувчи моддаларни ўрганишини қайд этади. Беруний заррачаларнинг бўлинмаслиги ҳақидаги таълимот нотўғри, уларнинг абадий бўлинаверишига доир назариялар чалкаш, бўлинавериш йўқликка олиб боради, бироқ бундай бўлиши мумкин эмас, чунки моддий олам абадийдир, деган мулоҳазаларни билдирган эди. Ибн Сино буларга қўшимча қилиб: «Заррачалар яна бўлиниши мумкин, лекин бу бўлиниш чеклангандир», дея аниқлик киритади. Беруний Ибн Синонинг бу жавобидан қаноат ҳосил қилгач, яна мактуб йўллаб: «Тўғри, заррачаларнинг бўлиниши чеклангандир... Заррачаларнинг орасида бўшлиқ ва ўзаро тортишиш кучи бор. Модомики, шундай экан, сенингча, ўша бўлинган бўлакчаларнинг ўлчамлари каттами ёки улар орасида қоладиган бўшлиқнинг масофаси каттами? Шу тўғрида фикр юритмоқ керак», деб таклиф этади.

Кўриниб турибдики, икки буюк олим атомдан кичик бўлакчаларнинг мавжудлиги, улар орасидаги бўшлиқ ва ўзаро таъсир кучлари ҳақида фикр юритганлар. Уларнинг бу ~~башоратлари~~ фанда фақат XIX—XX асрлардагина тасдиқлангани бизни ҳайратга солади.

Беруний ва Ибн Сино энергиянинг бир турдан бошқа турга айланиши масаласини ҳам аниқ табиат ҳодисалари асосида баён қиладилар. Уларнинг талқинига кўра, қуёшдан келаётган ёруғлик энергияси денгиз ва океан сувларини иситади. Ишқаланиш натижасида жисмлар қизийди. Иссиқлик ҳаракат баробарида мавжуддир. Иссиқликдан ҳосил бўлган сув буғлари ҳаракатга келади ва турли ҳароратларда қор, ёмғир, дўл ҳамда шудрингга айланиб пастга тушади. Жисмлар ишқаланганда қаҳрабо — электр кучи ҳосил бўлади ёки магнит (мағнотис, оҳанрабо) темир ёки пўлатга таъсир кўрсатиб иш бажаради. Бундай мисоллар уларнинг турли асарларида кўп учрайди.

Ибн Синонинг қуйидаги сўзлари айниқса характерлидир: «Айланма ҳаракат, жисмларнинг фақат бир жойдан бошқа жойга кўчишидангина иборат бўлиб қолмасдан, ўз ўқи атрофида айланиши ҳамдир». Олим жисмларнинг бўшлиқда айланма ҳаракат қилиши, баъзан эса бир қисмининг айланма ҳаракат доирасидан эҳралиб чиқиши ҳам мумкинлигини айтади. Худди мана шу кейинги иборадан марказдан қочиш кучи қонунини эслатади. «Агар кимдир ишкомни кўтариб турган устунни тортиб олса, ишкомни қулатади, деб ҳисоблайдилар, аслида эса у ишкомни қулатмайди, балки ишком ўзи учун хос бўлган оғирлик кучининг таъсирида қулайди», деб ёзади Ибн Сино.

Олимнинг қуйидаги сўзларига эътибор қилинг: «Агар сабаб (куч) йўқолса, шу сабаб вужудга келтирган ҳодиса (оқибат, аниқроғи — тезланиш) ҳам амалга ошмайди». Фалсафа фанлари доктори О. Файзуллаев буюк олимнинг бу таъбирини мана бундай баҳолайди: «Ана шу ажойиб ғоя Ньютоннинг иккинчи қонунида ўз ифодасини топди». Бу ҳам Ибн Синонинг илмий башорати эди.

Олимнинг: «Бир хил шароитда кичик жисмлар тезроқ, катта жисмлар эса секинроқ ҳаракат қилади», деган мулоҳазаси бугуннинг нуқтаи назаридан ҳам жиддий ўрганишга арзийдиган масаладир. Ибн Синонинг бу ибораси турлича массага эга бўлган жисмларга бир хил куч таъсир қилганда тезланишнинг массага тескари пропорционал бўлишини англатади. Дарҳақиқат, табиатнинг бу қонуни кейинчалик Ньютоннинг иккинчи қонуни номи билан фанга кирди.

Олим ер куррaси учун асосий ёруғлик манбаини Қуёш деб ҳисоблаш билан бирга, совуқ ҳолатда ҳам ўзидан нур чиқарувчи манбаларни эслатиб ўтади. Бу ҳодиса фанда ҳозирги замон термини билан люминесценция ҳодисаси деб юритилади.

Беруний ва Ибн Сино ёруғликнинг синиш ҳодисасини, нур бир муҳитдан зичлиги кам ёки кўп бошқа бир муҳитга ўтган вақтда содир бўлади, деб изоҳлайдилар. Шунингдек, линзадан нурнинг ўтиш ва тўпланиши оқибатида куйдириш қувватининг пайдо бўлиш ҳодисаси ҳамда линза орқали буюмларнинг катталашиб кўриниши сабаблари ҳам жуда тўғри изоҳлаб берилади.

Мана бир мисол. Берунийнинг: «Сув тўлғазилган юмалоқ, тиниқ шиша идиш нурни тўплаб куйдиришда бамисоли юмалоқ бир тиниқ тош хизматини ўтайди. Шиша ичи сувдан бўшатилиб, ҳаво билан тўлғазилган тақдирда куйдирмайди ҳам, қуёш шуъласини тўпламайди ҳам. Бунинг сабаби нимада?», деган саволига Ибн Сино: «Албатта сув зич, вазмин, тиниқ бир жисм бўлиб, унинг таркибида бир оз ранг бордир. Худди шунга ўхшаш ҳар бир нарсадан ёруғлик акслanади, синади. Шунинг учун сув билан тўлғазилган шишадан ёруғлик акслanади. Аммо ҳавода нур кучи синмайди», деб жавоб беради.

Ибн Сино кўриш бурчаги, яъни буюмларнинг узоқдан кичрайиб кўриниши ва яқиндан катталашиб кўринишининг сабабларини ҳам чизмаларда кўрсатиб, геометрик воситалар орқали исботлайди.

Аллома ўзининг «Қонун» китобида кўз, икки кўз билан кўриш, тасвирнинг тўрпардада ҳосил бўлиши, кўриш нервлари каби кўпгина масалаларни аниқлаган, бу ҳодисалар эса фанда ундан анча кейин ўз илмий ифодасини топди.

Буюк олим Берунийнинг саволларига жавоб бериб, Ернинг экваторга яқин жойларида ҳароратнинг юқори, қутбга яқин жойларида эса паст бўлишининг сабабини, курранинг шарсимон шаклда эканлиги туфайли қуёш нурлари экваторга яқин жойларга тик тушиши, қутбга яқин жойларга эса ётиқ тушиши натижасидадир, деб кўрсатади. Унинг бу жавоби ҳозирги замон физикасида ёритилганликнинг иккинчи қонуни номи билан юритилади.

Беруний Синога қилган эътирозида бу сабабнинг ўзи кифоя эмаслигини, яъни куннинг узун-қисқалиги каби бошқа сабабларнинг ҳам мавжудлигини эслатиб, Ер ўқининг оғмалигига ишора қилмоқчи бўлади. Тўғри, Ибн Синонинг жавобларида айрим камчиликлар ҳам учрайди. Доҳий Ленин уқтирганидек, буюк кишиларга баҳо берилганда, унинг ўзидан олдин ўтган олимларнинг ишларига нималар қўшганига қараб қадрламоқ керак. Бу жиҳатдан олганда Ибн Сино ишлари катта ҳурмат ва эътиборга лойиқдир.

Булардан ташқари, Ибн Синонинг ёруғлик тезлигининг вақтга боғлиқ

Ашурали ЖЎРАЕВ

БАХТ ҚУШИ

Ҳикоя

Мўмин онаси берган пулни сарф қилмади. Эрталаб мактаб буфетидаги вафлидан жуда егиси келса ҳам, олмади. Дарсдан кейин кўчма кино келди, унга ҳам кирмади. Мактабдан қайтаётса — йўлда бурни катта амаки сандиқдек қутини орқалаганча чинқироқ товушда: «Сар-ра бодро-оқ! Сар-ра бодро-оқ!», дея жар солиб юрибди. Кўчадаги болалар амакини ўраб олишди. Мўмин эса, бодроқ егиси келган бўлса ҳам, индамай кетаверди.

Мўминнинг синфдоши Усмон мактабда сариёғ сурилган юмшоқ нондан тўрт бўлагини паққос туширди. Она тили дарсида ҳам нимадир кавшаб ўтиргани учун ўқитувчидан дакки эшитди. Охирги дарсга кирмай киночилар орасида уймалашиб юрди. Агар ҳозир бодроқни кўрганида борми, албатта портфелини тўлдириб оларди.

Мўмин унга ҳайрон: доимо чўнтагида уч сўмлик, беш сўмлик пуллар юради. Мўмин эса бундай пулларни баъзан отасининг қўлидагина кўради, холос.

— Бунча пулни сенга ким беради?— деб сўради у бир куни Усмондан.

— Дадам.

Унинг дадасини Хол мудир дейишади. Магазинда мудир бўлиб ишлайди-да. Мўмин у одамнинг болаларни камситиб, каттазанглик билан гапиришини ёмон кўради. Лекин ундан сўз очса, момоси дойм: «Ё тавба-ей, мунча маҳмадона бўлмасанг!— деб гапиртирмайди.— Хол етимликда ўсган. Энди бечоранинг бошига бахт қуши қўнибди, ёмон кўздан асрасин! Иккинчи бундай гапларни гапирма, хўпми? Оппоқ боласан-ку».

Мўмин бахт қушини ўзича тасаввур қилади, тумшуғини, қанотларини, думини бошқа қушларникига қиёслайди. Сўнг уни Хол мудирнинг бошига қўндириб кўради.

...Мўмин қирқ тийинни сиқимида қисганча тирга кирди. Тир — Усмоннинг отаси ишлайдиган магазиннинг ёнгинасида.

— Ҳаммасига отасанми?— деб сўради Ўроқ амаки.

— Ҳаммасига.

— Курсичани берайми?

Мўмин бош ирғади; пештахтага бўйи етмас, Ўроқ амаки унга доим курсича қўйиб берар эди.

Мўмин милтиққа ўқ жойлаб, бир кўзини қисганча нишонга ола бошлади. Ана, лапанглаб айиқполвон келяпти. Тавба, шундай баҳайбат нарса икки оёқда қандай юраркан? Лунжларини осилтириб, оғзини катта очган. Шўрлик ўзи икки оёқда зўрға кетяпти, уни йиқитишнинг нима кераги бор? Ана, хартумини судраб фил ўтяпти. Болалигида шундай ўйинчоғи бор эди, бахмалдан. Шуни эслаб, филни ҳам отмади. Фил серрайиб ўтиб кетди.

Шу пайт худди тоққа тирмашиб чиқаётганек... бўри кўринди. У баҳайбат эди. Гўё «хавфли жой»дан тезроқ ўтиб кетмоқчидек илдам юқорилаб боряпти. Мўмин аввалига оғзи беўхшов, сўйлоқ тишлари қозиққа ўхшаган бу махлуқни отгиси келмади. Сўнг бобоси айтиб берган ёвуз бўрилар ҳақидаги эртакни эсладию бўрини нишонга олди. Аммо у аллақачон «қутулиб» кетган эди. «Бари бир қайтасан-ку!».

Кейин катта-кичик қушлар кўринди. Улар учмоқчидек қанотларини ёзиб олган. Ўқ тегавериб «яраланмаган» жойлари қолмаган... Мўмин бахт қушини эслаб, қушларни ҳам отмади — ҳаммасини ўтказиб юборди. Милтиғининг учини четга бурib турди. Борди-ю, янглишиб бахт қушини отиб қўйсами?..

Мана, каптар... Мўмин улардан бир тўдаси клуб томига ин қўйганини билади. Болалар ҳар куни тутишади. У ҳам бир марта ушлаб кўрган. Ўзи жуда ювош, патлари юмшоқ бўларкан. Аммо яқинда каптарлар йўқолиб қолишди. Искандар сариқнинг айтишича, Усмонларнинг оғилхонаси орқасида бир тўп пат сочилиб ётганмиш... Кейингиси мусича, ундан кейингиси — қалдирғоч... Мўмин бу қушни ҳам яхши кўради. Уларнинг уйида бир эмас, учта қалдирғочнинг уяси бор. Анави, думи узуни — ҳакка. Бобоси уни «Хосиятсиз қуш», деган эди. Момоси ҳам шу қушни ёмон кўради, сайраганини эшитиб қолса: «Ҳа, томоғингга тош тиқилгур», дейди. Шуни отсамикан? Лекин обдон кўзлаб отиш керак.

Тирнинг омонатгина зиналари қирсиллади, бола турган курсича қимирлаб кетди.

— Э, келинг, Хол ака,— деди Ўроқ амаки.

— Қалай, Ўроқвой? Ишлар тузукми, оғайни? Уқларни пуллаб ётибсиз? Бу дейман, одамзод ҳар нарсани пулларкан-да?— деди Хол мудир қўлидаги жажжи занжирли калитни ўйнаб.

— Ҳа, энди...

Усмоннинг отаси Мўминга қаради:

— Ўқни қарсиллатаётган ким десам — Мурод чўлоқнинг ўғли-ку. Отяпсанми? Маладес. А, бу ўқларингнинг бирортаси ҳам нишонга тегмабди-ку? Сени қара-ю! Бизди Усмон хўроз бехато уради. Қани, Ўроқвой, милтиқни олинг-чи.

Хол мудир милтиқни шарт-шурт

лиги ҳақидаги хулосаси ҳам характерли. Ҳатто XVII асрда Галилей билан унинг яқин дўсти Сарпининг «Ёруғлик тезликка эгами-йўқми?» деган масалада ўтказган тажрибалари муваффақиятсиз бўлса ҳам, ўша давр учун бу соҳада бир қадам олға босиш эди. Чунки уларгача ўтган кўпчилик олимлар ёруғликнинг тарқалиш вақти йўқ, деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳам Ибн Синонинг ёруғлик тезликка эга, унинг тезлиги товуш тезлиги билан таққослаб аниқланади, деган хулосалари жуда муҳҳимдир.

Ибн Сино ёруғлик дисперцияси ҳодисасини Рустам камалаги деб аталган ҳодисанинг сабаби баёнида тушунтиради: қуёш нури мураккаб нур, у булут ва ёмғир томчилари орасидан ўтган вақтда ўзининг таркибий қисмларига ажралади ва ер шарсимон бўлгани туфайли ёй шаклида кўринади, деб изоҳлайди. Бу ҳодиса кейинчалик Ньютон томонидан призмада кузатилиб фанга киритилди.

Беруний, Ибн Синодек забардаст алломаларимизнинг физика ва механикага доир қолдирган улкан мероси ҳамда фавқулодда зўр ажойиб кашфиётлари бу соҳаларнинг мустақил фан сифатида ажралиб чиқиши учун асосий замин яратди, десак муболаға бўлмайди. Чунки уларнинг жаҳон физика фани равнақига қўшган муносиб ҳиссалари, аслида бундай мақтовлардан анча юксак туради.

Биз улуғ юртдошимизнинг физика фани ривожига қўшган улкан ҳиссаларидан фақат айрим намуналарнигина келтирдик. Унинг физикага оид ҳамма ишларини шунчаки санаб чиқиш ҳам қийин. Юқорида келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам улуғ Абу Али ибн Синонинг ҳақли равишда Беруний, Леонардо да Винчи, Галилей, Ньютон каби машҳур физик олимлар билан бир қаторда турганидан далолат беради.

Тошпўлат УСМОНОВ,
Мақсуд ИБРОҲИМОВ,
Эргаш БОТИРОВ

Меросимизни ўрганамиз

НАЙЗАЛИ ҲАЗИЛКАШ

Бир куни Самарқанддан қуйидаги мазмунда хат олдим: «Сиз орқали бир нарсани аниқламоқчи эдим. Мени ўзбек совет сатирасининг 20-йиллардаги кўзга кўринган вакилларидан бири Ҳожи Олим Қобилий ҳаёти қизиқтирмоқда. Менга унинг туғилган йили, фаолияти ва вафоти ҳақида баъзи маълумотлар жуда керак бўлиб қолди. Шу масалада ёрдамлашармикансиз, деб Сизни ташвишлантиряпман. У, ахир, марғилонлик-ку. Агар малол келмаса, уни яхши биладиган одамлар билан суҳбатлашиб, баъзи маълумотларни ёзиб юбора оласизми?»

Хат автори Жўра Аҳмаджонов кекса ғазалхон шоирларимиздан. У кишининг илк шеърлар тўплами Фалончи тахаллуси остида «Эпашанг нусхалар» номи билан 1933 йили босилган, «Қопқон» деган китобчаси эса «Муштум» кутубхонаси» сериясида 1974 йили чиққан.

Мактуб эгасига ва, умуман, илмий-адабий жамоатчиликка Ҳожи Олим Қобилий ҳақида асослироқ маълумотлар билдириш мақсадида шоир ҳаёти ва ижоди бўйича баъзи изланишлар ўтказдим. «Янги Фарғона», «Коммуна», «Марғилон ҳақиқати» газеталари ва «Муштум» журналидан бу ўзига хос ижодкорнинг мингга яқин шеърий, насрий, бадиий-публицистик асарларини йиғдим. Бу ўринда шоирнинг жияни, СССР Журналистлар союзининг аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Қодир Юсуфий, қизи — Олтиариқ районидаги Энгельс номли колхоз аъзоси Лолахон опа Қобилова, журналист Комуна Олимова лутфан тақдим этган материалларни ҳам миннатдорлик билан қайд қилиб ўтишни истайман.

Маълум бўлишича, Олим Қобилов 1895 йили Марғилон шаҳридаги собиқ Маориф ўрамида туғилган. 1900 йили отаси Қобил Маҳмудов вафот этиб, беш яшар Олимжон онасининг қўлида қолади. Бошланғич маълумотни ибтидоий мактабда олган Олимжон кичикликдан адабиётга меҳр қўяди, классик шоирларнинг асарларини берилиб мутолаа қилади, шеърий машқлар билан шуғулланади.

Онаси диний сафсаталарга унча ҳуши йўқ «шаккок» ўғлини «қайириб олиш» учун 1910 йили ҳажга олиб кетган экан. Лекин ҳаётга зийрак, тенқидий қараш, воқеа-ҳодисаларни ҳушёр тафаккур этиш ва баҳолаш қобилиятига эга бўлган ёш шоир ҳаждан атеистик кайфиятда қайтади.

Ёш ғдиб Улуғ Октябрь социалистик революциясини хурсандлик билан кутиб олади. Янги жамият қуришда фаол иштирок этади. 1918—22 йилларда Конибодомда ўқитувчилик қилиб, маърифат ва янги ғояларни тарғиб этади. 1922—23 йиллари Марғилонда, 1923—24 йиллари ҳозирги Ленинск районида революцион комитет раиси лавозимида ишлаб, инқилоб ғалабаларини мустаҳкамлаш ва душманларга қарши муросасиз курашда жонбозлик кўрсатади. Ўша йиллари СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлаш кун тартибида турган энг муҳим масала эди. Шунга кўра, партия Олим Қобилийни ҳам кўплар қатори Тошкентдаги пахтачилик курсига ўқишга юборади. 1924—27 йиллар давомида Фарғона шаҳри ва Қувадаги пахта заводларида директор ўринбосари, директорлик вазифаларида ишлайди, бу муҳим тармоқни оёққа турғазишда ўзининг ташкилотчилик қобилиятини кўрсатади.

Мана шу йиллар давомида республика матбуотида Ҳазилкаш имзоси билан босилган фельетонлар, ҳажвий шеърлар жамоатчиликнинг диққатини тортади. Бу материаллар даврнинг турли долзарб масалаларидан баҳс этар эди. Олим Қобилий ижодидаги ҳажвий руҳ жамоатчиликка манзур тушди. 1929 йили шоир «Муштум» журналига таклиф этилди...


30-йилларда Қобилий янада кенг танилди. 1925 йили шонли Ленин партияси сафига қабул қилинган жанговар журналистнинг ҳаёти матбуот ва матбаачилик билан чамбарчас боғланган эди.

«Ҳазилкаш»— Ҳожи Олим Қобилий асарларида энг кўп қўлланган адабий тахаллусдир. Бундан ташқари у яна «Ҳаш», «Х. Ш.», «О. Қобил», «Чиғириқчи», «Домулло Ҳазилкаш», «Ҳазилкаш Пиён», «Ҳожи» каби лақаб ва имзолардан ҳам фойдаланган. Ҳожи Олим Қобилий гарчи соддагина «Ҳазилкаш» сўзини тахаллус қилиб олган бўлса-да, уни енгил-елпи ҳазил-мутоиба билан шуғулланган шахс маъносида тушуниш хато бўлар эди. Шоирнинг адабий мероси шуни кўрсатадики, Ҳазилкаш ёш совет давлатининг ички ва ташқи душманларига, эски жамият қолдиқларига қарши муросасиз курашган фаол жангчи бўлган. Бу йўлдан уни иғвофитналаргина эмас, турли-туман дўқ-пўписалар, ҳатто ўлим таҳдиди ҳам қайтара олмаган.

Қўрқма, на бўлса бўлсин, тебрат қалам, Ҳазилкаш,
Рост сўзлаган кишига иғво қилиб бўлурму?—

деб ёзади у бир шеърида. Истеъдодли ижодкорнинг адабий-эстетик программаси — партиянинг жанговар кўмакчиси сифатида сўнгги нафасигача хизмат қилиш эди.

М. МАДҒОЗИЕВ,
филология фанлари кандидати
Фарғона



Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

ўқлаб, кўринган қушни ота бошлади. Мўминнинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Ана, каптар йиқилди, кейин — қалдирғоч, каклик, ҳаккa, мусича... Ишқилиб, бу ўқлар бахт қушига тегиб кетмасин-да!

— Мана бунақа бўлади отиш!— дерди Хол мудир завқ билан тепкини босиб.

— Энди-и, амакиси, сиз нишонга олаверинг ўрганиб кетгансиз-да. Бу полвон ҳам анча бехато ураркан-ю, ҳали ёш,— деди Ўроқ амаки Мўминнинг ёнини олган бўлиб.

Бўри кўриндию Хол мудир милтиқни столга ташлади.

Тирдан Мўминнинг ҳафсаласи пир бўлиб чиқди.

У кечга яқин отаси билан ёғ, гуруч ва чой олгани магазинга жўнади. «Кеча пахта гулли пиёла, чойнак келган экан, сўраб кўринг-чи, қолганмикан», деб тайинлаб қолди онаси.

Магазин одатдагидек гавжум эди. Отаси ёғ билан чой олди. Гуруч йўқ экан. Чойнак-пиёла сўраган эди, Хол мудир елка қисди:

— Тамом бўлди, бўлмаса сиздан аярмидим?!

Шу пайт магазинга Рўзи тоға кириб келди. У ҳар замонда ичиб турарди.

— Келинг, Рўзи тоға. Ишлар қалай? Шу ерда ичасизми ё олиб кетасизми?— деди Хол мудир бир шишани пештахта остидан олиб, қоғозга ўраб узатаркан.

— Сенга бари бир эмасми? Бу ерда ичсам ҳам, уйимда ичсам ҳам ўзимнинг пулимга ичаман. Ё текинга бермоқчимисан?

Ҳамма кулди.

Рўзи тоға ғалати одам. Айтишларича, уруш йиллари жанг қилиб Берлингача борган. Кўп мамлакатларни кўрган. Гоҳо тўйларда немисча ўйинга ҳам тушади. Қўли гул дурадгор. Бирон иморатни бошласа, аввал битказади, кейин пулини олади. Баъзилар пулини бермаса, бир-икки марта сўрайди-ю, кўп қистаб юрмайди, урушда икки бармоғини ўқ олиб кетган ўнг қўлини силтаб: «Имонсиз!», деб қўяқолади. Аммо ичиб олса — ҳамманинг жонига тегиб кетган қўшиғини хиргойи қилишга тушади:

Тоғ бошида қўш қарағай-қарағай,
Ўтолмайман қарағайга қарамай.
Виждонингга нега қилдинг
хиёнат,
Виждонингдан бирор оғиз
сўрамай?

Ота-бола магазиндан чиқишди. Магазиннинг биқинида районда ишлайдиган Илҳом доктор икки қўлида қоғозга ўроғлиқ пиёла кўтариб турарди.

— Ҳў бола, машинанинг эшигини очиб юбор,— деди у Мўминга.

Мўмин бориб машина эшигини очди. Илҳом доктор пиёлаларни авайлаб ўриндиққа қўйди-да, машина ойналарини кўтариб, эшигини ёпди.

— Оббо, ярамас-эй, ҳозиргина сўрасам, «Тамом бўлди», девди-я! Бўрининг ўзгинаси!— деди Мўминнинг отаси ўзига ўзи гапирганек.

Мўминнинг кўз олдида тирдаги бўри гавдаланди.

Мўмин уйга келгач, момосини ҳол-жонига қўймай яна бахт қуши ҳақида саволга тутди: Қандай қуш ўзи? Уни қачон кўрса бўлади?..

— У одамнинг кўзига кўринмайди, болам. Парвардигор кимни суйса, уни ўшанинг бошига қўндиради. Ё тавба-ей... Бўлди, ҳеч қандай бахт-махт қуши йўқ!— деди момоси уни охири жеркиб.

Мўмин қайтиб момосига бу ҳақда оғиз очмади. Аммо ҳар гал тирга кирганида бахт қушини эслар, бахт қуши борми, йўқми — бари бир уни отиб қўйишдан қўрқар эди.

Бухоро

Гулистон
ГАЛЕРЕЯСИ

РАНГЛАР УМРИ

«Шуҳрат рассом сифатида жуда эрта шаклланди. У «Болаликни эслаб», «Ишдан қайтиш», «Чашма» каби асарлари билан Республика ва Бутуниттифоқ рассомлар кўргазмаларида қатнашиб, изланувчан ижодкор эканини кўрсатди». Устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг бу сўзлари ёш мўйқалам соҳиби Шуҳрат Абдурашидов ҳақида айтилган.

Шуҳрат қисқа, аммо баракали ҳаётида тасвирий санъатнинг маиший жанрларида бир қанча теран мазмунли асарлар яратиб қолдирди. Бу асарларда замондошларимиз образини ёркин ифодалаб, тийрак дунёқараши, замонавий мавзуга садоқатини намойиш эта олди.

Тепақўрғон қишлоғи аҳолисининг ярмидан кўпини ўқитган ота — республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Абдурашид ака Саломов ўғлидаги тасвирий санъатга қизиқишни кўриб, илк уринишларининг рўёбга чиқишига кенг шароит яратиб беради. Мураббийлар ишончи, санъатга муҳаббат Шуҳратни П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртига етаклайди. Бу ерда у рассом Перов устахонасида санъат сирларини кунт билан ўргана бошлайди. 1968 йили билим юртини муваффақиятли тугатиб, В. Суриков номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Москва Давлат рассомлик институтида ўқишни давом эттиради. Билим даргоҳидаги моҳир мураббийлар ёш рассомнинг ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, маҳоратини янада такомиллаштиришида ёрдамларини аямадилар.

Шуҳрат талабалик йиллари пойтахтнинг кенг, кўркам кўчаларида сайр қилишни яхши кўрарди. Москвадаги қадимий меъморлик обидалари, Третьяков галереясидаги нодир асарлар, Пушкин номидаги музей коллекциялари унда катта қизиқиш уйғотар, экспонатлар қаршисида соатлаб туриб қолар эди. Пойтахт маданий муҳитидан нафас олиш, тинимсиз ўқиб-ўрганиш ёш рассом ижодий услубининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

Студентлик йилларида Шуҳрат ўқиш билан бирга республикамиз маданий ҳаётига ҳам қизғин аралашди. Унинг барча асарларида давр руҳи, ёркин келажакка ишонч ҳисси ҳукмрон. «Сингилларим», «Сенинг мангу байраминг», «Шуҳрат портрети» каби автобиографик характердаги асарларида у ўзига яқин, ўзи яхши билган мавзуларга мурожаат қилади.

Болаликнинг порлоқ кунлари ҳеч қачон унутилмайди —«Болаликни эслаб» жанрли полотносида ифодаланган асосий фикр ана шундан иборат. Асар руҳидаги умумий қизил бўёқ, ижодкорга яқин одамларнинг сиймоси, бинафшаранг булоқ ва мағрур, азим дарахт тасвири рассомнинг туғилиб ўсган уйи, беғубор болалиги ҳақидаги ўйларини ифодалайди.



Шуҳратнинг асарлари ҳаётий воқеалар асосига қурилган. Уларда ортиқча муболаға ва детальларни кўрмаймиз, улар мазмунан жуда содда ва тушунарли. Унинг ҳар бир асари, қайси мавзуга бағишланмасин, аввало, томошабинга авторнинг характери, ҳис-туйғулари ва кайфиятини етказади.

Рассом кўпчилик асарларида она қишлоғини, ҳамқишлоқларининг турмуш тарзи, табиат гўзалликларини катта муҳаббат билан акс эттиради. Унинг асарларида табиатнинг тўфонли дамлари, мураккаб воқеалар, кескин тўқнашувлар кўп учрамайди. У яратган манзаралар кўнгилда ёруғ, ҳотиржам туйғулар уйғотади. Монументал манзарали тасвир —«Ассалом, Бахмал!» композицияси шу жиҳатдан характерлидир. Рассом бу асарида инсоннинг табиат, замин билан чамбарчас боғлиқлигини, унинг ажралмас қисми эканини ифодалайди. Асар марказида дастгоҳ ва этюдниклар билан ишлаётган ёшлар тасвирланган. Тоғ чўққиларининг булутлар билан қўшилиб кетгани, кенг водийларнинг ястаниб ётиши, узоқдаги пахта хирмонларининг оқариб кўриниши она юртимиз муаззамлигини яна бир карра таъкидлагандек бўлади.

«Ҳар бир ижодкор ўз юртини, унинг табиатини, тарихини, халқини, миллий анъана ва урф-одатларини севиб куйлашга интилади. Менингча, рассом тўғри келган мавзуни ишлайвермаслиги керак. Чунки мавзу доимо рассомнинг ўзи билан — унинг юрагида, руҳида ва муҳитга, умуман, ҳаётга бўлган муносабатида», дер эди Шуҳрат. Унинг ижоди — бу сўзларнинг ёркин исботидир.

Туғилиб ўсган қадрдон ўлкага муҳаббат Шуҳратнинг кўп асарларида берқ уриб туради. Рассом ҳар бир асарини яратишдан олдин кўплаб материал тўплар, бўлажак қаҳрамони билан яқиндан танишиб, унинг ички олами ва ҳаётини чуқурроқ билиб олишга интилар эди. Яратилажак асарини хаёлида ҳар томонлама пишитиб, бунга тўла ишонч ҳосил қилганидан кейингина ишга киришарди. «Рассом ва шоир» полотносини олайлик. Бу асарда санъат кишиларининг ўзаро яқинлиги, улар дунёқарашидаги умумийлик, шунингдек, она ер эгаларининг ўз юртидан ғурурланиш туйғуси монументал образлар орқали ифодаланади. Асар фонида қишлоқ ҳаётининг оддий кундалик лавҳалари поэтик руҳда тасвирланган.

Шуҳрат Абдурашидов ижодида хотин-қизлар образи кенг ўрин эгаллайди. Зеро, хотин-қизлар образи ҳамма замон рассомларининг диққатини ўзига тортиб келган. Шуҳрат бу мавзуга ўзича ёндашиб, замондош аёлларимизнинг бахтли, фаровон турмушини акс эттиради. Унинг «Чашма», «Аёл портрети», «Гулжаҳон», «Кампир ва невара» асарларидаги образлар ижтимоий муҳитда, тушунарли композицион яхлитликда яратилгани билан диққатга сазовордир.

«Гулжаҳон»— авторнинг портрет жанридаги пухта асарларидан бири. Унда юксак тоғларга туташиб кетган қишлоқ уйлари, ўртадаги кичкина мовий кўлдан идишига сув тўлдириб келаётган нозиккина, чиройли қиз тасвирланган. Рассом ўзбек қизи сиймосини яратаркан, унинг ажойиб миллий либосидан завқланади, ички гўзаллигини, самимий ҳолатини очиб беришга интилади. Асар рангга, нурга бой, нафис табиат тасвири ва инсоннинг рангин ҳис-туйғуларига йўғрилган.

«Кампир ва невара» асари ҳам рассомнинг одамларга ҳурмат ва муҳаббати мевасидир. Асардаги буви тийрак нигоҳи, эзгуликка ишончи ва самимияти билан томошабин диққатини ўзига жалб этади. Ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини татиган бувининг ёнида теваракдаги жамики нарсага қизиқувчи, йирик кўзларида олам-олам ҳайрат балқиб турган қизалоқ — невара тасвирланган. Бу картинада ҳам автор қаҳрамонларини табиат қўйнида акс эттиради. Буви ва невараниng хаёллари кичкина ҳовли оша кўм-кўк боғларга, яшил адирларга, мовий осмонга туташиб кетгандек.

«Сингилларим»да эса, бахтиёр болалик, порлоқ келажак асар фонида тасвирланган тип-тиниқ, зилол булоқ сувига қиёсланади. Унда жажжи қизалоқларнинг ҳаёти ана шу булоқ сувидек мусаффо бўлсин, деган орзу ётади.

Шу йил «Советский художник» нашриёти рус ва инглиз тилларида босмадан чиқарган «70-йилларнинг ёш рассомлари» альбомида қардош республикалар тасвирий санъати вакиллари қаторида Шуҳрат Абдурашидовнинг ижодига ҳам кенг ўрин берилган. Рассомнинг альбомга киритилган ишлари ҳақида москвалик санъатшунос А. Лёгкий шундай деб ёзади: «Унинг асарлари лириклиги, ҳаяжонлантирувчи поэтиклиги, ҳаётни фалсафий акс эттириши билан ажралиб туради. Бир қанча Бутуниттифоқ ва чет эл кўргазмаларининг иштирокчиси, «Мамлакатимиз ёшлиги» кўргазмасининг дипломи билан тақдирланган бу рассом ўз асарларида замондошларимизнинг баркамол образларини ҳар томонлама жонли гавдалантиради, инсон қалбига чуқур назар ташлайди».

Шуҳрат Абдурашидов моҳир рассомгина эмас, чин инсон ҳам эди. У оиласи, дўстлари, ҳамкасабалари ўртасида катта ҳурмат қозонган эди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом Бахтиёр Бобоев унинг инсоний ва ижодий фазилатларини хотирлаб шундай дейди: «Мен Шуҳратни билим юртида ўқиб юрган кезларидан биламан. У ўзининг билимга чанқоқлиги, истеъдоди билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Унинг дўстларига ишонч-эътиқодини ва табиатга мафтункорлигини эътиборга таъкидлагим келади. У ҳамиша одамлар орасида, табиат билан ҳамнафас бўлишни севар, ҳамма соҳага қизиқар, қайси мавзуда сўз очманг, яхши суҳбатдош бўла олар эди. Шуҳратнинг устахонасида ҳали тугалланмаган асарлари бор. Ўйлайманки, бу ишларни унинг дўстлари, шогирдлари давом эттирадилар».

Шуҳрат Абдурашидов давр руҳини, воқеликни аниқ акс эттирувчи бадиий полотнолар яратишга улгурган ажойиб рассом эди. У ўзининг қисқа умрини ранглар жозибаси билан безай олди. Шунинг учун ҳам унинг санъати ёркин ва умрбоқийдир.


Фарида РАБИЕВА,
Муаттар СОДИҚОВА



КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил Июль пленуми ва 1979 йил Ноябрь пленуми қарорларидан руҳланган республикамиз чорвадорлари меҳнаткашларнинг гўшт, сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини яхшироқ қондириш мақсадида ташаббус кўрсатиб, илмий-техник революцияси афзалликларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этган ҳолда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган районлар, совхозлар, колхозлар, қўшимча хўжаликлар, ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили зарбдорлари янгидан-янги меҳнат ташаббуслари билан майдонга чиқмоқдалар. Самарқанд область Хатирчи район, Акмал Икромов номидаги совхознинг моҳир сут соғувчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Маъмура Фозилова ҳам халқ фаровонлиги учун курашнинг пешқадамларидан ҳисобланади.

Советобод район «Ленинчи чорвадор» совхозининг 1-фермаси аъзолари бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 190 тадан қўзи олдилар. «Қўзиларнинг 30 процентини ўстириш учун қолдирмоқдамиз», дейди ферманинг бош чўпони Самад Одинаев.

А. ЭЛМУРОДОВ ва И. ҲАСАНОВ фотолари





БИБИ ВА НАБИРА.

Рассом


ШУҲРАТ АБДУРАШИДОВ

асарларидан




МИРОБ.

ОПА ВА СИНГИЛ.



БОЛАЛИКНИ ЭСЛАБ...



ТОНГ.

БАХМАЛ. ТОҒ ЖИЛҒАСИ.



УВАЛАР.



Ижодий портрет



ЕТУК ТАЛҚИНЛАР

АББОС Бакиров санъат оламига кириб келган кезларда Андижон театрининг шуҳрати бутун республикамизга таралган, унда ишлаётган Ҳалима Носирова, Лутфихоним Саримсоқова, Асад Исматов, Ваҳоб Азимов, Тўхтасин Жалилов, Қори Ёқубов сингари саҳна усталарининг ижоди барқ уриб яшнаган эди. Шундай бир шароитда таниқли санъаткорлар даврасидан ўрин олиш қанчалик мушкул эканини тасаввур этиш қийин эмас.

Ўзига ишониб-ишонмай театр остонасига қадам қўйган Аббос Бакировнинг туғма қобилияти театр раҳбарлари эътиборини дарров жалб этди. Аммо актёр табиий истеъдодининг образлар талқинида ўзини намоён қилиш жараёни аввалари қийин кечди. Дарвоқе, бу Аббос Бакиров ижодига умуман хос хусусият эди. Чунки санъаткор ижодга катта масъулият ҳисси билан ёндашарди. Бакиров қаҳрамоннинг ички драмасини чуқур ҳис этиб, образ талқинида дабдабага берилмай ишлар эди. У яратган образ салобатли, файзли бўлар эди. Актёр талқин санъатининг ўзига хос сири ҳам шунда эди. Афтидан буни ижрочининг ўзи ҳам, театр ва кино режиссёрлари ҳам яхши билардилар.

Аббос Бакиров асосан салбий ролларда ўйнар эди. Унинг ижросидаги қаҳрамон, ҳатто салбий образ бўлса ҳам, ақлий қудрати ва ёқимтойлиги билан томошабинда ўзига хайрихоҳлик уйғотар эди. Айни пайтда, эзгуликнинг мухолифи сифатида Бакиров яратган образлар ҳар бир кишида кучли нафрат қўзғаши табиий эди.

Аббос Бакиров ҳам актёр, ҳам режиссёр эди. Режиссура учун у кўп куч-қувват сарфлади. Узоқ йиллар театрда бадиий раҳбар ва режиссёр бўлиб ишлади, қирққа яқин асарни саҳналаштирди. Аммо актёр сифатида томошабин меҳрини ҳам, мутахассислар эътиборини ҳам қозонди. Чунки Бакировнинг ҳар бир роли мустақил, бир-биридан кескин фарқ қиларди. Режиссёр сифатида яратган спектаклларида кўпинча ўзи ўйнар эди. Бундай ҳолларда баъзан Бакиров режиссураси билан Бакиров яратган образ бир-бирини ҳатто инкор этиш даражасида зиддиятли бўлар эди. Масалан, «Холисхон» постановкасида шу ҳолатни кузатиш мумкин. Спектакль режиссура жиҳатидан оддийгина маиший мелодрамадан фарқ қилмайди, шунга қарамай Бакиров Холисхоннинг отаси Умурзоқ-бойнинг чуқур ижтимоий фожиасини очади.

...Ўртаҳол деҳқондан чиқиб, ўз муҳитидан узоқлашган, лекин бой бўлолмаган Умурзоқ томошабин хотирасида узоқ сақланиб қолади. Ўзлигини йўқотган собиқ деҳқон, бой номини олгану лекин ҳамёни тешик, уйи ва истиқболига ўт кетган Умурзоқбой Аббос Бакиров талқинида телбалардек асабий, кўзлари косасидан чиққудек дарғазаб, қўллари қалтираб турадиган кимса сифатида намоён бўлади. У мол-дунё қули — шундан бошқасини тан олмай қўйган. Нима қилиб бўлса ҳам — виждон эвазигами, фарзандларининг номусори эвазигами, бари бир, пул топиб бойлик орттира олса, шунинг ўзи унга кифоя. Актёр ижросида иккинчи қиёфага кираётган, имони қайтадан кўз очаётган одамнинг ҳолати қандайдир табиий сезги қудрати билан таърифланади.

Умурзоқбой образи ва шу сингари ролларни томоша қилган, Аббос Бакиров суҳбатида бўлган киши санъаткорнинг актёрлик қудрати режиссёрлигидан катта фарқ қилганини бошқа мисолларда ҳам кўриши мумкин.

...1966 йил. Аббос Бакиров Улуғ Октябрь инқилобининг 50 йиллигига атаб Комил Яшиннинг «Тор-мор» пьесасини бошқачароқ тарзда саҳналаштириш нияти борлигини айтиб қолди. Юбилей спектакли турли сабаблар билан бир оз кечикиб тайёр бўлди. Аббос Бакиров ўшанда режиссёр сифатида «Тор-мор» пьесасига учинчи марта мурожаат этган эди. (Бу асарни у 1938 ва 1951 йилларда ҳам саҳнага қўйган.) Спектакль ёмон чиқмади. Жамоатчилик ҳамда матбуот томонидан режиссёр ва ижрочилар шаънига илиқ гаплар айтилди. Лекин Аббос Бакиров талқин этган эпизодик образ — қўрбоши Аҳмад понсод роли ижрочилик тарихида ихтиро эди. Айтиш мумкинки, актёр Бакиров бу ролни бор вужуди билан ўйнаган эди. Аҳмад понсод плакатнамо ижро услубига зид ўлароқ ҳавойи дабдаба у ёқда турсин, ҳатто намойишкорона бадиият унсурларидан ҳам холи тарзда талқин этилди. Аввалига Аҳмад понсод савлат тўкишга ҳаракат қилиб кўради: қўлини белига тираб, атрофидагиларга димоғдорлик билан боқмоқчи бўлади. Лекин бу қилиқнинг ясамалигини дарҳол сезиб, ўзидан ғазабланади, пўнғиллаб қўл силтайди. Йўқ, унинг қудрати сохта савлатда ҳам, маслагида ҳам эмас. Маслаги эса бесамар, хато. У шариат олдида ҳам, эски ва янги кучлар рўпарасида ҳам, маъсум қурбонларнинг руҳи қаршисида ҳам гуноҳкор эканини сезади. Аммо билдирмасликка ҳаракат қилади. Фақат куч ишлатиш: зўрлаш, отиш, ўлдириш кўнгилга тасалли беради, холос. Муҳими шундаки, актёр Аҳмад понсодни тақдиридан норози, тушган йўли, манзили хатарли эканини, қилаётган ишининг гуноҳи азим эканини юрагидан сезиб турган шахс тарзида гавдалантиради. Унинг фожиаси мағлубиятида эмас, кирган йўлидан қайтиб чиқолмаслигида, умрининг бесамарлигида.

Аҳмад понсод Аббос Бакиров яратган кўпчилик образлардан фарқли ўлароқ нозик таъб эмас, қўпол, саркаш, бетавфиқ одам. Кўриниши ичи тўла сир эканлигини билдириб турса ҳам расволиги шундайгина юзкўзидан намоён. Бу қаҳрамон қиёфасини кўрган томошабин унинг қалбида яна қанчадан-қанча дард яшириниб ётганини фаҳмлайди.

Аҳмад понсод образининг Бакиров ижросидаги саҳна тарихи узоқ. У мазкур ролни илк марта 1934 йили ўйнаган эди. Шундан сўнг 1938, 1951 йилларда ва ниҳоят, 1968 йили унга яна мурожаат этди. Актёр ҳаётида бироната образ Аҳмад понсодчалик узоқ ва узлуксиз ижро этилган эмас.

Аббос Бакиров режиссёр сифатида ўзбек театрининг 30-йиллардаги саҳна маданияти анъаналарига кўпроқ амал қилар эди. Шунинг учун ҳам у яратган спектаклларда маиший реализм тенденциялари кучли. Мен сал кам йигирма йил давомида Бакиров саҳналаштирган деярли ҳамма спектаклларни кўришдан ташқари, айримларининг саҳналаштириш жараёнида ҳам у киши билан кўп марта мулоқотда бўлганман.

1954 йилнинг октябрь ойи эди. Андижон театрида Тошкент гастролларига тайёргарлик бошланган. Театрга ижодий ёрдам кўрсатиш, спектаклларга музика ёзиш, саҳналаштириш ҳамда гастроль репертуарига киритиладиган асарларни сайқаллаш мақсадида Тошкентдан Етим Бобожонов, Манас Левиев, Мели Мусаев сингари санъаткорлар таклиф этилди. Аббос Бакиров ҳам «Амирликнинг емирилиши» фильмининг суратга олинишида банд бўлишига қарамай бир неча кунга чақиртирилди. У ўзи саҳналаштирган «Муқимий» музикали драмасини республика Маданият министрлиги вакилларига кўрсатиши керак эди. Етим Бобожонов билан суҳбатда Аббосхон ака спектакль репетицияталаб бўлиб қолгани, айниқса, Муқимий ролининг ижрочиси Машраб Юнусовнинг кейинги вақтларда кайфияти бузуқлигини айтди. «Етим ака, иложи бўлса, у билан бир суҳбатлашсангиз, сизга айтадиган гапи ва сўрайдиган маслаҳати борга ўхшайди», деди. Орадан икки кун ўтди-ю, меҳмонлар «Муқимий» спектаклини томоша қилдилар. Кейин Аббос Бакиров ижрочиларни тўплади. Бу суҳбатда гап ижронинг бўшашиб кетгани, актёрларнинг костюм ҳамда мизансценалардан бегоналашиб қолганлиги хусусида борди. Шу нарса аён эдики, режиссёр ижрочилардан ҳаётдагидек ҳаққонийлик талаб этарди.

Музикали драмалар орасида «Лайли ва Мажнун»га Аббос Бакировнинг меҳри бўлакча эди. Зотан, спектакль услуби жиҳатидан анча архаик кўринса ҳам, асосий ролларнинг ижроси музикали драма санъатининг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирган эди. Жаҳон адабиёти ва санъатидаги энг ғамгин ишқ қиссаси — «Лайли ва Мажнун»нинг баралла жаранглашига Бакиров бутун имкниятини сафарбар этар экан, бош роллар талқини мақсадига тўла эришди. Айсар Иброҳимов ва Қамара Бурнашева ўзбек саҳнасида энг мукаммал Лайли ва Мажнун бўлиб қолдилар. Айсар Иброҳимов ижоди мундарижасини асосан шу образ ташкил этди. Актёр ўз ҳаёти ва ижодида нимани қадрли, муқаддас билса, шу образга сарфлади. Унинг ўткир овози қаҳрамон кечинмаларигагина эмас, ўзининг эътиқод ва ўйларига ҳам таржимондек, мунгли, алангали янгради.

Қамара Бурнашева назокат соҳибаси, гўзалликнинг намунаси бўлиб саҳнага чиқарди. Спектакль йигирма йил саҳнадан тушмади, зал ҳамиша тирбанд бўлди.


Музикали драмада «Ҳалима», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» анъаналарини давом эттириш Аббос Бакировнинг ижодий эҳтиёжи эди. 1962 йили саҳнага қўйилган «Нодира» спектаклида ҳам у ана шу йўлдан борди. Бу вақтга келиб 30- ва 40-йиллардаги спектакларга хос декорация ҳамда станоклар, ижро услуби қанчалик консерватив кўринмасин, музикадаги этнографизм ва драматургик материалнинг руҳи бир-бирига мослигидан бўлса керак, ўзаро зиддият сезилмади.

Шуни айтиш керакки, соф драматик спектаклларда бу услуб Аббос Бакировга қимматга тушарди. Шу жиҳатдан 1964 йили саҳналаштирилган «Бой ила хизматчи» спектакли режиссёрга аччиқ сабоқ бўлди. У революциядан аввалги ҳаётни айнан саҳнага олиб чиқиш, персонажлар хатти-ҳаракати моҳиятига аниқлик киритиш нияти билан натуралистик изланишларга берилиб кетди. Натижада асарнинг социал-революцион моҳияти, персонажлар эволюцияси очилмай қолди. Масалан, Солиҳбой катта салла, рўдапо чопон ва қўш белбоғли «қоринбой» қилиб кўрсатилди. Унинг хонадонидаги манзара ҳам шунга яраша эди. Жуда кўп, лекин ўта бесаранжом жойлаштирилган ашёлар, ҳовлининг ўртасидаги кир самовар ва уйдагиларнинг юриш-туриши Солиҳбойнинг жоҳил, қолоқ бойлардан эканини билдирарди. Спектакль якунида режиссёр шу тарзда асосий мақсаддан четга чи-

Аббос Бакиров «Икки дил достони» фильмидаги лашкарбоши Аъзамхон ролида.



МЕҲР БУЛОҚЛАРИ — ЮРАКЛАРИМИЗ...



Амирқул ПЎЛКАНОВ

* * *

Меҳр булоқлари — юракларимиз.
Асаблар — иплари тортилган камон.
Унаётган майса — тилакларимиз,
Ўтган ҳар кунимиз — тош қотган армон!

Яшай деб келади дунёга инсон,
Тинмай қидиради, тинмай излайди.
Орзулар кетидан қувлаб, ногоҳон
Қариб қолганини ўзи сезмайди.

Фарзанд ўстиради, пахта ўстирар,
Яхшироқ яшай деб чекар риёзат.
Гоҳо бир-бирининг пойига урар,
Гоҳо бир-бирига қилар сиёсат.

Одамзод шунақа...
Меҳру оқибат
Ўзгартар гоҳ унинг қиёфасини:
Киприкдан узилган бир томчи шафқат
Эритиб юборар тош сийнасини.

Севгисиз, севинчсиз ҳаёт ҳам тахир,
Бахт ўзи инсонни излаб келмайди...
Одамзод қалбининг қуёши — меҳр,
Меҳр-оқибатсиз яшаб бўлмайди!

* * *

Мен куламан ва йиғлайман,
Юпанаман қай бир қўшиқдан.
Шодлансам — дунёга сиғмайман:
Чунки мен ошиқман.

Мен ёндираман ва ёнаман,
Шамолдай сирғалиб киргум эшикдан.
Мен сабр қиламан ва кўнаман:
Чунки мен ошиқман.

Кўзимда ёруғлик ва намлар.
Қўрқаман ёлғондан, яшиқдан!
Сиз мени билмайсиз, одамлар,
Ахир, мен ошиқман...

* * *

Менингдек суймаган ҳеч ким,
Менингдек куймаган ҳеч ким,
Нечун мен билмайин кечдим.
Бу дарёдир, бу дарёдир.
Бу дарёда на қирғоқ бор,
Бу дарёда на бир сарҳад!
Муҳаббат отли дарё бу,
Муҳаббат отли бир ҳикмат.
Чўкиб мен ушбу дарёга,
Тушунмай ушбу ҳикматни,
Оёғим тойилиб тошга
Йўқотдим илк муҳаббатни!

У дарё тубида ётган
Жавоҳирдир! Ажаб эрмас!
Уни мен ҳеч тополмасман,
Уни ҳеч ким топиб бермас!
Илож йўқ!
Топмадим тадбир.
Бу дарёга ўзим келдим.
Бошимга тушса не савдо,
Ўзим қилдим, ўзим қилдим!

Менингдек суймаган ҳеч ким...
Менингдек куймаган ҳеч ким...

* * *

Қор ёғмоқда. Оппоқ қор ёғар.
Бу шундай бир ғаройиб қишки...
Юрагида — ёзнинг ўти бор,
Кўзларида — кўкламнинг ишқи.

Хаёлларим, ўйларим кулар,
Боғлар аро кезинар наво.
Димоғимга келиб урилар
Қордан ранги оқарган ҳаво.

Эсдан чиқар уйдаги ғашлик,
Руҳим гўё қушдан ҳам енгил...
Изларимдан эргашар Ёшлик,
Кўкрагимни кўтарар Кўнгил.

* * *

Бой бўлмасман икки дунёда,
Лекин ёлғон бўлмагай сўзим.
Мен ҳеч қачон тўймам зиёга
Ва севгига тўймагай кўзим.

Юртим! Ишқинг қалбга нур экан,
Зеро, юртсиз кун кўрмас ҳеч ким.
Менинг бор-йўқ бойлигим — сенсан,
Менинг бор-йўқ бойлигим — севгим!

* * *

Шундай деб биламан
Сиёсатни мен:
Сиёсат — тинчликдир,
Сиёсат — бахт-да!

Шундай деб биламан
Сиёсатни мен:
Сиёсат — нон эрур,
Сиёсат — пахта!

* * *

Шундай деб биламан
Сиёсатни мен:
Сиёсат қиличдир,
Сиёсат — қалам.

Шундай деб биламан
Сиёсатни мен:
Сиёсат — оламдир,
Сиёсат — одам!..

Жангчининг қайтиши

Ҳолат

Не кечмади бошимдан!
Чарчоқ нима — билмадим!
Ёварни гўрга тиқдим,
Аммо ўзим ўлмадим.
Сен кулмаган бахтимни
Кулдирдинг-ку, муҳаббат!

Омон қайтдим юртимга...
О, қанча ғам ютмадим...
Бундан кўра жангларда
Нечун ўлиб кетмадим?

Эвоҳ, менинг кўнглимни
Сўлдирдинг-ку, муҳаббат.

Ахир, нетай?.. Уйимни
Ўтлар босиб ётибди.
Ой юзим, деб суйганим
Эрга тегиб кетибди!
Ўлмай қайтган жангчини
Ўлдирдинг-ку, муҳаббат!

қиб, асарни ва Жамила мавзуини зиддиятли ҳал этди. Масалан, сўнгги саҳнада асосий эътибор Жамила номусига тажовуз қилмоқчи бўлган Солиҳбойнинг хатти-ҳаракатига қаратилди. Тўшалган ўрин-кўрпа бунга ишора эди. Натижада озодлик, инсон қадри, ижтимоий кураш мавзулари бирмунча четга чиқиб қолди.

Спектаклда жанр ва услуб бирлиги ҳам йўқ эди. Жамила билан Ғофирни турли имкониятдаги, бир-бирини инкор этувчи ижро услубига эга актёрлар ўйнадилар. Чунончи, Ғофирнинг сохта романтик қиёфада иш тутиши М. Убайдуллаеванинг босиқ ва ўйчан Жамиласига зид эди. Режиссёр бу нуқсонни тузатиш имкониятидан маҳрум эди. Чунки асар театрда кадрлар масаласи мушкул бир шароитда қўйилди. Лекин спектаклнинг режиссёрлик партитураси асар моҳияти ҳамда замон театри талабларига тўғри келмаслигини Аббос Бакиров кейин тушунди ва спектакль устида кўп ишлади, танқидий фикрларни мардонавор қабул қилди. Бу спектакль атрофидаги баҳс санъаткорнинг ҳамкасблари билан дўстлиги, ижодий муносабатларини янада мустаҳкамлади.

Одатда театр артисти кинода қатнашганда унинг саҳна вакили экани билиниб туради. Бундан ташқари, ҳар бир артистнинг ё кинода, ё театрда кучлироқ экани ҳам кўпчиликка маълум. Бироқ Аббос Бакировга бу гапларнинг даҳли йўқ. У ҳар икки санъат даргоҳининг моҳир устаси эди. Кинода 1939 йилдан бошлаб қатнашди — «Азамат» кинофильмида бош қаҳрамон ролини ижро этди. 1943 йили «Насриддин Бухорода» фильмида Қози ролини ўйнади. 1955 йилдан эътиборан кинода мунтазам иштирок қилди.

Аббос Бакировнинг биринчи ролидан бошлабоқ кинога сингишиб кетишига асосий сабаб унинг актёрлик ижодида сохта театрчилик иллатларининг мутлақо йўқлиги эди. Замон театрининг илғор усуллари ҳукм сурган коллективлардан ва режиссёрлардан йироқда бўлса-да (у асосан область театри саҳнасида ижод этди), Аббос Бакиров янги типдаги актёр, қалб ва фикр талқинчиси эди.

Шу нуқтаи назардан «Амирликнинг емирилиши»даги амир Олимхон ва «Абу Али ибн Сино»даги Султон Маҳмуд Ғазнавий образлари айниқса, диққатга сазовордир. Унинг амир Олимхони заковатга даъвогар бўлгани билан аслида — нодон. Жамоат орасида ўзини қандай тутишни билади, холос. Замоннинг ҳаёт-мамот масалалари унинг эътиборидан четда, хаёли алланималар билан банд. Сиртдан келишган, басавлат кимса, бироқ зоҳиран майда одам. Султон Маҳмуд эса ақлли, лекин шафқатсиз, худбин киши.

«Ўтган кунлар» фильмидаги Юсуфбек ҳожи — артистнинг кинодаги энг яхши образларидан. Гап, Абдулла Қодирий романининг руҳини аниқ ҳис этиш ҳақида борар экан, биринчи навбатда Юсуфбек ҳожининг Аббос Бакиров ижросидаги талқинини эсга олиш керак. Давр зиддиятлари, мозийнинг, ҳозирги кун ва келажакнинг ташвиши, энг муҳими, уни ўстириб Юсуфбек ҳожи қилган халқнинг барча аломатлари, кучли ва заиф томонлари худди шу сиймода мавжуддек. У — ақл ва тадбир соҳиби. Юсуфбек ҳожи авлодлар маданияти ва одобини, шарққа хос ахлоқий хислатларнинг ҳаммасини ўзида жам этган. Актёр қаҳрамоннинг эътиқоди ва инсоний фазилатларига катта ҳурмат билан қарайди, шу билан бирга, унга тарихан объектив ёндашишга ҳаракат қилади.

Аббос Бакиров ижро мушоҳадаси теран, сезгиси нозик актёр эди. Унинг ҳиссиёти кўпинча муҳокамасидан устун келарди, бу унга одатда панд бермас эди. Қайси ролни олмайлик, у яланғоч ғоя ёки аниқ фактни таъкидловчи персонаж сифатида эмас, мураккаб характерли образ бўлиб тасаввурда қолади. Чунончи, «Ҳамза» кинофильмидаги шайх Исмоилни олайлик. У жоҳил одам эмас, фаросати кўп нарсаларга етадиган зот. Ақлли сафдошларидан ажралиб қолгани унинг фожиасини кўрсатади. Чунки ақли борлар шайх Исмоил кирган хатарли йўлдан аллақачон қайтганлар. Шайх Исмоил ўзининг имони пучлигини ҳам билади. Бинобарин, ахлоқан юз тубан кетиб, бу аянчли ҳаётнинг охири кўриниб қолганини аниқ тасаввур этади. Унинг қилмишлари — ўлим олди талвасасидан бўлак нарса эмас. Лекин ана шундай чоқда ҳам хотиржамлик уни тарк этмайди...

Аббос Бакировнинг кинодаги роллари орасида яна бир эътиборлиси — «Осиё устида бўрон» фильмидаги Қоплонбек образидир. Актёр бу ерда ҳам ўз ижод услубига содиқ қолади. Унинг Қоплонбеги жисман жирканч одам эмас. Келишган, дид билан кийинадиган, буржуалашиб бораётган туркистонликларнинг типик вакили. Лекин у энди парвозга ҳозирланаётганда қаноти синган калхатни эслатади. Шунинг учун нафратини яширолмайди.

Аббос Бакиров саҳнада элликдан зиёд, кинода йигирмага яқин образ яратди ва қирқдан ортиқ асарни саҳналаштирди. Андижон область театри қирқ йиллик тарихининг муҳим саҳифалари Аббос Бакиров фаолияти, унинг режиссёрлик, актёрлик санъати билан боғлиқ. Ўзбек киносини эса, Аббос Бакировсиз тасаввур этиш қийин.

Аббос Бакиров ижоди ва ҳаёт тарзи ўзига хос санъаткор эди. Унинг ўхшаши йўқ. Зотан, ижодкор шуниси билан мўътабардир.

Тошпўлат ТУРСУНОВ

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Беруний мукофоти лауреати

БАДИЙ ТАФАККУР ХАЗИНАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти К. Маркс ва Ф. Энгельснинг санъат тўғрисидаги икки жилдли асарлари мажмуасини ўзбек тилида босиб чиқарди. Бу — республикамиз илмий-маданий ҳаётида катта воқеадир.

Маркс ва Энгельснинг санъат ҳақидаги асарларидан айримлари рус тилида илк марта 1933 йили эълон қилинган. Тўпламни файласуф М. Лифшиц Ф. Шиллер билан ҳамкорликда Маркс вафотининг 50 йиллигига атаб тайёрлаган эди. М. Лифшиц бу соҳадаги изланишларини давом эттириб, 1937 йили анча тўлдирилган тарзда китобни қайта нашр эттиради. Кейинчалик шу тўплам асосида «Маркс ва Энгельс санъат тўғрисида» деган антология мамлакатимиз ва чет элларда кўпгина тилларда босилади. 1957 йили эса, Москвадаги «Искусство» нашриёти «Маркс ва Энгельс санъат тўғрисида» деган китобни икки жилдда чоп этди. 1967 йили антология ўша нашриётда қайта босилди. Китоб ўзбек тилига шу нашрдан таржима қилинган.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг санъат ҳақидаги асарларини ўзбек китобхонига етказишнинг ҳам ўз тарихи бор. Ўзбек ёзувчилари, адабиётшунослари Маркс ва Энгельснинг санъат масалаларига бағишланган асарлари билан Октябрь революциясидан кейин рус тили орқали таниша бошладилар ва уларнинг муҳим фикрларини ўша даврдаги адабий ҳодисаларга татбиқ этдилар. Бу, айниқса, 30-йилларнинг биринчи ярмида, яъни ўзбек адабиётшунослигида янги социалистик адабиётнинг ғоявий-назарий асосларини белгилаб олиш учун кураш қизиган кезларда жуда қўл келди. Шу йилларда Отажон Ҳошим, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ойбек, Олим Шарафиддинов, Иззат Султон ва бошқа муаллифларнинг қатор назарий-танқидий асарлари майдонга келдики, уларда сўз санъатининг моҳияти, объектив воқеликка муносабати, санъат асарларида ҳис-туйғулар, фикр ва дунёқарашнинг мавқеи, санъат ва адабиётнинг синфийлиги, партиявийлиги каби ўзак масалалар ҳақида К. Маркс ва Ф. Энгельс фикрларига таяниб иш юритилган. Бу мақолаларда икки доҳийнинг айрим фикрлари илк бор ўзбек тилига таржима қилинган эди. Бироқ К. Маркс ва Ф. Энгельснинг санъат ҳақидаги фикрларини ўзбек тилида кенг китобхонлар оммасига етказиш иши ора йўлда тўхтаб қолган эди. Биз мулоҳаза юритаётган мазкур нашр эса, бу борада олға ташланган катта қадам бўлди.

Антология М. Лифшицнинг мазмундор муқаддимаси билан очилади. Унга А. Вигодский ва Г. Фридлендер шарҳлари илова қилинган. Бу теран илмий шарҳлар антологиядаги тарихий саналар, шахслар, рамзий маъноли ўринларни тўлароқ тушуниб олишга ёрдам беради. Иккинчи жилднинг охирида исмлар кўрсатгичи, адабий ва мифологик персонажлар кўрсатгичи, предметлар кўрсатгичи берилганки, китобдан фойдаланишда улар туғдирадиган қулайлик беқиёсдир. Антологиянинг I жилдидаги материаллар «Бадиий ижоднинг умумий масалалари», «Маданият тарихини материалистик тушуниш», «Синфий жамиятда санъат», «Санъат ва коммунизм», «Маркс ва Энгельснинг айрим мулоҳазаларида адабиёт ва санъат тарихининг ёритилиши» деб аталган беш қисмга жойлаштирилган. II жилд эса, «Эжен Сюнинг «Париж сирлари» романининг танқидий таҳлили», «Немис «ҳақиқий социализми» шеърларда ва прозада», «Вульгар демократия адабиёти», «Маркс ва Энгельс реакцион ғояларнинг буржуача қабиҳлигига қарши», «Адабиётда ишчилар синфи партияси ва буржуа хулқ-атвори», «Маркс ва Энгельснинг шоирлардан Гейне, Гервег, Фрейлиграт, Веерт ва Зибелга муносабатлари», «Инглиз социалист ёзувчилар Эвелинг, Моррис, Шоу», «Ёш Марксннинг асарлари ва хатларидан», «Ёш Энгельснинг асарлари ва хатларидан» каби қисмлардан иборат. Булардан ташқари, II жилд сўнгида «Маркс ва Энгельс ҳаётида адабиёт» деган қисм ҳам мавжуд бўлиб, унда П. Лафарг, В. Либкнехт, Э. Маркс-Эвелинг, Ф. Кугельман, Н. Русанов, Ф. Кравчинская каби машҳур шахсларнинг икки доҳий ҳақидаги хотираларидан парчалар берилган. Бу хотиралар Маркс ва Энгельснинг санъат ҳамда адабиётга муносабатини тўлароқ тасаввур қилишга, улар шахсиятидаги айрим қирраларни аниқроқ кўришга ёрдам беради. Антологияда К. Маркс ва Ф. Энгельснинг санъат тўғрисидаги асарлари, айрим фикрлари мукаммал қамраб олинган. Бу китобни ўқир экансиз, нигоҳингиз қаршисида санъат ва адабиётнинг энг муҳим, энг мураккаб жиҳатларини янги революцион дунёқараш нуқтаи назаридан изоҳлаб берган дурдона фикрлар хазинаси намоён бўлади.

Коммунистик идеологиянинг турли-туман ғоявий мухолифлари ёлғончиқ, ифво-бўҳтонлар ёрдамида Маркс ва Энгельснинг революцион таълимотини обрўсизлантиришга уринадилар. Уларнинг даъволарига кўра, гўё Маркс ва Энгельс ижтимоият, сиёсий иқтисод соҳасидаги тадқиқотларга берилиб кетиб, санъат ва адабиётга бепарво қараганлар, гўё улар санъат ва адабиётнинг қудратли ролини назар-писанд қилмаганлар, ўзлари ҳам санъат ва адабиёт асарларидан бебаҳра бўлганлар.

«К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида» антологиясини ўқиган, унда келтирилган жаҳон санъати ва адабиётига доир фикрлар билан танишган ҳар бир киши бу даъвонинг бемазни, пуч эканига тўла ишонч ҳосил қилади. Антологиядаги фактлар, шунингдек, Маркс ва Энгельс замондошларининг эсдаликларини ўқиб амин бўламизки, жаҳон пролетариатининг доҳийлари бутун ҳаётлари давомида санъат ва адабиёт билан шуғулланиб, уни жуда теран тушунганлар, унинг гўзалликларини жуда нозик ҳис этганлар. Жаҳон адабиёти К. Маркс ва Ф. Энгельс учун инсоният асрлар давомида мисқоллаб жамғарган буюк маънавий бойликларнинг ҳудудсиз ганжинаси бўлган.

К. Маркс, Ф. Энгельснинг санъат ва адабиётга муносабатида муштарак томонлар кўп. Улар иккови ҳам ёшликларидан адабиётга қизиққан, шеърлар машқ қилган, шоир бўлишни ният этган, бироқ революцион кураш йўлига ўтганларидан сўнг бу ниятларини рўёбга чиқариш имконига эга бўлмаганлар.

Поль Лафарг ўз хотираларида ёш Марксннинг адабиётга ҳаваси ҳақида шундай ёзади: «Марксннинг шеърий фантазияси мислсиз даражада кучли эди. Унинг биринчи адабий тажрибаси шеър ёзишдан бошланган. Марксннинг рафиқаси эрининг йигитлик чоғида ёзган шеърларини жуда эҳтиёт қилиб сақлаб келди, лекин уларни ҳеч кимга кўрсатмади... Маркс қизларига, мен драма ёзаман, бунга Гракхлар тарихини сюжет қилиб оламан, деб ваъда қилган эди. Афсуски, у қизларига берган бу ваъдасини бажара олмади...»

Ф. Энгельс ҳам йигирма ёшларида қўлёзма адабий журнал тузишда қатнашган, тақризлар, мақолалар билан бирга, ҳатто роман ҳам ёзган. Унинг баъзи асарлари матбуотда босилган ҳам. Жумладан, 1838 йили Бремен газеталаридан бирида унинг «Бадавийлар» деган шеъри эълон қилинган. Ф. Энгельснинг 1838 йил сентябрь ойида мактабдош дўстлари — ака-ука Греберларга ёзган мактубида қуйидагиларни ўқиймиз: «Айниқса, Гётенинг мени ҳам анча тўғри тавсифлаб берган «Ёш шоирларга» номли икки мақоласини ўқиб чиққанимдан кейин мен кун сайин ўз поэзиямдан ва унинг таъсир кучидан умидимни узиб бормоқдаман». Бу парчадан ва бошқа мактублардан аён бўладики, Ф. Энгельс ёшлик йилларидаёқ адабиётни чуқур тушунган ва ижодкор масъулиятини тўла ҳис қилган ҳолда адабиёт ишига ўта талабчанлик билан қараган. Кейинчалик эса, янги ва кучлироқ қизиқишлар таъсирида у бадиий ижоддан совий бошлади, лекин ундан бутунлай юз ўгирмади. У революцион кураш йўлига ўтиб, К. Маркс билан яқинлашгандан кейин ҳам, яъни илмий социализм проблемалари билан шуғулланиб бошлаган кезларида ҳам кўпгина адабий-танқидий асарлар яратган.

К. Маркс ва Ф. Энгельс асарлари билан танишган одам уларнинг адабиётга қизиқиш доираси бениҳоя кенг эканига лол қолади. Иккови ҳам жуда кўп тилни билган ва жаҳон адабиётининг кўп намуналарини аслида ўқишни ёқтирган. К. Маркс ҳам, Ф. Энгельс ҳам юнон ва лотин тилларини мукаммал билганлар, инглиз, француз тилларида ўқишгина эмас, ёзиш иқтидорига ҳам эга бўлганлар. Булардан ташқари, испан, итальян, поляк, румин тилларини тушунганлар, бу тилларда бемалол сўзлашиб, ўқиганлар. К. Маркс ҳам, Ф. Энгельс ҳам рус тилини яхши эгаллаган, бу тилда кўпгина асарлар ўқиб, баъзиларини ёддан ҳам билган.

К. Маркс, Ф. Энгельс халқ оғзаки ижодини, қадимги мифологияни жуда яхши кўрганлар. Улар халқ фантазиясининг қудратини таъкидлаб, уни ёзма адабиётнинг кўпгина дурдона асарларини вужудга келтирган асосий омил деб қарашади. Уларнинг уқтиришича, оғзаки поэзияда халқнинг қалби ва руҳи мужассам, халқнинг бахт ва озодлик, ҳақиқат ва адолат ҳақидаги эзгу орзулари ифодаланган.

К. Маркс, Ф. Энгельс антик адабиётни жуда яхши билганлар. Дўстларининг гувоҳлик беришича, улар бутун ҳаётлари давомида антик ёзувчилар асарларини қайта-қайта мутолаа қилганлар. Поль Лафарг хотираларида ёзади: «Маркс бутун Европа адабиётидаги шоирлар ичидан энг яхшиларини танлаб олиб, уларнинг асарларини доим ўқиб турарди. Маркс айниқса Эсхил асарларини юнон тилида қайта-қайта ўқирди, бу шоирни ва Шекспирни инсоният вужудга келтирган энг буюк икки драматик даҳо деб, жуда севарди».

К. Маркс Эсхил яратган Прометей образини жуда қадрлар, уни ҳеч қайси худога бўйсунмаган, ҳамма худоларга дадил қарши чиқиб, инсоният учун жасорат кўрсатган қаҳрамон сифатида ардоқларди. К. Маркс Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» асарларини ҳам севиб ўқиган. Булар Маркс оиласидаги энг ардоқли асарлар бўлиб, қайта-қайта ўқиб турилган. «Менгача опаларимга ўқиб берганидай,— деб ёзади К. Марксннинг кенжа қизи Элеонора Маркс-Эвелинг,— у менга ҳам Гомерни тўла... ўқиб берганди».

Маркс ва Энгельс асарларида юнонлардан Гомер, Эсхил, Софокл, Еврипид, Аристофан, Аристотель, Платон, Фукидид, Плутарх, Лукиан каби, римликлардан Лукреций, Вергилий, Гораций, Цезарь, Цицерон, Тит Ливий, Тацит каби шоир ва мутафаккирларнинг номи, асарларидан парчалар тез-тез учраб туради.

К. Маркс ва Ф. Энгельс бутун европа адабиётини мукаммал билган. Уларни қизиқтирган ёзувчиларнинг номларинигина санасак ҳам бир неча саҳифали рўйхат бўларди. Шу сабабли К. Маркс ва Ф. Энгельс ёқтирган айрим сўз санъаткорининигина эслатиш билан кифояланамиз. Улар орасида Данте, Шекспир, Сервантес, Кальдерон, Мольер, Филдинг, Дидро, Бальзак, Уолт Уитмен, Шиллер, Гёте, Вальтер Скотт, Роберт Бёрнс каби сўз санъаткорлари борки, Маркс ва Энгельс улар ижоди ҳақида теран мулоҳазалар айтганлар. П. Лафаргнинг ёзишича, К. Маркс Сервантес билан Бальзакни ҳамма романнавислардан юқори қўйган, ҳатто у Бальзак ҳақида махсус адабий-танқидий тадқиқот яратиш ниятида бўлган, лекин «Капитал» устидаги узоқ йиллик иш бу ниятни амалга оширишга имкон бермаган.

К. Маркс ва Ф. Энгельс ўзларига замондош кўпгина йирик шоирлар, адиблар билан шахсий алоқада бўлганлар, улар билан мунтазам ёзишмалар олиб борганлар. Уларнинг мактубларида санъат ривожининг

Адабий танқид

жуда муҳим масалалари ёритилган, бадиий ижод ҳақида, санъаткор шахсияти тўғрисида қимматли мулоҳазалар айтилган. Кўп сонли мисоллардан фақат иккитасини келтириш билан кифояланамиз. К. Маркс, Ф. Энгельс йирик немис шоири Фердинанд Фрейлигрsuperат (1810—1876) билан яқиндан дўст бўлганлар. Фрейлигрsuperат анча мураккаб ижод йўлини босиб ўтган: у аввал шоирни партиялар курашидан устун қўйган ва соф поэзия тарафдори бўлган. 1845 йили муҳожирликда К. Маркс билан танишгач, унинг таъсирида аста-секин революцион назарияни эгаллай бошлайди ва айрим шеърларида революцион пролетар образини яратади. 1848-49 йиллар революцияси даврида эса, К. Маркс раҳбарлик қилган «Янги Рейн газетаси»да фаол иштирок этади. Унинг бу йиллардаги поэзияси чинакам кураш руҳи билан суғорилган эди. 1851 йилдан бошлаб у революцион фаолиятдан совий бошлайди, оқибатда ижоди таназзулга юз тутади. К. Маркс ҳам, Ф. Энгельс ҳам унинг ижодига талабчанлик билан ёндашганлар, ғоявий хатоларини, иккиланишларини қаттиқ танқид қилганларки, бу дўстона танқид намунасидир. К. Марксниng И. Вейдемейерга 1852 йил, 16 январда ёзган мактубида Фрейлигрsuperат муносабати билан айтилган қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «Фрейлигрsuperатга дўстона бир мактуб ёз. Хушомад сўзларни аяма, чунки шоир халқи, ҳаттоки энг яхшиси ҳам, озми-кўпми тантиқ бўлади — сайратиш учун уларни силабсийпаш керак... У ҳақиқий революционер ва кўнгли пок одам — мен камдан-кам кишиларнигина шундай мақтовга лойиқ кўраман. Шундай бўлса ҳам, шоир — унинг одамлик сифати қандай бўлмасин — мақтов ва таъзим талаб қилади. Фикримча, улар табиатан шундай яратилган бўладилар...»

Бу фикрлар заминида истеъдоднинг табиатини чуқур ҳис этиш ётганини пайқаш қийин эмас. К. Маркс истеъдодни ноёб нарса деб билган, унга авайлаб, ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш зарурлигини яхши тушунган. Унинг Фрейлигрsuperатга ёзган хатларининг кўпчилиги ана шундай ғамхўрлик билан суғорилган. Бу мактубларда К. Маркс шоир ижодини бирдан-бир тўғри йўлга — ишчилар синфининг озодлиги учун кураш йўлига қайтаришга интилади.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг буюк немис шоири Генрих Гейне билан дўстлиги ҳам ғоят ибратлидир. Гейне К. Марксдан 21 ёш, Ф. Энгельсдан 23 ёш катта бўлган. Бироқ бу тафовут уларнинг ўртасида чинакам ҳурмат-эҳтиромга асосланган чуқур инсоний муносабатлар ўрнатишга халақит берган эмас. Шуниси эътиборга сазоворки, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг эстетик қарашларини шакллантиришда Г. Гейне асарларининг таъсири катта бўлган ва айни чоқда, Гейне ижодининг ғоявий-бадиий чуқурлашишида ҳам К. Маркс ва Ф. Энгельс муҳим таъсир кўрсатган. Бу ҳол 30-йиллардаёқ Гейне ижодини тадқиқ қилган айрим ўзбек адабиётшуносларининг ҳам эътиборини тортган эди. Жумладан Гейненинг 1941 йили ўзбек тилида нашр этилган «Лирик шеърлар» китобига муқаддима ёзган Ғ. Каримов бу тўғрида шундай дейди: «Карл Маркс Гейне ижодиётига алоҳида эътибор билан қарар, унинг асарларини муҳокама қилар, маслаҳатлар берар эди. Ҳатто Карл Маркс ўзининг бир хатида Генрих Гейне ҳақида алоҳида текшириш ёзмоқчи бўлганини айтади. Генрих Гейне ижодиётининг энг яхши намуналари К. Марксниng бевосита таъсири билан туғилди. Генрих Гейне ўзининг «Силезия тўқувчилари», «Қуллар кемаси» каби бой мазмунли, ўткир идеяли шеърларини, «Германия» каби ажойиб поэмасини Карл Маркс билан бўлган суҳбатлари таассуроти натижасида яратгандир».

Бу мисоллар К. Маркс ва Ф. Энгельснинг ўзларига замондош шоирлар ва адибларга муносабатини яхши характерлайди.

К. Маркс ва Ф. Энгельс рус адабиётига ҳам ғоят теран бир муҳаббат билан қараганлар. Маълумки, улар Россияга зўр қизиқиш билан муносабатда бўлганлар. Унинг тарихини, XIX асрдаги иқтисодий ва ижтимоий аҳволини атрофлича ўрганиш натижасида революцион ҳаракат маркази шу ерга кўчаётганини ҳис этганлар. К. Маркс ва Ф. Энгельс А. А. Серно-Соловьевич, Г. А. Лопатин, П. Л. Лавров, Н. Ф. Даниельсон каби рус революционерлари билан яқин алоқада бўлганлар. Г. А. Лопатин К. Марксниng уйига ҳам бориб турган. У ҳатто Чернишевскийни Сибирь сургунидан қутқариш ҳақидаги режасини К. Марксга гапириб берган. Н. Ф. Даниельсон эса, «Капитал»ни рус тилига таржима қилган ва К. Марксга рус воқелигини акс эттирувчи турли-туман китоблар юбориб турган.

К. Маркс Россия ҳақида кўпроқ билиш иштиёқида эллик ёшида рус тилини ўрганади ва рус ёзувчиларининг асарларини ўқий бошлайди. У, айниқса, Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Салтиков-Шчедрин каби адибларнинг ижодини юксак баҳолаган. Табиийки, К. Маркс улар билан бирга Герцен, Чернишевский, Белинский, Добролюбов асарларини ҳам яхши билган; Плеханов ижодини, унинг асарларидаги революцион ғоялар, илғор фикрларни қўллаб-қувватлаган. Шуниси муҳимки, К. Маркс бу адибларнинг айрим асарларида учрайдиган баъзи камчиликлардан ёхуд ғоявий заифликлардан ҳам кўз юмган эмас. Жумладан, К. Маркс Салтиков-Шчедрин сатирасини, айниқса, «Жаноб тошкентликлар» асарини юқори баҳолаган ҳолда, ёзувчининг ижобий идеали рўй-рост намоён бўлмаган бир асари ҳақида шундай ёзади: «...умуман, автор ўзининг «ижобий» хулосаларидан унчалик мамнун бўлмаса керак».

К. Маркс каби рус тилини яхши билган, рус ёзувчиларининг асарларини аслида ўқиган Ф. Энгельс буюк рус адабиётини бениҳоя қадрлар эди. У ҳам Русанов, Степняк, Кравчинская каби рус революционерлари билан яқиндан алоқада бўлган. Лондонда Вера Засулич билан тез-тез учрашиб турган. Г. Плеханов ҳам Лондондалик кезларида бир неча бор Энгельс билан учрашган. Бу учрашувларда, табиийки, бошқа масалалар қатори адабиёт ҳақида ҳам суҳбатлар бўлган. Русанов ва Кравчинскаянинг эслашларича, Энгельс Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърий романидан айрим парчаларни рус тилида ёддан ўқир эди.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг Шарқ халқлари маданияти ва адабиётига қизиқиши ҳам диққатга сазовор масаладир. Тўғри, уларнинг асарларида Шарқ адабиётига доир мулоҳазалар унча кўп эмас. Лекин шунга қарамай, улар Шарқ маданиятига жуда қизиққан ва Шарқ халқлари тарихи, адабиётини анча яхши билган деб тасдиқлаш учун етарли асослар бор. Аввало, шуни айтиш керакки, XIX асрда, айниқса, аср ўрталарида Европада шарқшунослик илми анча тараққий топган эди. Шу даврда миср ёзувларининг калиди топилади ва олимлар Миср тарихини бутун улуғворлиги билан қайта тиклаш устида муваффақиятли ишлар бошлайдилар. Худди шу даврда Шарқ халқлари адабиётларидан намуналар европа тилларига таржима қилинади ва китобхонлар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинади. Бундай қизиқишнинг натижаси ўлароқ буюк немис шоири Гётенинг «Ғарби-Шарқий девон»и майдонга келади. Шундай шароитда Маркс ва Энгельсдек билимнинг ҳамма соҳаларига қизиқувчи, ундаги ҳамма янгиликларни дарҳол ўзлаштириб олишга интилувчи одамларнинг Шарқ тарихи, маданияти ва адабиётига бефарқ қолиши мумкин эмас эди. Бундан ташқари, Маркс ва Энгельс асарларида Шарқ тарихи ва маданияти ҳақида айтилган фикрлар оз бўлса-да, шу қадар теранки, улар бу соҳадаги жуда кенг ва чуқур билимлар туфайлигина шундай теранлик касб этиши мумкин. Биргина мисол келтирамиз. Ф. Энгельс К. Марксга 1853 йил, 6 июнда ёзган мактубида Ўрта асрлардаги Эрон адабиёти, араб ва форс тилларининг хусусиятлари, араб ёзуви тўғрисида чуқур мулоҳазалар айтади ва форс тилини ўрганиш учун ўзига ўзи уч ҳафта муҳлат белгилаганини маълум қилиб, Мирхонднинг «Равзатус сафо» асарининг услуби ҳақида ҳам фикр билдиради: «Аммо форс насри даҳшат. Масалан, олижаноб Мирхонднинг форс қаҳрамонлик эпосини образли... тил билан ҳикоя қиладиган «Равзатус сафо»си. Тахтдан воз кечган бир шоҳ ҳақида у ёзади: «У истеъфо довулига «ишдан кетиш таёғи» билан урди». Аскарлари ташлаб кетган Турон шоҳи Афросиёб ҳақида Мирхонд бундай деб ёзади: «У даҳшат тирноғини дард тишлари билан шундай тишладики, ундан қатл этилган онг қони тирқираб чиқиб кетди». Кези келганда шуни айтиш керакки, айрим тадқиқотчилар Ф. Энгельснинг бу баҳосини бутун Шарқ насрининг услубига нисбатан татбиқ қиладилар. Бу, албатта, тўғри эмас. Шарқ прозасида ғоявий мураккаб, бениҳоя дабдабадор услубда ёзилган асарлар билан бир қаторда, «Бобирнома» сингари ғоят тиниқ услубда, содда ва равон тилда ёзилган асарлар ҳам бор.

К. Маркс ва Ф. Энгельс Шарқ мифологиясини, унинг келиб чиқиш хусусиятларини яхши билганлар. Уларнинг асарларида қадимий миср, ҳинд ва эрон мифологиясига доир нозик кузатишлар, чуқур умумлашмалар мавжуд.

Юқоридаги мулоҳазалар К. Маркс ва Ф. Энгельснинг адабиёт ҳамда санъатга муносабати қандай бўлганини яққол кўрсатиб турибди. Бу икки буюк зот бутун умрлари давомида санъат ва адабиётни жуда севган, нозик, теран ҳис қилгангина эмас, балки бу соҳада чинакамига бепоён, беҳудуд билимга ҳам эга бўлганлар. Жаҳон адабиётини мукаммал билиш эса, уларга янги материалистик эстетиканинг асосий принципларини кашф этишга, санъат ва адабиёт ҳақида революцион таълимот яратиб, жаҳон эстетик тафаккури тарихида янги саҳифа очишга имкон берди. Марксизм асосчиларининг илмий меросини чуқур тадқиқ қилган олимлардан Б. Рюриков Маркс ва Энгельснинг эстетика соҳасидаги илмий кашфиётларини шундай баҳолайди: «Бошқа фанлар қатори эстетикада ҳам Маркс ва Энгельснинг номи билан боғлиқ ҳолда содир бўлган тарихий бурилишнинг моҳияти даставвал шундаки, бадиий ривожланиш жараёни инсоннинг жамики ижтимоий-меҳнат фаолияти билан диалектик тарзда боғланди».

Санъат нима? Унинг моҳияти қандай? У қай йўсинда туғилади? Унинг пайдо бўлишида инсон туйғулари, ҳислари, сезгилари ва тафаккури қандай мавқе тутади? Унинг ривожланиш жараёни қайси кучлар таъсирида кечади? Санъат билан воқелик ўртасида қандай боғлиқлик бор? Инсон нега санъатга эҳтиёж сезади? Инсон ва жамият ҳаётида санъат қандай ўрин тутади?— Бу каби саволлар Марксдан аввал ҳам кўп асрлар мобайнида не-не буюк ақл эгаларининг фикр-зикрини банд этиб келди. Платон ва Аристотелдан бошлаб, Кант ва Шеллингу Гегель ва Фейербахгача қанчадан-қанча мутафаккирлар бу жумбоқларни ечишга уриниб кўрган. Фақат файласуфларгина эмас, Ғарб ва Шарқда яшаб ўтган улуғ сўз санъаткорларининг деярли ҳаммаси бу муаммолар устида бош қотирганлар. Асрлар мобайнида бу масалалар муносабати билан санъат ва адабиётнинг кўпгина томонларини тўғри ёритадиган муҳим ва теран мулоҳазалар, қимматли фикрлар айтилган. Лекин шундай бўлса-да, у улуғ зотларнинг ҳеч бири Маркс ва Энгельсга қадар бу муаммоларга ҳар томонлама тўғри, мукаммал жавоб бўла оладиган илмий назария ярата олган эмаслар, санъат ва адабиётни одамларнинг реал муносабатлари системасидаги ўрни нуқтаи назаридан тадқиқ этиб, унинг ривожининг объектив қонуниятларини кашф этмаганлар. Билъакс, Маркс ва Энгельсга қадар «санъат субъективлик салтанатидир», «истеъдод — илоҳий қудрат таъсирининг ҳосиласи», «санъат ижтимоий кураш садолари етиб бормайдиган мармар қасрда ўзича яшайди», деганга ўхшаш қарашлар ҳукмрон бўлган. Ҳатто эстетика соҳасида жуда катта ишлар қилган Гегель ёхуд фалсафий материализмга асос солган Фейербах каби буюк ақл эгалари ҳам санъат соҳасида уни камситадиган, ёхуд санъат табиатини нотўғри изоҳлайдиган қарашларни олдинга сурганлар. Масалан, Гегелнинг фикрича, инсон ҳақиқатни билиш йўлида, асосан, тафаккурга таянади. Фақат тафаккургина ҳақиқатнинг моҳиятига етиб боришга қодир. Инсоннинг ҳиссий фаолияти эса, тафаккурга нисбатан иккиламчи ўринда туради. Модомики шундай экан, ҳиссиёт ва туйғулар заминида вужудга келувчи санъат ҳам ҳақиқатнинг қуйи босқичини кашф этишга қодир, холос. Бинобарин, у дунёни билиш жараёнида номукаммал воситадир. Кўриниб турибдики, бундай талқинда санъатнинг ғоявий мазмуни бутунлай назардан соқит қилинади ва унинг қудратли ижтимоий-маърифий мавқеи камситилади. Л. Фейербах Гегелдан фарқ қилароқ, гўзалликнинг манбаини табиат ва инсонда кўрган, бироқ у инсонни ижтимоий ҳодиса сифатида эмас, биологик ҳодиса сифатида тушунган. Л. Фейербах фикрича, эстетик туйғу инсонга табиат томонидан берилади. У инсоннинг ижтимоий фаолиятига боғлиқ эмас, бинобарин, инсоннинг эстетик туйғуси ўзгармайди, ўсмайди, мукаммаллашмайди, у доимий бир хил ҳолатда туради.

К. Маркс санъатнинг моҳияти ва вазифаларини тўғри белгилаш учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу масалани батамом бошқача ҳал қилади. Аввало, у, инсонни биологик бирлик деб эмас, ижтимоий ҳодиса деб қарайди. Бундай қараш инсон табиатининг ва фаолиятининг асосий томонларини том маънода илмий асосда ёритишга йўл очади. Маркс учун инсоннинг ҳиссий фаолияти асосида дунёни ўзлаштириш билиш соҳасидаги меҳнат фаолиятининг ўзидир. У инсон ҳисларини унинг тафаккурига қарама-қарши қўймайди, аксинча, ҳиссиёт ва тафаккур дунёни билишда бир бутунликни ташкил этади. Инсон дунёни тафаккури билан ҳам, ҳислари, сезгилари билан ҳам ўзлаштиради. Бу сезгилар — табиат томонидан берилган эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш каби сезгиларгина эмас, айни чоқда маънавий сезгилар ҳамдир. Маркс маънавий сезгилар ёхуд туйғуларга ирода, муҳаббат, нафрат кабиларни киритади. Меҳнат жараёни инсон табиатига таъсир кўрсатади, уни ўзгартиради. Шу туфайли инсонда эстетик туйғу пайдо бўлади, эшитиш қобилияти мукаммаллашиб— музикани, кўриш қобилияти мукаммаллашиб — гўзаллик шаклларини

ҳис эта бошлайди, қўли мукаммаллашиб, мўйқалам ёрдамида ижод этадиган даражага етади. «Ижтимоий инсоннинг ҳислари ноижтимоий инсон ҳисларига қараганда батамом **бошқа** ҳислардир. Фақат инсоний моҳиятнинг амалда намоён бўлувчи бойлиги туфайлигина субъектив **инсоний** хиссиёт бойлиги ривож топади, қисман эса, биринчи марта пайдо бўлади: музикани ҳис этадиган қулоқ, шакллар гўзаллигини ҳис этувчи кўз, хуллас, шундай ҳисларки, улар инсоний лаззатга қодир ва улар ўзларини **инсон** моҳиятини ташкил этувчи кучлар сифатида тасдиқлайди... Бешта ташқи сезгининг ташкил топиши — шу пайтгача давом этиб келган жамики умумжаҳон тарихининг ишидир».


Инсон меҳнат қилади ва бу меҳнатнинг самараси ўлароқ гўзаллик пайдо бўлади. Ҳайвон ҳам ўз фаолияти билан гўзал нарсалар бунёд этиши мумкин. Масалан, ўргимчак тўқиган уя ўз симметрияси билан гўзал, термит чумолилар қурадиган инда мутаносиблик ва уйғунлик мавжуд. Асаларилар меҳнатининг уюштирилишида мукаммаллик бор. Лекин ҳайвонлардан ҳеч қайсиси буларни гўзал нарсалар сифатида ҳис қилмайди, чунки ҳайвонлар табиатга пассив мослашади. Инсон эса, ҳайвонлардан фарқ қилароқ, меҳнат фаолияти билан ўзини фаол кўрсатади. Муҳими шундаки, инсоннинг меҳнат фаолияти тор — амалий характергагина эга эмас, у эстетик характерга ҳам молик, яъни инсон ўз меҳнати билан онгли равишда гўзаллик яратишга ҳам интилади. К. Маркс тили билан айтсак, «инсон материяни гўзаллик қонунларига биноан шакллантиради». Айни чоқда, у ўзи яратган нарсалардан завқланади, чунки ана шу гўзал нарсаларда унинг ижодкорлик моҳияти намоён бўлади.

Бу мулоҳазаларнинг барчаси шуни исбот қиладики, инсоннинг эстетик туйғуси реал воқеликдан ташқарида турувчи аллақандай сеҳрли, мистик кучларнинг таъсирида пайдо бўлмайди. У азалдан берилган туғма биологик сифат ҳам эмас. Бу туйғу ижтимоий характерга эга. У узоқ давом этган тарихий тараққиётнинг самарасидир. Одамлар онгида гўзаллик ҳақидаги тасаввурлар улар яшаётган муҳитга, шу муҳит эҳтиёжларига боғлиқ равишда шаклланади. Инсоннинг эстетик туйғулари унинг ижтимоий-амалий меҳнат фаолиятидан туғилар, бу туйғулар муайян ижтимоий муҳитга боғлиқ экан, демак, гўзаллик қонунлари объектив характерга эга. Инсониятнинг жамики бадиий фаолияти шу объектив қонуниятлар асосида кечади. Инсоннинг эстетик фаолиятининг энг олий кўриниши санъатдир. У меҳнат жараёнида, ижтимоий тараққиёт жараёнида вужудга келувчи эстетик эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Бинобарин, санъат ҳам субъективлик салтанати бўла олмайди, унинг ривожи ҳам муайян қонуниятлар асосида кечади.

Кўрамизки, Маркс ва Энгельс ўзларидан аввалги фалсафий, ижтимоий ва сиёсий назарияларни танқидий таҳлил қилиб, эстетик туйғунинг пайдо бўлишини материалистик нуқтаи назардан асослаб берди, гўзаллик қонуниятларининг объектив характерга эга эканини ва одамларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқлигини кашф этди. Жаҳон эстетик тафаккури тарихида бурилиш ясаш учун шу кашфиётнинг ўзи ҳам етарли эди. Бироқ К. Маркс ва Ф. Энгельс бу билан чекланмадилар, шу материалистик позицияда изчил туриб, ундан мантиқан келиб чиқадиган хулосаларни ниҳоясига етказдилар. Бу, айниқса, санъат ва адабиётнинг ижтимоий-эстетик вазифаси, унинг синфий табиати каби масалаларга тааллуқлидир.

Тақриз

АНАРХИЗМНИНГ ТОР-МОР ЭТИЛИШИ



Ҳозирги даврнинг энг характерли хусусиятларидан бири шундаки, социалистик ҳамдўстлик системаси ва халқаро коммунистик ҳаракат планетамиз миқёсида жаҳон тараққиётига тобора кучли таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, КПССнинг ҳозирги шароитда буржуа мафкурасига қарши курашда коммунистик ва ишчи партиялар ўртасидаги бирликни таъминлашга, мустаҳкамлашга қаратилган кўп қиррали фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Чунки буржуа мафкурачилари коммунизмга қарши курашни кучайтирган бир пайтда уларга аёвсиз зарба бериш, ўтмишда бўлганидек, ҳозир ҳам ленинча коммунистик партиянинг муҳим вазифасидир.

Совет ижтимоий фани олимлари партиянинг бу соҳадаги фаолиятини ўрганиш ва умумлаштириш борасида жуда катта иш қилмоқдалар. Хусусан, анархизм ғоявий оқими танқидига доир тадқиқотлар республикамиз олимлари томонидан ҳам олиб борилмоқда. Тарих фанлари кандидати Маҳмуд Худойқулов «Ленин партиясининг анархизмга қарши кураш тарихий тажрибаси» деган йирик монографиясида[1] В. И. Ленин, большевиклар партиясининг Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш, ўтказиш ва унинг ғалабаларини барқарор этиш ҳамда мустаҳкамлашда анархизмга қарши олиб борган курашини янги материал ва фактлар асосида тадқиқ этади.

Монографиянинг муқаддимасида алоҳида таъкидланганидек, В. И. Ленин ва большевикларнинг анархизм билан кураш тарихи социалистик революциянинг ғалабаси ва Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида айниқса кескин тус олди. Асарнинг бошида К. Маркс ва Ф. Энгельснинг илмий коммунизм назариясини асослашда анархизмга қарши кураши, анархизмнинг оғмачилик моҳияти ишчилар синфи революцион ҳаракати учун нақадар хавфли эканини очиб берганликлари ва «анархизмнинг лассалчилик, прудонизм, бакунизм ва бошқа турли хил буржуа социализми оқимларидан ўсиб чиққанлиги» эслатиб ўтилади.

Марксизм-ленинизм классиклари асарлари асосида автор М. Бакунин, П. Кропоткин ва бошқа анархистлар қарашларининг антимарксистик моҳиятини, уларнинг жамият тараққиёти ривожланишининг социал ва иқтисодий қонунларини тўла тушуниб етмаганликларини, давлатнинг синфий моҳиятини ҳамда ишчилар ҳаракатида революцион партиянинг ўрнини англай билмаганликларини ишонарли тарзда очиб беради. Асарни ўқиган китобхон I Интернационал раҳбарлари марксистик ядросининг анархизмни заифлаштириш, унинг хавфини тугатиш учун олиб борган фидокорона кураши, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг барча мамлакатлар ишчиларининг синфий бирдамликлари йўлидаги раҳнамолиги, пролетариат диктатураси ва революцион партиянинг тарихан зарурлигини асослаб беришдаги фаолияти билан танишади.

Монографиянинг иккинчи боби В. И. Ленин ва большевиклар партиясининг пролетариат диктатураси учун анархистларга қарши олиб борган курашига, биринчи навбатда В. И. Ленининг марксизмни ривожлантиришдаги ва Россияда ишчилар синфининг революцион партиясини барпо этиш даврида анархистлар мафкураси билан олиб борилган курашидаги ўрнини кўрсатишга бағишланган. Шунингдек, Россияда анархизмнинг пайдо бўлиши, унинг илдизлари очиб берилади. Доҳиймиз Ленининг пролетариат диктатураси — тарихий зарурият экани тўғрисидаги марксистик қарашни ҳимоя қилганига, давлатни «бекор» этиш ҳақидаги анархистик назарияни қоралаганига тадқиқотчи алоҳида тўхталади.

Рус анархистларининг қарашлари эса М. Бакунининг субъектив-идеалистик, эклектик назарияси ва П. Кропоткиннинг позитивистик, механистик-материалистик таълимотларига асосланиб, амалда буржуа давлати машинасини синдириш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш тўғрисидаги туб марксистик принципни ўнг оппортунистларча инкор этишдан фарқланмас эди. Чунки ҳар қандай давлатни дарҳол йўқотиш ғоясини тарғиб қилиш энг ўткир синфий кураш бораётган бир пайтда ғалаба қозонган пролетариатнинг ихтиёрий равишда ўз мағлубиятини тан олиши бўлур эди. Бу даврда ҳам рус анархизми Бакунининг догмаларидан бир қадам ҳам илгарига кетмайди, улар ишчилар синфи ташкил этилмаган ва уюшмаган, стихияли ҳаракат қилган ҳолда пролетариат диктатурасисиз ўз озодлигига эришади, деб исботлашга уринадилар. Анархистларнинг қарашлари Петроград, Москва, Киев, Ростов-Дон ва бошқа йирик шаҳарларда муваққат нашрларда ташвиқ қилинарди. Шу сабабли монографияда В. И. Ленин раҳбарлигида большевиклар партиясининг чоризмни ағдариш, революциянинг тинч ривожланиш ҳамда қуролли қўзғолонга тайёрлаш давридаги анархистик қарашларга қарши олиб борган кураши бирма-бир тадқиқ қилинади.

[1] М. Худайкулов. Исторический опыт борьбы ленинской партии против анархизма. Издательство «Ўзбекистон», Тошкент — 1979.

Китоблар оламида

ТАБИАТ ҚЎШИҒИ





Садриддин Салимов шеъриятимизнинг кенжа авлодига мансуб ижодкорларнинг олдинги сафида бораётган истеъдодли шоирлардан. У ўтган йили икки шеърий тўпламини[1] китобхонлар ҳукмига ҳавола этди. Шоир уларда она табиатни куйлайди, табиат ва инсон ҳаётидан ўхшашликлар қидиради. Шеърларни ўқиганингизда гоҳ «рангларин ёйиб, бесас ғазал айтаётган ҳидлар» димоғингизга урилиб, дилингизда «баҳор кўкараётгандай», гоҳ «ҳар ғунча аввал сизнинг юрагингизда очилаётгандай» бўлади. Усимликлар дунёси ва одамлар ўртасида кўз илғамас боғланишлар борлигини сезасиз. Зеро, ҳар бир гиёҳ аввало тирик вужуд, унинг ҳам уриб турадиган юраги бор. Шу митти юракча ҳам одам сингари яшашга чанқоқ, инсонга хос интилишлар унга ҳам хос. Шоир бу фикрни «Илдиз»лар шеърида яхши ифодалаган. Илдизлар кўкка парвоз этишни, қуёш рухсорига яқинроқ бўлишни истайдилар, тупроқни қўпориб, исён кўтарадилар.

«Баҳор» шеърини қачон, қайси фаслда ўқиманг, назарингизда осмон кўкламдаги каби ғалати бир гумбурлагандек, кетма-кет чақмоқ чаққандек бўлади. Осмоннинг бир чеккасида эриётган қиш биллур маржонларини тасирлатиб ёғдира кетади. Осмон табиатнинг бу эркалашидан яйраб, беармон куйлайди ва сездирмайгина майсалар орасига қўзиқорин эка бошлайди.

Ҳар иккала тўпламда ҳам Улуғ Ватан уруши мавзуида ёзилган шеърлар талайгина учрайди. Улар беҳуда ҳайқириқ, баландпарвоз гаплардан холи, майин ва дардли. Мана, «Оёғим

[1] С. Салимов. Оққушим. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1979; Эрка қушим. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1979.

Монографиянинг учинчи бобида Октябрь социалистик революциясидан сўнг пролетариат диктатурасини ўрнатиш даврида анархизмнинг аксилинқилобий моҳияти фош этилади. Гап шундаки, анархистлар капитализм даврида шахснинг эркинлигини чеклайдиган сиёсий ҳокимиятни танқид қилганлиги туфайли меҳнаткашларнинг маълум қисмида муайян таъсирга эга бўлган эди. Улар Улуғ Октябрь революциясидан кейин субутсиз майда буржуазиянинг қарашларини ифодалаб, ўзининг «ультрареволюцион», авантюристик хатти-ҳаракатлари билан социалистик давлатнинг душманларига объектив равишда ёрдам бердилар. Кейинроқ эса намойишкорона равишда Октябрь революцияси душманлари томонига ўтиб кетдилар. Агар мамлакатдаги майда буржуазия стихияси кўлами ва большевиклар сафидаги муайян объектив шароитларга кўра Октябрь революциясида иштирок этган, лекин ўз антибольшевистик қарашларини ўзгартирмаган айрим кимсаларнинг анархизмга ғоявий ҳайрихоҳлиги ҳисобга олинса, бу гуруҳларнинг нақадар хавфли экани кўринади. Шу сабабли В. И. Ленин ва большевиклар партиясининг бу яширин душманларига қарши олиб борган одилона курашини ҳар томонлама ўрганиш катта аҳамиятга эгадир.

Авторнинг ишонарли, бой фактик материаллар асосида кўрсатишича, анархистлар ҳеч қачон монолит ташкилот бўлган эмас. Уларнинг турли гуруҳлари ўртасида принципиал ва тактик курашлар борар эди. Совет ҳокимиятининг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши эса улар олдига Советларга муносабат масаласини ҳам қўйди. Анархистлар ўз таълимотларига кўра, ҳокимият органи — Советларга қарши эдилар. Лекин Советларнинг ғоят даражада халқчиллиги ва оммавийлиги анархистларни янги ҳокимият органларига нисбатан бирмунча ижобий муносабатда бўлишга мажбур этарди. Бу дилеммани ҳал қилиш борасида талайгина анархистлар Советларга суқилиб кирдилар ва ўзларининг фракцияларини ташкил қилдилар ҳамда революциянинг душманлари бўлган меньшевиклар ва эсерлар билан зараркунандалик фаолиятларини давом эттирдилар. Асарда гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида большевикларнинг анархизмга қарши олиб борган курашини ёритишга анча ўрин берилган. Анархистлар айниқса ишчи-деҳқон қуролли кучларини яратиш масаласида партия тутган йўлга қарши чиқиб, ўз қиёфасини очиқ кўрсатадилар. «Биз ҳар қандай мунтазам армияни рад қиламиз», деб ёзган эди 1918 йил 17 февралда анархистларнинг «Голос труда» газетаси.

М. Худойқулов партия ҳужжатлари, ҳукумат директивалари ва ўша давр вақтли матбуотида келтирилган фактларга суяниб, Совет ҳукуматининг барча соҳалардаги асосий тадбирларини амалга оширишлари революциянинг ошкора синфий душманлари қаторида бўлган анархистларнинг ҳам қаршилигига учрайди; гап Брест сулҳи тўғрисида борадими, Таъсис мажлиси ёки миллий масала тўғрисидами — барча ҳолларда анархистлар совет ҳокимиятининг потенциал душмани бўлиб қолаверди, деган хулосага келади.

Автор монографияда мамлакатимизда хўжалик қурилиши, экономика соҳасида большевиклар партияси ва совет ҳокимияти томонидан белгиланган вазифаларни бажаришда анархистик қарашларнинг асоссизлигини кўрсатишга катта аҳамият берган. У ёзади: «Анархизм дунёқарашнинг муайян системаси сифатида ҳам, мафкура сифатида ҳам ишлаб чиқаришни планли йўлга қўйишга қарши чиқади». Анархистлар ўтиш даврини тан олмай, тўғридан-тўғри коммунистик асосларга сакраб ўтишни даъво қилиб чиқдилар. Улар хўжалик юритишнинг планли йўлини ва анархистларча тушунилган федератив асосларни тарғиб қилдилар. Анархизм ғоялари ишчи назорати ва национализация сиёсатига ҳам зид эди. Анархистлар ўзларининг шахс эркинлиги шиори ниқоби остида хўжалик ҳаётини изга қўяётган янги интизомга қарши чиқдилар.

В. И. Ленин ва большевиклар партияси янги экономика асосларини яратишни, халқ хўжалигига марказлашган тарзда раҳбарлик қилишни, йирик саноатни, социализмнинг ягона базасини яратишни кун тартибига қўйган бир вақтда анархистлар совет ҳокимиятини капитализмни тиклашда айблаб чиқдилар. Мана шу очиқдан-очиқ сиёсий иғвога Совет ҳукумати бефарқ қарай олмас эди.

Монография автори совет ҳокимиятининг қишлоқда социалистик тадбирларни амалга оширишда анархизм тактикасининг зарарини кўрсатишга ҳам катта ўрин берган. М. Худойқулов совет ҳокимиятининг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширган тадбирларини изоҳлаб, анархистик бузғунчиликлардан мақсад ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги иттифоқни заифлаштириш эди, деб кўрсатади. Анархистлар ўзларининг «Бирданига коммунага!» шиорини помешчик ерларини тортиб олишга қарши қўйдилар. Мамлакат бошига тушган очарчилик шароитида (айниқса Петроградда) Коммунистик партия пролетариат диктатурасининг таянчи сифатида қишлоқ камбағаллар комитетлари тузишга киришди. Қулоқлар қўлидаги ортиқча донни мусодара қилиш йўли билан қишлоқда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш кўзда тутилган эди. Анархистлар эса камбағаллар комитетлари деҳқонлар ташаббусини чегаралайди, деб уларнинг ўз вазифаларини бажаришларига халал бердилар. Бироқ қишлоқда Коммунистик партия ва совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган улкан ишлар анархизм мафкурасининг ҳам, амалий фаолиятининг ҳам бутунлай асоссизлигини кўрсатди.

Монографиянинг яна бир ютуғи шундаки, автор партия фаолиятида анархизм танқидини барча етилган масалаларнинг позитив ҳал қилиниши жараёни билан қўшиб кўрсатади. Китобхон назарида революциянинг дастлабки кунлариданоқ мураккаб ва қийин шароитларда Совет давлатининг омма курашига моҳирона раҳбарлиги ҳамда буюк яратувчилик фаолияти намоён бўлади.

Асарнинг хотимаси КПССнинг анархизмга қарши олиб борган кураши тарихий тажрибасининг ҳозирги давр аҳамиятига бағишланган. Шунингдек, анархизм ҳозирги издошларининг кирдикорлари, уларнинг социализм қуриш ва революцион курашдаги зарарли фаолияти фош этилади.

Анархизмни ғоявий-ташкилий тормор келтириш ўз моҳият эътибори билан интернационал вазифа эди. Бу вазифани социалистик қурилишнинг биринчи даврларидаёқ қай даражада бажарилганини ва бу борада В. И. Ленининнинг кўп қиррали назарий ҳамда амалий фаолиятини кўрсатишга бағишланган, Совет ҳукуматининг янгича ташкилотчилик ва революцион яратувчилик тадбирларини кенг ўрганиш ва бой архив материаллари асосида ёзилган мазкур тадқиқот, шубҳасиз, республикамиз ва иттифоқимиз илмий жамоатчилиги ва кенг китобхонлар эътиборига сазовор бўлади, деб умид қиламиз .

Шодмонқул АЗИЗОВ,
фалсафа фанлари кандидати,
Мойли ЛАФАСОВ,
тарих фанлари кандидати

йўқ, деб чекасиз ғам» мисраи билан бошланувчи шеър. Жангда оёқларидан айрилган одам қўлтиқтаёқни улоқтириб ташлаб, одамлар билан бирга меҳнат қучоғида бўлишни қўмсайди. Аммо бунинг иложи йўқ, «хаёллари чўлоқ кишилар» уни оёқларидан жудо этганлар. Шоир уруш оловини ёққан фашистларни «хаёллари чўлоқ кишилар» деб ҳукм чиқаради.

«Пабло Неруда сўзи» ва «Дунёдаги барча милтиқлар...» мисраи билан бошланадиган шеърларида ҳам шоирнинг гражданлик туйғуси барқ уриб туради.

Дунёдаги барча милтиқлар
Юрагимни олмоқда нишон.
Дунёдаги барча қўшиқлар
Юрагимга бўлмоқда қалқон,

дейди шоир.

Ўққа қўшиқни қалқон қилиш мумкинми? Мумкин бўлса, қандай қудратли қўшиқ у? Шундай қўшиқларни бир кунмас бир кун айтаман, деб қалам тебратаётган шоирнинг зиммасидаги масъулиятни тасаввур қилинг!

Садриддин Салимов ижоди халқ қўшиқларидан баҳрамандлиги билан ҳам юракка яқин. Унинг «Эски Бухоро халқ қўшиғи», «Тиниқ тунда», «Кўпригингдан бир куни...» каби шеърлари халқ қўшиқлари руҳида ёзилган.

Бироқ китобларга (айниқса, биринчисига) шоирнинг муваффақиятли чиққан асарлари билан бирга, шоир иқтидори, имкониятлари даражасидан пастроқ шеърлар ҳам киритилганки, улар ям-яшил дарахтнинг қуриб қолган новдалари каби кўзга хунук кўринади. Шоир уларда табиат гўзалликларини ифодалашга берилиб кетади-ю, шеър учун аввало юракни титратадиган, хаёл суришга ундайдиган салмоқли фикр зарурлигини унутиб қўяди. Тут, дарахт, қуёш, куртак, япроқ образларига қайта-қайта мурожаат қилади, улар орқали нималарнидир айтишга жазм этади. Аммо бу фикрлар кўпинча китобхонга маълум ҳақиқатлар бўлиб чиқади. Шу ўринда ҳар иккала китоб деярли бир хил номланганини, бу эса, китобхонда дафъатан яхши таассурот қолдирмаслигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Зеро, ҳар бир китоб ўз номига муносиб бўлиши, китобга қўйилган ном унинг ғоявий ва тематик мундарижасини ифодалаши керак.

Маълумки, шеър одамнинг қалбини тўлқинлантирмаса, унинг кундалик турмушида асқатмаса, ёниқ орзуларга ундамаса ўз вазифасини ўтай олмайди. Садриддин Салимов буни яхши билади. Ҳар иккала тўпламдаги энг яхши шеърлар — фикримизнинг далилидир.

Назира ЙЎЛДОШЕВА



СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
таҳрири остида

Ўн беш яшарлик чемпион


Йилнинг энг қизиқ мусобақаси республика чемпионатларидир. Уни ҳар бир етук шахматчи, мухлислар сабрсизлик билан кутадилар. Мусобақа яқинлашган сари қатнашчиларнинг имкониятларини чамалайдилар. Етакчи шахматчилар эса маълум бир мақсадга интиладилар. Бу галги республика чемпионатидаги натижалар сизга маълум бўлса-да, баъзиларини айтиб ўтишни лозим топдик.

Пешқадамлар сафидан ўрин олган фарғоналик спорт мастери И. Ивановнинг кейинги натижалари диққатга сазовордир. У ҳатто СССР халқлари VII ёзги спартакиадасида жаҳон чемпиони Анатолий Карповни мағлуб этгани бутун дунёга ёйилди. Иванов ушбу чемпионатда икки бор «таслим-ман» дейишга мажбур бўлганига қарамай, маррага биринчи етиб келди: мусобақани ўн ғалаба, беш дуранг, икки мағлубият, яъни жами 12,5 очко билан якунлади. Иккинчи ўринни олган М. Рудерфер бирорта ҳам ютқазмаганига қарамай, кўпини дуранг билан тугатгани учун чемпиондан 1,5 очко ортда қолди. Аввалига ўрта натижаларга эришган Г. Аъзамовнинг 10,5 очко тўплашига кейинги муваффақиятлари сабабчи бўлди. Д. Қаюмов тўртинчиликни олди.

Аёллар чемпионатида самарқандлик 15 яшар Мавжуда Ҳамроқуловага рақиб чиқмади: 13 имкониятдан 12 очко жамғарди. Л. Пинчук билан И. Жумаева ўнтадан очко олиб кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдилар.

Иккала чемпионатда жами икки юзга яқин партия ўйналиб, шулардан анчаси диққатга сазовордир. Ушалардан иккитасини келтирамиз.

И. Фомин — В. Логинов: 1. e4 c5 2. Kf3 e6 3. d4 cd 4. K:d4 Kc6 5. Kc3 a6 6. Ce2 Фc7 7. Ce3 Kf6 8. o-o Ce7 9. f4 d6 10. Фe1 o-o.



Томонлар сицилианча ҳимоянинг Паульсен номи билан юритилувчи вариантини ишга солмоқда.

11. Фg3 Сd7 12. Лad1 К:d4 13. С:d4 Сc6 14. Сd3 b5.

Оқлар марказда ва шоҳ флангида фаоллик кўрсатар экан, қоралар, одатдагидек, қарама-қарши томонда ташаббусга эришмоқчи.

15. a3 Фb7 16. e5 de 17. fe Кd7 18. Лf4 Сc5 19. С:c5 К:c5.

Биринчи жаҳон чемпиони В. Стейниц айтганидек, тахтада маълум устунликка эришган томон сира кечиктирмай ҳужум бошлаши керак. Акс ҳолда, рақиб ўзини ўнглаб олиши муқаррар. Оқлар бунга амал қиларкан, сипоҳ қурбони билан боғлиқ комбинацияга қўл уради.

20. С:h7+Кр:h7 21. Лh4+Крg8 22. Фh3 f5 23. ef Кd7.

Агар 23... Л:f6 бўлса, 24. Лh8+Крf7 25. Фh5+ ва c5 даги от кетади. 23. gf бўлса қора фарзинни бой беради ё мот бўлади.

24. Лh8+Крf7 25. fg Фb6+ 26. Крh1 Лg8 27. Фh5+Кре7 28. Фg5+Кf6 29. Лf1 Фd4 30. Лh4 Фa7 31. Ф:f6+ +Крd6.

Яна уч юришдан сўнг оқлар ютади. Буни ўзингиз топа оласиз.

М. Ҳакимова — Ф. Ҳасанова: 1. e4 c5 2. Кf3 Кc6 3. Сb5.

Оқлар сицилианча ҳимоянинг кам учрайдиган вариантини қўлламоқда. М. Ҳакимова Бухородаги ёшлар шахмат мактабининг кўзга кўринган талабаларидан. Ф. Ҳасанова эса эндигина 16 баҳорни кўриб, катталар орасида республика чемпиони бўлишга, Бутуниттифоқ мусобақаларида ном таратишга улгурган Чирчиқ шахмат мактабининг тарбияланувчиларидан... Олдиндан айтиб қўяқолайлик, агар бу партияни кимлар ўйнаганини ёзиб қўймаганимизда, ҳеч ким унинг авторлари ёш қизлар деб ўйламасди.

3... Кd4.

Бу ерда кўпроқ. 3... Фc7, 3... Фb6, 3... d6 қўлланади.

4. К:d4 cd5 o-o e6 6. c4 dc 7. dc.


7. К:c3 кучлироқ. Кейин d2 — d4 ўйналарди.

7... Кf6 8. Лe1 Фb6 9. c4 Сc5 10. Фe2 o-o 11. e5 Кe8 12. Кc3 Фc7.

Ҳозир 12... f6 қилишнинг ўрни эди. Аммо 13. Ка4 дан кейин қора филни кимнинг бергиси келади.

13. Сf4 a6 14. Са4 d6.

Ҳозир ҳам 14... f6 чакки эмас эди. 15. Лad1 de 16. С:e5 Фb6 17. Ке4 Сb4 18. С:e8 С:e1.



19. Кf6+Крh8.

19... gf? бўлса, 20. Фg4+Крh8 21. С:f6 Х.

20. Л:e1 Фa5 21. Лd1 h6 22. Фh5 b5. 23. Кd7 f6.

23... Л:e8? ёки 23... С:d7 бўлса, қора шоҳ икки юришда мот бўларди: 24. Ф:h6+ кейин 25. Ф:g7 Х.

24. К:f8. Қоралар таслим бўлди, чунки, 25... fe бўлса 26. Фg6 ва ҳоказо.

Вазифа. Тахтага теринг.

Оқлар: Крb3, Фd1, Лa6, Лb5, Сb8, Сg6, Кd3, Ке4, пиёдалар — c6, d4, e3;

Қоралар: Крd5, Лf7, Са5, Кb7, пиёдалар — c5, e6, g4.

Шарти: икки юришда мот.

Наъмаъак

ДАРДЛАРИМНИ ТОПИНГ

— Хўш, гапиринг, ўртоқ Аббосов, яна қаерингиз оғриб қолди?

— Аксинча, доктор укам, бир ҳафтадан бери ҳеч қаерим оғримаяпти. Шунинг учун келдим.

— Тушунмадим?

— Ҳозир тушунасиз... Сиз менга «Бир ой ичасан», деб бир дори ёзиб берган эдингиз, эсингиздами?

— Албатта. Хўш?..

— Мен ўша доридан бир ой ичдим.

— Яхши қилибсиз. Хўш?

— Йўқ, хато қилдим.

— Ия, нима бўлди, тинчликми?

— Тинчлик бўлса, олдингизга келармидим? Дорини бир ой ичгач, бутун оғриқларим барҳам топиб кетди...

— Ахир, бунинг нимаси ёмон?

— Шошилманг, ука. Оғриқ борида дард қаеримда эканини билардим. Энди ҳеч нарсани тушунолмаяпман. Ҳеч қаерим оғримаяпти. Ўзингизга маълумки, дарддан бундай осонгина қутилиб кетиш мумкин эмас. Дори ичаверганимдан кейин дардим яширинди. Бу мени жуда безовта қиляпти. Ким билади, балки ошқозонимда яра пайдо бўлгандир? Аммо оғриғини сезмаяпман. Борди-ю, шу яра... Йўқ, хато қилиб қўйдим шекилли, доктор укам. Энди текшириб, қанақа дардларим борлигини ўзингиз аниқланг.

— Сизда ҳеч қандай дард йўқ, Аббосов. Бунақа ваҳималарни хаёлингиздан чиқариб ташланг.

— Айтишга осон. Қандай қилиб чиқариб ташлайман? Ўз дардим ҳақида ўзим бош қотирмасам, ким бош қотиради? Уйдагилар ҳам хаста эканлигимга, дардларим борлигига ишонишмаяпти. Мана, сиз ишонмаяпсиз. Сиз врачсиз-ку!

— Сиз ҳам менга ишонишингиз керак. Касалликлар ҳақида кўп ўйламанг.

— Нега бундай дейсиз? Демак, аҳволим чатоқ. Очиғини айтмаяпсиз.

— Оғриқдан қутулганингизга қувонсангиз-чи, биродар!.. Тушунолмай қолдим — мендан муддаонгиз нима?

— Кўриб турибсиз-ку! Мени жиддийроқ текширинг. Қон босимимни ўлчанг.

— Қон босимингиз яхши, юз йигирмаю саксон.

— Ана, кўрдингизми! Бир минут... Блокнотимга ёзиб қўяй. Склероз ҳам бўлсам керак, баъзи нарсалар хотирамдан кўтарилади. Дардинг кўп бўлса, қийин экан. Қайси куни хаёл суриб кетаётганимда бирдан дазмол эсимга тушди. Кўз олдимда аланга пайдо бўлди: уйимиз ёняпти... Уйга қараб югурдим. Кириб қарасам, ҳайрият... Демак, қон босими. Хўш, ёзиб қўйдим. Энди юрагим ва ўпкамни...

— Юрагингиз ёш йигитларникидек!

— Диққат билан қулоқ солинг. Баъзан кечаси жимгина ётганимда дук-дук-дук этиш ўрнига тиқ-тиқ-тиқ этгандек бўлади. Демак, қандайдир иллати бор.

— Юрагингизда ҳеч қандай иллат сезилмаяпти. Ўпкангиз ҳам тоза.

— Сезилмаяпти, дейсиз. Демак, бир гап бор. Сиз бўлсангиз сезмаяпсиз. Ҳа, шундай. Мен сезган нарсани врач бўлатуриб нимага сиз сезмайсиз? Тажрибасизлик қиляпсиз шекилли.

— Қайдам... Энди нима қилай?

— Нима қилардингиз?! Тузукроқ текширинг!..

— Соппа-соғсиз, Аббосов!..

— Текширмаяпсиз. Ёки сиз мени одам қаторидан чиқариб қўйдингизми? Дардим кўп бўлса ҳам ҳали-вери ўлиш хаёлимда йўқ! Даволанишим керак. Сиз дардларимни топишингиз керак. Оғриқ йўқолганидан бери нима ейишимни ҳам, қанақа дори ичишимни ҳам билмай қолдим. Кечаси «Бирор жойим оғирмикан», деб кутиб ётаман. Ҳеч қаерим оғримайди. Юрагим ҳам санчмайди. «Дардларим қаерда?», деб ўйланаман. Саволим жавобсиз қолади. Асабийлалашаман. Дори ичишим керак. Аммо қайси биридан ичайин? Ҳеч қаерим оғримаяпти!.. «Қоқ ярим кечада юрагим тўхтаб қолса-я!», деб хавотир оламан. Ўрнимдан туриб, уй ичида у ёқдан бу ёққа юраман. Медицинага оид китобларни титкилайман. Кейин дори ичмоқчи бўламан. Лекин қайсисидан ичишни билмайман... Кўряпсизми, қандай мушкул вазиятда қолдирдингиз мени...

— Уф-ф!.. Аббосов эмас, Восвосов экансиз-ку. Мени беморлар кутишяпти...

— Кутаверишсин. Менинг дардим ҳамманикидан кўп.

— Мендан муддаонгиз нима ўзи?

— Айтдим-ку, яхшилаб текширинг. Ҳа, қаёққа кетяпсиз, доктор?

— Мен... Мен невропатологга ўзимни бир кўрсатиб чиқай...

Исо АБДУРАҲМОНОВ

Самарқанд

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган



Ҳўранда:

— Сиз товуқдан андаза олганмисиз ёки товуқ сиздан?..



Изоҳнинг ҳожати йўқ.




— Жаҳлингиздан тушмай туринг, дадаси, қуймоқ пишай деб қолди...



— Ҳу бобой, оймнинг пенсиясини менга ташлаб кетинг, омад келмай турибди ўзи.



— Менга ўхшаб макси кўйлак қийсанг, материал диктовка қиладиган ходимлар камайиб қолади...



КРОССВОРД

Энига: 1. Гул. 4. Ўсимлик пояси қисми. 9 Ватанимиздаги тоғ. 10. Тарозини созлаш учун ишлатиладиган тош. 12. Томон. 14. Қўшиқ. 15. Европадаги давлат пойтахти. 18. Ёдгорлик. 19. Ҳужжат варақаси. 20. Ош кўк. 21. Аёл исми. 22. Туркманистондаги шаҳар. 23. Ўйин. 24. Машҳур ҳинд киноартисти. 27. Ноёб ҳайвон. 28. Новвойлик асбоби. 29. Маъдан. 31. Жисмоний машғулот. 32. Табиат ҳодисаси. 34. Совет авиаконструктори. 35. Чолғу асбоби. 38. Н. Гоголь асари. 39. Овоз тури.

Бўйига: 2. Шарқ халқлари музика асбоби. 3. Тўшама. 5. Жумбоқ. 6. Уй ҳайвони. 7. Оила. 8. Космонавт. 11. СССР халқ артисти. 13. Спорт тури. 15. Фан. 16. Ўзбек совет бастакори. 17. Халқаро спорт мусобақаси. 25. Қўлланма. 26. Соат қисми. 30. Ширинлик. 33. Зарбдор. 36. Йўлдош сайёра. 37. Рус совет ёзувчиси.

Тузувчи **Қ. МУҲАММАДЖОНОВ**

Қўқон

6-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 1. Ўсма. 4. Капа. 10. Аэродром. 11. Арматура. 12. Қамал. 13. Какаду. 14. Ндола. 15. Сомали. 16. Олдриж. 17. Чақмоқ. 20. Милтиқ. 24. Плакат. 27. Мехико. 28. Онахон. 29. Курил. 30. Изотоп. 31. Ижара. 33. Курчатов. 34. Аделаида. 35. Карт. 36. Соат.

Бўйига: 2. Саримсоқ. 3. Абдуллаев. 4. Краснодон. 5. Плутоний. 6. Шарқ. 7. «Москвич». 8. Арғумоқ. 9. Бақа. 18. Ахилл. 19. Обида. 21. Бриллиант. 22. Гладиолус. 23. Петрарка. 24. Полигон. 25. Торпеда. 26. Ботаника. 29. Кокс. 32. Асал.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: «Тўй умрда бир бўлажак катта тантана». Устоз шоир Ғафур Ғулом ҳар бир инсон ҳаётида бир марта бўладиган, хотирада умрбод муҳрланиб қоладиган никоҳ тўйининг мароқли, қувончли онларини шундай таърифлаган эди. Тошкент Театр ва рассомлик санъати институти нутқ жанри факультетининг студенти **Нодира Саломова** билан шу институт актёрлик факультетининг студенти **Бахтиёр Қодиров** ўз хаётларидаги масъулиятли, фарахли дақиқаларни бошдан кечирмоқдалар.

Б. МИЗРОХИН фотоси

Тўртинчи бет: Чотқол тоғи ана шундай хушманзара кўринишларга эга. Бу беихтиёр шоирнинг «Қорли тоғлар турар бошида, гул водийлар яшнар қошида» сатрларини ёдга солади.

А. ЗУЕВ фотоси

Багам оролларида спортнинг янги, ғалати тури, акулани миниб сузиш одати пайдо бўлди. Кичикроқ акулалар ишқибозлар сабрсизлик билан кутаётган саёз қўлтиққа ҳайдаб келтирилади. Довюраклар унчалик беозор бўлмаган балиқни миниб олишга, ҳатто устидан узоқ вақт тушмасликка ҳаракат қиладилар. Акула хавфли йиртқич бўлишига қарамай инсон уни бўйсундирмоқда.

Ажойиб ультратовушли локатор билан қуролланган кўршапалаклар ҳашаротларнинг азалий кушандаси. Яқин-яқинларгача ҳашаротлар учун бу ёвдан қутулишнинг иложи йўқ, деб қаралардн. Аслини олганда шундай. Лекин ҳар бир қонун-қоидада ҳам истисно бўлади. Масалан, ноктюидлар ва геометридлар оиласига мансуб капалаклар ажойиб эшитиш қобилиятига эгадирлар: уларнинг қулоғи кўршапалакларнинг ультратовушли чинқиришини илғайди. Йиртқич яқинлашган заҳоти капалак қанотларини йиғиштириб, ўзини шартта ерга ташлайди. Бу усул ғоят қўл келади: кўршапалак кўп ҳолатларда ўлжасини мўлжалга ололмайди. Арктипидлар оиласига мансуб капалаклар эса мудофаа тадбирларини излашда янада илгарилаб кетганлар. Улар кўршапалак чинқиришини эшитган заҳоти ўзларидан ультратовушли садо чиқарадилар. Мана шу чалғитишдан карахт бўлиб қолган кўршапалак мўлжалдан адашади, капалаклар эса қочиб қоладилар.



1539 йили Америкадан Европага ташиб келтириладиган моллар орасида нефть биринчи марта рўйхатга олинган, бир неча металл бочкаларга жойланган «қора олтин» Венесуэладан Испанияга жўнатилган эди. Қизиғи шундаки, ўша пайтларда врачлар ундан фақат артрит (бўғинларнинг яллиғланиши) касаллигини даволашда фойдаланар эдилар.

Бир гуруҳ швед мутахассислари парафинга ўхшаб кетадиган синтетик «муз» яратдилар. Тўғри, янги яхмалак устида ўйинчиларнинг сирғаниш суръати ўн фоиз камаяди, бироқ спортчиларнинг мувозанат сақлаши бирмунча ошади. Олти миллиметрли янги қатламдан ўн беш йил давомида фойдаланиш мумкин. Синтетик «муз» 50 даражали иссиққа ҳам бардош бера олади.

ЭРТАКЛАР ОЛАМИ

Болалигида ана шу олам меҳмони бўлмаган, мўъжизалар ва ғаройиботлар дунёсига саёҳат қилмаган одамни топиш қийин. Ёшлигимизда кўрганимиз — ўша сеҳрли олам, ҳамма жойда ғолиб чиқадиган ўлмас қаҳрамонлар руҳи бизга умр бўйи ҳамроҳ бўлади, қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишга ундайди.

Ўтган йили мен Ялтада дам олиб юрган пайтимда шаҳар чеккасида жойлашган «Эртаклар ўлкаси»ни бориб кўрдим. Бу — Қрим областида хизмат қиладиган, касб-кори ишчи, инженер ва техник бўлган ҳаваскор ҳайкалтарошларнинг асарларидан ташкил топган кўргазма — ўзига хос музей эди.

«Эртаклар ўлкаси»даги асарларнинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, ўрмонда ва денгиз бўйларида қуриб қолган дарахтларнинг бутоқлари, томирлари, шохлари, таналари турли-туман эртакларнинг қаҳрамонларини яратиш учун материал бўлиб хизмат қилган.

«Эртаклар ўлкаси»ни ҳар куни икки мингдан кўпроқ одам томоша қилади. Томошабинлар орасида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган кишиларни ҳам, чет эллик туристларни ҳам учратиш мумкин.

Ўзига хос бу кўргазма айниқса болалар дилига олам-олам қувонч бахш этади. Ёш томошабинлар «Тимсоҳ Гена», «Чебурашка», «Типратиконлар оиласи», «Винни-Пух» ва бошқа мультипликацион фильмлар ҳамда эртакларнинг қаҳрамонлари олдида узоқ-узоқ туриб қоладилар, ёғочдан ясалган бу антиқа ҳайкаллар билан биргаликда хаёлан эртаклар оламига сафар қиладилар.

«Эртаклар ўлкаси»нинг айрим қаҳрамонларини журналхонларимиз эътиборига ҳавола этаман.

А. ВИКНЯНСКИЙ

1. Чебурашка. 2. Ялмоғиз кампир. 3. Типратиканлар оиласи. 4. Винни-Пух. 5. Криловнинг «Квартет» асари қаҳрамонлари. 6. Маймун. 7. Эшак. 8. Эчки. 9. Айиқ. 10. Ургимчак. 11. Малика қурбақа. 12. Тулки. 13. Криловнинг «Ойна ва маймун» асари қаҳрамони. 14. Эртак. 15. Йиғлаётган Алёнушка. 16. Сув париси. 17. Ўрмончи.

Бош редактор Асқад МУХТОР
Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон» («Цветущий сад»)— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор **А. САИДУМАРОВ**

Корректор **Н. ЙЎЛДОШЕВА**

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь —32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари —33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими —33-36-02; рассомлар бўлими —32-58-32.

Босмахонага туширилди 21.05. 80 й. Босишга рухсат этилди 26.06.80 й. Р —02078. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 268090. Буюртма 3276. Нашр А —102.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.




16



12

15



11

14



8

13

7



6



5



4



2



9



10



3



1

Баҳоси 30 тийин.
Индекс 75233
ISSN 0134—2207

